

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Б.К.ТУХЛИЕВ, Л.К.АЛИЕВА, С.К.АЛИЕВ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БЮДЖЕТ ТИЗИМИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан олий ўқув юртларининг иқтисодий таълим йўналишлари талабалари учун ўқув кўлланма сифатида тавсия этилган

Тошкент 2007

**Тухлиев Б.К., Алиева Л.К., Алиев С.К. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими: Ўқув қўлланма – Т.: ТДИУ., 2007. - 144 б.**

Ушбу ўқув қўлланмада Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг таркибий тузилиши ва иқтисодийда тутган ўрни, бюджет таснифи, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг бюджетлари, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, Ўзбекистон Республикасининг бюджет жараёни амалиётида газначиликни жорий этиш масалалари, давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари ва механизмлари, давлат қарзларини бошқариш масалалари ўз аксини топган.

Шунингдек, иқтисодийни модернизациялаш шароитида Ўзбекистон Республикасида бюджетлараро муносабатларни оптимал мувофиқлаштириш масалаларини ўрганишга эътибор берилган.

Ўқув қўлланма Олий таълимнинг 5А340601 - «Давлат молиясини бошқариш», 5А340801 - «Солиқлар ва солиққа тортиш» мутахассислиги магистрантлари, молия ва солиқ мутахассислари, банк ходимлари, профессор-ўқитувчилар ва илмий тадқиқотчиларга мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир:** **О.К. Иминов**, и.ф.д., профессор

**Тақризчилар:** **Н.Х. Хайдаров**, и.ф.д., профессор,  
**Ж.Б. Баева**, и.ф.н., доцент

**Тухлиев Б.К., Алиева Л.К., Алиев С.К. Бюджетная система Республики Узбекистана: Учебное пособие -Т.:ПЭУ, 2007. - 144 с.**

В этом учебном пособии рассматривается структура и роль в экономике государственного бюджета Республики Узбекистан, бюджетная классификация, бюджетов местных органов самоуправления, их организационно-правовые основы, вопросы внедрения казначейства на практике бюджетного процесса Республики Узбекистан, источники и механизмы финансирования дефицита государственного бюджета, вопросы управления государственным долгом.

А также, особое внимание выделяется на изучение вопросы по оптимальной координации отношение между бюджетами Республики Узбекистан.

Учебное пособие предназначено студентам высшего образования по специальности 5А340601 – «Управление государственными финансами», 5А340801 – «Налоги и налогообложение», специалистами финансы и налоги, бухгалтерам, аудиторам, профессорско-преподавательскому составу и научным исследователям.

**Ответственный редактор** **О.К. Иминов**, д.э.н., профессор.

**Рецензенты:** **Н.Х.Хайдаров**, д.э.н., профессор,  
**Ж.Б. Баева**, к.э.н., доцент.

**Tuxliev B.K., Aliyeva L.K., Aliyeva L.K. Budget system of Republic of Uzbekistan: Course manual. - Т.: TSUE, 2007. - 144 p.**

This manual covers the structure of state budget system of the Republic of Uzbekistan, its role in economy, and local state budgets, their legal forms. It also reviews financing of state budget deficit, its sources and mechanism, state debt structuring.

In condition of modernizing economy of the Republic of Uzbekistan, researching inter-budget relations and their optimal coordination are also covered by the study manual.

The study manual is intended for specialists of higher education 5А340601 - «Management of state finance», 5А340801-«Taxes and taxation», and for finance and tax specialists, bankers, accountants, auditors, professors-teachers as well as researchers

**Responsible corrector:** Iminov O.K.  
Ph.D of Economics, professor.

**References:** Haydarov N.H.  
Ph.D of Economics, professor.  
Baeva J.B.  
Ph.D of Economics, docent.

© Тошкент давлат иқтисодий университетини 2007.

### **Кириш**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини таъминлаган ҳамда молиявий барқарорликка эришган ислохотлар ҳозирги даврда давлат молияси ва айниқса, бюджет тизими барқарорлигини мустаҳкамлашда муҳим стратегик вазифа ҳисобланади.

Мустақил таракқиёт йўлини танлаб, демократик давлат қуриш йўлидан бораётган республикамизнинг бозор муносабатларига ўтиши шароитида, ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида бўлгани каби, бюджет тизимида ҳам чуқур ўзгаришларни амалга ошириш ҳозирги куннинг асосий талабидир.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларидан эътиборан, молия, банк, солиқ, бюджет тизимидаги бошланган ислохотлар давом этмоқда. Бугунги кунда бюджет-солиқ сиёсати борасида олиб борилаётган ўзгаришларнинг марказида бюджет даромадлари ва харажатларининг мувофиқлигини таъминлаш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш масалаларини ҳал этиш тақозо этилаётган долзарб масаладир. Зеро, иқтисодиётнинг эркинлашуви ва ислохотларнинг чуқурлашуви жараёнида бюджет тизимини ҳам мунтазам такомиллаштириб боришни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти сари босқичма-босқич ислохотларни амалга оширмоқда.

## **1-бoб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ ВА ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ**

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ривожланиш босқичлари ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
- 1.2. Мамлакат иқтисодиётини молиявий соғломлаштиришда бюджетнинг аҳамияти.
- 1.3. Давлат бюджетининг таркибий тузилиши ва бюджет тизимининг бўғинлари.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджетининг ҳуқуқий асослари.
- 1.5. Бюджет жараёни ва бюджетни башоратлаштириш.
- 1.6. Ўзбекистон Республикасида бюджет тизимини бошқарувчи органлар.

### **1.1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ривожланиш босқичлари ва унинг ўзига хос хусусиятлари.**

Давлат бюджети умумдавлат пул маблағлари фондининг иқтисодий кўринишида ташқил топишининг асоси жамиятнинг умумий пул маблағлари фондлари тизимида асосий ўринни эгаллашидир. Бундан ташқари, давлат бюджети ишлаб-чиқаришнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб ишлаб-чиқариш ривожланишидаги зарурий тангликларни ва ижтимоий эҳтиёжларни таъминлашга замин яратади. Шундай қилиб, давлат бюджетининг моҳияти – жамият хўжалик тизимининг характери ва бозор иқтисодиётидаги иқтисодий қонунларнинг таъсири, давлатнинг табиати ва вазифалари билан белгиланади.

Давлат ўз вазифаларини бажариш жараёнида маблағларга муҳтож бўлади. Бу маблағлар мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун, аҳолининг турмуш даражасини кўтаришга, ижтимоий вазифаларни бажаришга қаратилган, давлатни бошқариш, муҳофаани таъминлаш каби мақсадларга йўналтирилган.

Давлат бюджетининг иқтисодий тушунчаси, умумжамят миқёсида марказлашган, давлат иштирокида тўпланган ва сарфланадиган молиявий ресурсларни англатади.

Бюджетнинг моҳиятини ёригишга уч жихатдан ёндошиш мумкин: иқтисодий категория сифатида; моддий маънода; ҳуқуқий категория сифатида.

**Иқтисодий** категория сифатида бюджет - турли бюджет фондларини шакллантириш, тақсимлаш ва фойдаланиш пайтида юзага келувчи иқтисодий муносабатлардир ва унинг асосида доимо моддий ишлаб-чиқариш ҳамда номоддий хизмат кўрсатишлар ётади.

Моддий маънода бюджет - тегишли даражадаги давлат ва маҳаллий ҳокимият идоралари фаолиятини таъминловчи, улар олдига қўйилган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий вазифаларни бажариш имконини берувчи марказлаштирилган пул маблағлари фондидан иборатдир. Давлат томонидан режалаштирилган тадбирларни бюджет ҳисобидан молиявий таъминлаш деганда бюджетнинг айнан шу маъноси кўзда тутилади.

Ҳуқуқий категория сифатида – бюджет тегишли ҳудуд доирасида марказлаштирилган пул маблағларини шакллантириш, тақсимлаш, фойдаланишга қаратилган ва тегишли давлат, ёки маҳаллий ҳокимият идораси томонидан тасдиқланган асосий молиявий режа, юридик меъёрлардан иборатдир.

Белгиланган тартибда кўриб чиқилган ва тасдиқланган бюджет давлатнинг, ёки маҳаллий ҳокимиятнинг асосий молиявий режасига айланади. Бюджет мамлакатнинг асосий молиявий режаси сифатида қуйидаги белгилар билан тавсифланади;

- ✓ бюджет универсал молиявий режа сифатида тегишли ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг барча соҳалари ва йўналишларини тўла қамраб олади;
- ✓ бюджет бошқа турдаги молиявий режаларга нисбатан мувофиқлаштирувчи вазифани бажаради.

Юқорида кўриб ўтилган белгилари, бажарадиган функцияларига асосланган ҳолда, бюджетга иқтисодчи олимлар томонидан турлича таърифлар берилган: проф. Л.А. Дробозина давлат бюджетига қуйидагича таътиф берган: «Давлат бюджети – молия тизимининг етакчи бўғини ва асосий молия

категорияси. Бюджет асосий молия категориялар (солиқлар, давлат кредити, давлат харажатлари) фаолиятини бирлаштиради: бюджет оркали маблағларни бир жойга тулланиши ва ишлатилиши юз бериши»<sup>1</sup> мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунида Давлат бюджетига қуйидагича таъриф берилган: «Давлат бюджети-давлат пул маблағларининг (шу жумладан, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади. Давлат бюджетининг иқтисодий ва ижтимоий моҳияти унинг функцияларида намоён бўлади.

Давлат бюджетининг функциялари тўғрисида иқтисодчи олимлар ўртасида турли мунозаралар мавжуд.

Профессор Л.А. Дробозина Давлат бюджетининг моҳиятини ёритишда унинг қўйдаги функцияларини кўрсатиб ўтади:<sup>3</sup>

- ЯИМ қийматини қайта тақсимлаш функцияси;
- назорат функцияси;
- иқтисодиётни бошқариш функцияси;
- ижтимоий функцияси.

ЯИМ қийматини қайта тақсимлаш функцияси ЯИМ тақсимотида истеъмол ва жамғарма фондлари ташкил этилади ва бу тақсимот жараёнида истеъмол фонди тахминан 3/4, жамғарма фонди нисбат атрофида ташкил этади. ЯИМ қайта тақсимоти қуйидаги объектлар ўртасида амалга оширилади: ишлаб-чиқариш ва ноишлаб-чиқариш соҳалари ўртасида; иқтисодий ҳудудлар ўртасида; давлат билан аҳоли ўртасида.

---

<sup>1</sup> Дробозина Л.А. «Финансы» М.: ЮНИТИ 2005. стр.109

<sup>2</sup> Йулдошев М, Турсунов Й. «Молия ҳуқуқи».Т.: «Мехнат»,1999 52-бет

<sup>3</sup> Дробозина Л.А. Финансы М.: ЮНИТИ, 2005. стр.111.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ишлаб-чиқарадиган ва ноишлаб чиқариш соҳалари ўртасидаги тақсимот. ЯИМ асосан, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда тижорат асосида фаолият юритадиган ноишлаб чиқариш соҳаларида (тижорат бошқармалари, алоқа, транспорт ва бошқалар) шаклланади. Давлатни иқтисодий ривожланишини таъмирлаш учун ноишлаб чиқариш соҳаларига харажатлар қилинади. Соғлиқни сақлаш, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш, мутахассис кадрларни таёрлаш, мамлакат мудафаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва бошқа харажатлар марказлашган тартибда (давлат миқёсида) амалга оширилади. Шунинг учун, ЯИМ бир қисми Давлат бюджетининг харажатлар тизими орқали ЯИМ яратмайдиган соҳаларга қайта тақсимланади. Шунингдек, бюджет орқали ЯИМ тармоқлар, бирлашмалар, корхоналар ўртасида қайта тақсимланади. Бундай зарурят мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш режасидан келиб чиқади.

Иқтисодий ҳудудлар ўртасидаги тақсимот. Табиий ва меҳнат ресурсларининг мамлакат миқёсида нотекис тақсимланганлиги айрим ҳудудларга давлат томонидан махсус иқтисодий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш заруратини келтириб чиқаради. Бунда марказлашган давлат даромадларидан, хусусан, Давлат бюджетидан маҳаллий бюджетларга трансфертлар ажратилади. Масалан, Қорақалпоғистон Республика бюджетига экологик ва ижтимоий вазиятни яхшилаш мақсадида Давлат бюджетидан турли трансфертларнинг ажратилиши.

Давлат ва аҳоли ўртасидаги тақсимот. Аҳолидан олинадиган солиқлар ёрдамида давлат орқали ЯИМнинг маълум қисмини қайта тақсимлаш амалга оширилади. Бунда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш заруратларини ва бошқа умумдавлат талабларини кондириш мақсадида аҳоли даромадларининг маълум қисми шахсий мулкчилигидан умумийликка ўтиши содир бўлади. Бундан ташқари, аҳолининг алоҳида табақаларига хар-хил қулайликлар яратилади. Бюджет маблағларининг оқилона йўналишларда сарфланиши ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жадаллаштирилади, илмий техника ютуқларини ҳаётга жорий қилиш имкониятларини кенгайтиради.

Назорат функцияси ёрдамида давлат пул маблаги фондини ташкил этиш ва ундан фойдаланишда иқтисодиётнинг таркибий бўғинларидан келиб чиқадиган иқтисодий жараёнларини ўзида акс эттириши билан амалга оширилади. Шунингдек, бюджет кўрсаткичларини кузатиш орқали иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни боришини, кўзда тутилган режадан амалдаги четга чиқишларни кузатиб, ҳукумат оператив қарорлар қабул қилиши мумкин бўлади.

*Иқтисодиётни бошқариш функцияси.* Бозор иқтисодиётига асосланган бошқарув шароитида, асосий ишлаб чиқариш кучлари хусусийлаштирилган. Лекин шундай иқтисодий тармоқлар, корхоналар ҳам мавжудки, уларни бюджет томонидан молиялаштириш, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлайди. Бюджет механизмлари орқали иқтисодиётни бошқариш давлат ихтиёрига келиб тушадиган пул маблағларини манёврлаштириш орқали амалга оширилади.

---

Кўпгина иқтисодчи олимларнинг фикрига, давлатни иқтисодиётга аралашини иқтисодиёт ривожланишида муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий соҳага ажратилган бюджет маблағларининг асосий йўналишлари - марказлашган инвестициялар, ижтимоий инфратузилмаларни молиялаштириш ва бошқалар.

Ижтимоий функция – жамият ишлаб чиқариши ривожланишининг асосий ҳаракатлангирувчи кучи сифатида инсон омилига асосий эътибор берилмоқда.

Жамиятда ноишлаб чиқариш соҳаларини маблағ билан таъминлаш, яъни молиялаштириш бюджет орқали амалга оширилади. Мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш ва спорт муассасалари, фан ва маданиятни ривожлантиришда бюджетнинг аҳамияти ортмоқда.

Ўзбекистон Республикаси бозор муносабатларига ўтишида давлат харажатлари ўзгариб бормоқда ва бунинг асосий сабаби мулкка бўлган муносабатларнинг ўзгаришидир.

Мустақиллик йилларида Давлат бюджети иқтисодий ислохотларни амалга оширишда давлатнинг асосий молиявий курали сифатида йирик инвестицион



лойҳаларни молиялаштириш, ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш, янги йил ўринларини барпо қилиш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашдаги аҳамияти кучаймоқда.

Давлат бюджети молия тизимининг асосий бўғини бўлиб давлат молияси таркибида хизмат кўрсатади.

Молия жамият миқёсидаги марказлашган ва марказлашмаган фондларни шакллантириш ва фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий-пулли муносабатларни ифодалайди. Аммо, бу муносабатлар молия тизимининг турли бўғинларида турлича кўринишда акс этади. Молия тизимининг ҳар бир бўғини ўзининг маълум хусусиятларига эга, ўзига хос бўлган вазифаларини бажаради ва такрор ишлаб чиқариш жараёнига турлича таъсир кўрсатади. Давлат бюджети орқали ресурслар давлатнинг асосий марказлашган фондида тўпланади ва унинг хўжалик соҳалари, иқтисодий ҳудудлар аҳолининг алоҳида ижтимоий табақалари орасида қайта тақсимланиши содир бўлади. Давлат бюджети – давлат молиясининг етакчи бўғини сифатида давлат ва ҳудудий ўз-ўзини бошқарувчи органларнинг мақсад ва вазифаларини молиявий жиҳатдан таъминлашга мўлжалланган марказлашган пул фондларининг ташқил топиши ва ишлатилишини ифодалайди. Давлат молия тизими қуйидаги бўғинлардан ташқил топган: Давлат бюджет тизими; бюджетдан ташқари махсус фондлар; давлат кредити; давлат корхоналари.

Давлат бюджети молия тизимининг барча бўғинлари билан ўзаро алоқадор. Давлат бюджети иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий ислохотларни амалга оширишда давлатнинг асосий молиявий қуроли сифатида йирик инвестицион лойҳаларни молиялаштириш, ишлаб-чиқариш қувватларини янгилаш, янги иш ўринларини барпо қилиш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашдаги роли ортмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиши шароитида республика ҳукумати томонидан бозор ислохотларини босқичма-босқич амалга ошириш дастури ишлаб чиқилди. Вазият иқтисодиётни тезкорлик билан эркинлаштириш, истеъмол нархларини

сезиларли ошириш ва қаттиқ молиявий сиёсатни амалга ошириш каби микроиқтисодий тусдаги ўзгаришларни амалга оширишни талаб этарди.

Ўзбекистонда ижтимоий асосланган бозорга ўтиш жараёни турли вақтлар оралиғида ҳамда ўтиш жараёнининг турли йўналишлари бўйича нотекис амалга ошди. 1992 йил бошларидан ҳукуматнинг бир-биридан тубдан фарқ қилувчи макроиқтисодий сиёсатини ва ўтиш жараёнидаги ислохотларини шартли равишда бир неча босқичларга бўлиш мумкин.

Ислохотларнинг биринчи босқичи 1992-1993 йилларда амалга оширилган. Биринчи босқичи ҳукуматни юмшоқ макроиқтисодий сиёсат, секин ва чекланган тарздаги иқтисодий ислохотлар ва собиқ Иттифокдан мерос бўлган макроиқтисодий мувозанатсизлик билан тавсифланади.

Ислохотларнинг иккинчи босқичи 1994 йил бошидан 1996 йилнинг учинчи чорагини ўз ичига камраб олади ва қаттиқ молиявий сиёсатни амалга ошириш, кўпгина соҳаларда ислохотлар суръатларининг тезлашганлиги ва микроиқтисодий ахволнинг барқарорлашуви билан ажралиб туради.

Ислохотларнинг учинчи босқичи 1996 йилнинг тўртинчи чорагида бошланиб, иқтисодий ислохотларнинг 1999 йилгача учинчи босқичи давом этади.

Ислохотларнинг тўртинчи босқичи 2000 йилдан ҳозирги кунгача давом этиб келаётган иқтисодиётни эркинлаштириш жараёни, макроиқтисодий жараёнларининг барқарорлиги ошганлиги билан кузатиш мумкин.

Ислохотларнинг ҳар бир даврида республиканинг макроиқтисодий кўрсаткичлари тизими, жумладан бу кўрсаткичлар ичида давлат бюджети тақчилигининг ўрни ва шакллари, унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётга таъсири нуқтаи назаридан таҳлил қиламиз.

Ислохотларнинг биринчи босқичи оралиғида қуйидаги йўналишлар бўйича ютуқларига эришилди: нарх-наво ва савдонинг эркинлашуви, кичик корхоналарни хусусийлаштириш, солиқ ислохотлари, ҳуқуқий соҳадаги ислохотлар ҳамда кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш жараёнлари амалга оширилди.

Хусусан, нархларни эркинлаштириш бўйича: аҳолининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатмасликни инобатга олган ҳолда, энергетика ва истеъмол моллари нархига давлат назоратини ўрнатиш йўли билан, 1992 йилда кўпгина товарлар баҳоси эркинлаштирилди, аммо ҳукумат ташқи савдо операциялари назоратини ўз қўлида сақлаб қолди.

Хусусийлаштириш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди: давлат уй-жойларининг бир қисми, чакана савдо, маиший хизмат кўрсатиш ва енгил саноат соҳасидаги кичик корхоналар хусусийлаштирилди.

Солиқ тизимидаги асосий ислохотлар – ҚҚС ва акциз солиғининг келиб чиқиши билан боғлиқ.

Ҳуқуқий асосларни шакллантириш соҳасидаги ислохотлар хусусийлаштириш тўғрисидаги, корхоналар тўғрисидаги, хусусий мулк тўғрисидаги, хорижий инвестициялар тўғрисидаги қонунлар қабул қилиниши билан боғлиқ.

1992-1993 йилларда ҳукумат сезиларли даражада юмшоқ бюджет сиёсатини юритди. Иқтисодий ислохотларининг бу босқичида бюджет тақчиллиги сезиларли даражада ўсди. Ўзбекистонда ЯИМнинг пасайиш даражаси 1992-1993 йилларда ўртача 13,1 % ни ташқил этди ва бюджет тақчиллиги ўзининг энг юқори чўккисига чиққанлигини кўриш мумкин. У 1991 йилда ЯИМнинг 4,9 % миқдоридан 1992 йилда 12,5 (ҳалқаро ташкилотлар ҳисоби бўйича 18,1) %, 1993 йилда 10,4 %ни ташқил этди.<sup>4</sup>

Бу тақчиллик пассив кўринишидаги тақчиллик бўлиб ЯИМнинг пасайиши билан бир вақтда юзага келди. Ислохотларнинг жадаллашув босқичи – ислохотнинг иккинчи даврида Ўзбекистоннинг 1994 йилга келиб рубл худудидан чиқиши ва бозор ислохотларини чуқурлаштириш бўйича Президент фармонининг эълон қилиниши билан, ўтказилаётган ислохотлар сезиларли даражада жадаллашди. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг барча расмий маълумотларида ва хорижий мутахассисларнинг ҳисоботларида 1994 йил

---

<sup>4</sup> Жаҳон банки ва Молия вазирлиги маълумотлари.

сентябрдан 1996 йил оралигида бозор ислохотларининг барча соҳаларида катта ютуқларга эришилганлиги ўз аксини топган.

Ислохотларнинг иккинчи босқичида ҳукумат қаттиқ бюджет сиёсатини амалга оширди, шу жумладан бюджет даромадларини оширишга қаратилган бир - қанча тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, бюджет бошқаруви кучайтирилди, солиқ тизими ислохотларини такомиллаштириш бўйича чоратадбирлар ишлаб чиқилди. Бу вақт давомида Ўзбекистонда иқтисодий аҳвол бир-мунча барқарорлашди, ЯИМнинг реал ҳажмлари пасайиши секинлашди ва у 1994 йилда 4,2 %, 1995 йилда 0,9 %ни ташқил қилди. 1996 йилнинг биринчи ярмидан бошлаб ЯИМ суръатларининг ўсиши кузатилди.

Ислохотларнинг иккинчи босқичида жамланма бюджет тақчиллиги (давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган тушумни ҳисобга олганда) 1994 йилда ЯИМнинг 6,1 %и, 1995 йил 4,1 %и ва 1996 йилнинг биринчи 9 оyi яқунларига кўра 3,5 %и миқдоригача қисқарди. Бюджет тақчиллиги 1996 йилгача пассив кўринишида, яъни ЯИМ ҳажмларининг пасайиши, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг нобарқарорлиги шароитида юзага келган бўлса, 1996 йилнинг бошларидан тақчиллик актив кўринишида, яъни ишлаб -чиқариш ҳажмининг ўсиши, инфляция суръатларининг кескин пасайиши ва белгиланган режадаги ҳажмларида ортмаган ҳолатда юзага чиқди. Иккинчи босқичда бюджет соҳасидаги энг муҳим жараён бу, 1996 йилдан бошлаб тақчилликни молиялаштиришнинг ноинфляцион усули бўлган давлат облигацияларининг муомалага чиқарилиши бўлди.

Ислохотларнинг учинчи босқичи (1996 йилнинг IV чорагидан 1999 йилгача). 1996 йилнинг охири чорагига келиб республика ҳукумати кўпгина муҳим соҳаларда юритилаётган иқтисодий ислохотларда ўзгаришлар киритишга мажбур бўлди. 1996 йилнинг тўртинчи чорагида жамланма бюджет тақчиллиги ЯИМнинг 15 %ига кадар ортди ва йил бўйича умумий 7,3 %ни ташқил қилди (шундан ЯИМнинг 6,9 %и миқдоридаги тақчиллик банклар тизими томонидан молиялаштирилди). Макроиқтисодий ҳолатнинг ёмонлашуви, 1997 йилда ҳукуматни қаттиқ молиявий сиёсат юритишга мажбур

қилди ва натижада, бюджет тушумларини ошириш, тўлов тизимини тартибга солиш ва бюджетдан кредитлаштиришни қисқартириш учун қилинган тадбирлар натижасида жамланма бюджет тақчиллиги ЯИМнинг 2,3 %га қадар қискарди. Бу тақчилликнинг катта қисми давлат облигациялари ҳисобидан молиялаштирилди.

1999 йил Ўзбекистон Республикаси учун эришилган макроиқтисодий мувозанатни мустаҳкамлаш йили бўлди. ЯИМ ҳақиқий ҳажми 1999 йилдан 1998 йилга нисбатан 4,4 %га ўсди.

1999 йилги давлат бюджетининг барча кўрсаткичлари ижобий бажарилди. Давлат бюджетининг даромад қисми 622,0 млрд. сўмни, харажатлар қисми 658,7 млрд. сўмни ташкил этди. Давлат бюджетининг режалаштирилган бюджет тақчиллиги 3 фоиз даражасида белгиланган эди, ҳақиқатда 1,8 фоиз бўлишига эришилди.

2000 йилдан бошлаб ҳозирги кунгача ислохотларининг IV босқичи давом этмоқда. Бу даврда иқтисодиётда макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлиги ошганлигини кузатишимиз мумкин. Давлат бюджетига ЯИМга нисбатан бюджет тақчиллиги йилдан йилга 1,5 %дан ошмаслиги режалаштирилган. Республика ҳукумати иқтисодий ислохотларни давом эттириб давлат бюджети тақчиллиги ҳажмини ва инфляция суръатларини пасайтириш, саноат ишлаб - чиқариш ва экспорт ҳажмини, аҳолининг реал даромадларини ошириш сиёсатини юритмоқда. 2005-2006 йилларнинг давлат бюджети кўрсаткичларида ижобий ўзгаришлар рўй берди. Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикасида мамлакатнинг макроиқтисодий жиҳатдан барқарорлигини янада мустаҳкамлашга эришилди.

## **1.2. Мамлакат иқтисодиётини молиявий соғломлаштиришда бюджетнинг аҳамияти**

Ижтимоий - иқтисодий ривожланишнинг бугунги босқичида мамлакатни молиявий соғломлаштиришда бюджетнинг аҳамияти юқоридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида давлат бюджети масалаларида ижобий ўзгаришлар тўғрисида тўхталиб ўтдилар.

2006 йилда ЯИМ 7,3 %га ўсди. Ишлаб-чиқариш ҳажмининг саноатда- 10,8, қишлоқ хўжалигида- 6,2 %га ошгани, инвестицияларнинг 11,4%га, қурилиш-пудрат ишларининг 12,8%, хизмат кўрсатиш соҳасидаги кўрсаткичларнинг 19,5 %га ўсгани иқтисодий ривожланишнинг асосий омиллари сифатида хизмат қилди.

Олиб борилаётган қаятий пул-кредит сиёсати ва пул айланмасининг изчил назоратда тутилиши монетар кўрсаткичларнинг барқарор даражасини таъминлаш, инфляция суръатини пасайтириш ва уни 6,8 %га олиб келиш имконини берди.

Давлатнинг молиявий сиёсатини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 2006 йилдаги даромадлари 4.042.460,4 млн. сўмда режалаштирилган эди. Бюджет даромадларида асосий даромад манбаи бўлиб солиқлар иштирок этди. Даромадлар таркибида тўғри солиқлар 1.045.920,6 млн. сўмда режалаштирилган, ёки ҳамма даромадларига нисбатан 26 % эгри солиқлар 1.986.656,3 млн. сўмда, ёки 49 % бюджет даромадларида ресурс тўловлар ва мулк солигининг ҳажми 768.184,1 млн. сўмда режалаштирилган, ёки 19 %.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 2006 йилга харажатлари 4.313.522,1 млн. сўмда режалаштирилган. Бюджет харажатларининг асосий қисми ижтимоий соҳага йўналтирилган. Ижтимоий соҳа харажатлари 2006 йилги бюджетда 2.255.348,9 млн. сўмда режалаштирилган, ёки 52 %; иқтисодий харажатлар ва марказлаштирилган инвестиция харажатларга 952.666,0 млн. сўм режалаштирилган, ёки 22 %. Бюджет кўрсаткичлари ҳукуматнинг ижтимоий сиёсатини таъминлашга мулжалланган.

2006 йилги давлат бюджетининг даромад ва харажатлар кўрсаткичлари бюджетда тақчиллик борлигини билдиради. 2006 йилги Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида тақчиллик ҳажми 271.061,7 млн. сўм кўзда тутилган, бу ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,5 % белгиланган. Ҳақиқатда 2006 йилдаги бюджет ижросида давлат бюджети 93,0 млрд. сўм ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,5 % профицит билан бажарилди.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб-чиқариш фаоллигини ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлашда, солиқ юқини камайтиришга қаратилган солиқ сиёсатининг ўқазилиши муҳим аҳамият касб этди. Ўган йили юридик шахслар даромадлари (фойда)дан олинандиган солиқ ставкалари 15 %дан 12 %гача, дивиденд ва %лардан олинандиган солиқ 15 %дан 10 %гача, ягона ижтимоий тўлов эса 31 %дан 25 %гача камайтирилди. Экология солиги бутунлай бекор килинди.

Солиқ имтиёзларидан фойдаланиш натижасида республикаимиз корхона, компания ва хўжаликлари 2006 йилда ўз молиявий ресурсларини қўшимча равишда 425,0 млрд. сўмга кўпатирди. Бу эса инвестицияларнинг ўсиши, корхоналарнинг айланма маблағини тўлдириш ва меҳнатга ҳақ тўлашни ошириш учун қўшимча манба бўлиб хизмат килди.

2007 йилнинг асосий вазифаси – иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб суръатларда ўсиши ҳамда таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштиришдан иборат. 2007 йил учун мулжалланган иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари куйидаги: жорий йилда ЯИМ ҳажми 7,7 %, саноат ишлаб-чиқариши 7,8 %, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб-чиқариш ҳажми 5,0 % ўсишини таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга жалб этиладиган инвестиция ҳажмини эса 25,5 %га купайтириш.

2007 йилда қатъий молия-кредит ва пул сиёсатини юритиш ва шу асосда йил давомида инфляция даражасини 5-7 %гача қисқартириш кўзга тутилган.

Солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш ва солиқ органларининг фаолиятини такомиллаштириш борасидаги ишлар давом эттирилади. Даромад солиғи ставкалари 12 %дан 10 %га, кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкасини 13 %дан 10 %га, шунингдек ягона ижтимоий тулов ставасини 24 %гача камайтириш кўзга тутилган.

2007 йилга давлат бюджетини тақчиллигини ЯИМ нисбатан 1,0 %да режалаштирилган. 2007 йилга давлат бюджети тақчиллигини молиялаштиришда куйидаги манбалар белгиланган: республика бюджетининг 2007 йилнинг бошига озод қолдиқ маблағлари; 2007 йилнинг 1 январга бўлган давлат махсус фондларнинг маблағ қолдиқлари; бошқа ноинфляцион манбалари.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 2007 йилга кўрсаткичларида, унинг даромадлари 5.100.867,9 млн. сўм белгиланган, шу жумладан тўғри солиқлар – 1.219.647,9 млн. сўм, ёки 24 %; тўғри солиқлар 2.478.178,1 млн. сўм, ёки 49 %; ресурс солиқлар ва мулк солиғи – 931.800,0 млн. сўм, ёки 18 % режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикасини давлат бюджет харажатлари 2007 йилга – 5.334.229,1 млн. сўмда режалаштирилган. Бюджет харажатларининг асосий қисми ижтимоий соҳа харажатларига мўлжалланган. Ижтимоий соҳа харажатлари 2007 йилга 2.885.872,4 млн. сўмда кўзда тутилган. Бу эса бюджет харажатларига нисбатан 54 %ни ташқил этади. Иқтисодий харажатлар ва марказлаштирилган инвестицияни молиялаштиришга давлат бюджетиди 578.758,7 млн. сўм мўлжалланган, бу эса бюджет харажатларига нисбатан 11,0 %ни ташқил этади. 2007 йилги давлат бюджетиди 233.361,2 млн. сўм бюджет тақчиллиги кўзда тутилган, бу эса ЯИМ нисбатан 1,0 %ни белгилайди.<sup>5</sup>

---

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг маърузаси, «Халқ сўзи» газетаси, 2007 йил 13 феврал.



### **1.3. Давлат бюджетининг таркибий тузилиши ва бюджет тизимининг бўғинлари**

Бюджет тузилиши мамлакатнинг давлат бюджети ва бюджет тизимини, унинг айрим бўғинлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ташкил қилишни, бюджет тизимига қирадиган бюджетлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, бюджетлар таркиби ва тузилмасини, бюджет маблағларини шакллантириш ва сарфлашдаги тартиб-қоидалар ва бошқаларни белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси бюджетининг тузилиши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳар йили қабул қилинадиган “Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисидаги” қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва параметрлари башорати тўғрисида” қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида белгиланади.

Бюджет тузилишининг асосий таркибий қисми бюджет тизимидир.

Бюджет тизими турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, бюджетларни ташкил этиш ва тузиш тамойилларини, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатларни ифода этади.

Бюджет тузилиши асослари мамлакатнинг давлат тузуми, мамлакатда амалда бўлган асосий қонун ҳужжатлари, бюджетнинг ижтимоий тақдор ишлаб чиқариш ва ижтимоий жараёнлардаги роли билан белгиланади. Шунингдек, бюджет тизими тузилиши мамлакатнинг давлат ва маъмурий тузилиши шаклига боғлиқ. Ҳокимиятнинг марказ ва маъмурий-ҳудудий бирликлар ўртасида тақсимланиши даражасига кўра, барча давлатлар унитар, федератив ва конфедератив давлатларга бўлинадилар. Ўзбекистон Республикаси унитар давлатдир.

Унитар (ягона) давлат – маъмурий-ҳуқуқий бирликлар (тузилмалар) ўз давлатига ёки мухториятига эга бўлмайдиган давлат тузилиши ҳисобланади. Мамлакатда ягона конституция, ҳамма учун умумий бўлган ҳуқуқ тизими ва ягона ҳокимият органлари, давлатда иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жараёнларни марказлаштирилган бошқариш амал қилади. Унитар давлатнинг бюджет тизими икки бўғиндан – давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлардан ташкил топади.

Ўзбекистон Республикаси «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунга биноан, бюджет тизими турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, бюджетларни ташкил этишни ва тузиш тамойилларини, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди. Юқорида кўрсатилган қонунда Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими унитар давлатнинг бюджет тизимига мослашган ҳолда республика ва маҳаллий бюджетлардан иборат.

Республика бюджети – давлат бюджетининг умумдавлат туғрисидаги тадбирларини молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Бюджет тизимининг кенг тарқалган бўғини, бу маҳаллий бюджетлар. Маҳаллий бюджетлар давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармаси бўлиб икки поғонали бюджет тизимининг муҳим бўғини ҳисобланади. Маҳаллий бюджетларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти унинг функцияларида намоён бўлади. Улар ҳақида куйидагиларни таъкидлаш мумкин: Маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг молиявий асосини ташкил этувчи пул фондларини шакллантириш; бу пул фондларини ҳудудий иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳалар ўртасида қайта тақсимлаш ва ишлатиш; Маҳаллий ҳокимиятга бўй синувчи корхона, ташкилот ва муассасалар молиявий-хўжалик фаолияти устидан назорат олиб бориш.

«Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуннинг 9 моддасига мувофиқ маҳаллий бюджетлар тартибига кирувчи бюджетлар қуйидаги бюджетларни ўз ичига олади:

- Қорақолпоғистон Республикаси бюджети – Қорақолпоғистон Республикасининг республика бюджетини ҳамда республикага бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетини;

- вилоят бюджети – умумвилоят бюджетини ҳамда вилоятга бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетини;

- туманларга бўлинадиган шаҳар бюджети – умумшаҳар бюджетини ҳамда шаҳар таркибига кирувчи туманлар бюджетларини;

- таркибида шаҳарлари бўлган туман бюджети – умумтуман бюджетини ҳамда туман бўйсунувидаги шаҳарлар бюджетларини.

1996 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимида бюджетдан ташқари давлат мақсадли фондлар киритилган.

Бюджет тизими турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, бюджетларни ташқил этишни ва тузиш тамойилларини, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунда бюджет тизими тузилишининг асосий тамойиллари қонунлаштирилган ва улар:

- ✓ бюджет таснифи тизими, ҳисоб-бюджет ҳужжатлари ва бюджет жараёни тузилишининг ягоналиги;

- ✓ бюджет тузилишининг Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилишига мувофиқлиги;

- ✓ турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги;

- ✓ Давлат бюджетининг баланслилиги;

- ✓ Давлат даромадларини аниқ манбалар бўйича ва харажатларини йўналишлари (моддалари) бўйича режалаштириш;

- ✓ Давлат бюджети харажатларини бюджетдан ажратиладиган тасдиқланган маблағ доирасида сарфлаш;
- ✓ барча даражадаги бюджетларнинг мустақиллиги.

#### **1.4. Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджетининг ҳуқуқий асослари**

Давлатнинг яхлиг молиявий сиёсати молия тизимининг барча бўғинлари ягона қонунчилик асосида тегишли молиявий-иқтисодий шароитларнинг яратилиши билан тўлиқ амалга оширилиши лозим. Шу туфайли молиявий сиёсатнинг ихтиёрий соҳасига тегишли бўлган у ёки бу қарорнинг қабул қилиниши, бюджет тизими фаолиятининг асосларига маълум маънода тегишли бўлади. Ҳар қандай давлатда бошқарув тизимининг хусусиятига қараб, бюджет тизимининг таркиби қонуний тарзда белгиланади.

Ўзбекистонда сиёсий мустақиллик йўлга киритилган, иқтисодий мустақилликка эришиш учун муҳим ислохотлар бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қайд қилинишига мамлакатда 2 бўғинли бюджет тизими амал қилади. Буларга Республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар кириши кўрсатилган.

Режали иқтисодиёт шароитидаги иқтисодий инфратузилмани бозор иқтисодиёти инфратузилмасига умуман тўғри келмаслиги, янги иқтисодий инфратузилма барпо этиш зарурлигини белгилаб берди. «Энг аввало, бозор инфратузилмасининг муҳим элементлари бўлган банк, молия, солиқ тизимлари тармоғи барпо этилди».<sup>5</sup>

Юқорида таъкидлаб ўтилган инфратузилмаларнинг кейинчалик ҳуқуқий асослари яратилди. Ушбу ўтказилган ислохотлардан энг аҳамиятлиси, бюджет ислохотлари ҳисобланади. Бюджет ислохотларини асосан икки босқичга бўлиш мумкин:

Биринчиси, 1991-2000 йилларни ўз ичига оладиган давр. Ушбу даврда бюджет жараёни иқтисодий равишда иқтисодий дастаклар ёрдамида бошқарилди. Бюджет ижроси асосан «Корхоналарни солиққа тортиш

<sup>5</sup> Каримов И. А. . . «Ўзбекистон – бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли». Ўзбекистон, 1993 й.

тўғрисида», «Аҳолини ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг, Молия Вазирлигининг ва бир қанча давлат бошқаруви органларининг қарорлари, Йўриқномалари, Низомларига асосан ижро этилди.

Иккинчиси, «Бюджет тизими тўғрисида»ги 2000 йил 14 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилингандан сўнг, бюджет ислохотларидаги янги давр. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши бюджет соҳасида бир қанча ислохотларни бошлаб берди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши бюджет тизими янги моделининг муҳим хусусиятларини белгилади. Қонуннинг қабул қилиниши орқали бюджет тизими ва уларнинг бўғинлари ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ўзгаришга, бюджет сиёсати, стратегик йўналишларини белгилашда уларнинг ўрни ва аҳамияти ўсишига ва умуман бюджет тизими фаолиятини ташкил этиш ҳамда бошқариш амалиётига маълум ўзгаришлар киритилди.

Бюджет амалиётининг ҳуқуқий асослари яратилгач, жаҳон андозалари талаблари асосида бюджет жараёнини ташкил этиш ва бошқариш имкониятлари яратилди.

Давлат бюджет сиёсатининг вазифаларини амалга оширишда бюджет амалиётида шаклланиб бораётган тенденциялар, қонуниятлар қаторида куйидагиларни ажратиш лозим:

- давлат молиясини бошқариш ва давлатнинг молиявий ресурс имкониятлари таркибида давлат бюджети маблағларининг аҳамияти ошиши;
- маҳаллий бюджетлар мажбуриятларининг ортиши, улар зиммасидаги бюджет харажатлари юкларининг ўсиши;
- маҳаллий бюджетлар мажбуриятларининг ўсиши натижасида улар ҳуқуқлари ва молиявий имкониятларини ошириш муаммосининг кескинлашуви;
- бюджет бўғинлариаро муносабатларни мувофиқлаштиришнинг замонавий усуллари, шакллари ҳамда тамойиллари амал қилинишини таъминлаш аҳамияти ортиши.

Бюджет тизими тараққийетидаги ушбу қонуниятлар бюджет тизими бўғинлари олдига муҳим вазифаларни кўяди. Худудлар иқтисодий салоҳияти, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари мустақиллиги ва масъулиятларининг ортиши ҳамда шу билан бевосита манфаатдор бўлган тегишли бюджет бўғинининг самарали фаолияти, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлиқ бажарилишини кафолатлайди.

2000 йил 14 сентябрда «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонун қабул қилинган, бюджет тизими бўғинлари, шу жумладан маҳаллий бюджетлар фаолияти ҳуқуқий асосга эга бўлди. Мазкур қонунда Давлат бюджети Республика бюджетидан ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан иборат эканлиги таъкидланди.

Қонун асосида маҳаллий бюджетларнинг қуйидаги мустақил субъектларини ажратиш мумкин: Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бюджети; шаҳарлар бюджети; туманлар бюджети; туманлар таркибидаги шаҳарлар бюджети; шаҳарлар таркибидаги туманлар бюджети.

«Бюджет тизими тўғрисидаги қонун ҳар қайси бюджет бўғини учун риоя қилиниши лозим бўлган қуйидаги асосий тамойилларни белгилайди:

- бюджетнинг ягона таснифи;
- бюджет тузилиши ва Ўзбекистон Республикаси маъмурий бюджетларининг ўзаро боғлиқлиги;
- турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги;
- барча даражадаги бюджетларнинг мустақиллиги.

Ўзбекистон Республикаси «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунда бюджет тизимининг таркибий тузилиши ва бошқарувининг асосий, давлат бюджети таркиби ва тузилиши тамойиллари, уни тузиш ва ижро этиш тартиби, даромадларни шакллантириш ва харажатларни амалга ошириш тамойиллари, турли даражадаги бюджетлараро муносабатлар механизми, бюджет маблағлари бўйича операциялар устидан ҳисобот ва назорат тартиби белгилаб берилган. Ушбу қонун VII боб ҳамда 43 моддадан иборатдир. Унда бюджет тизимида қўлланиладиган кўпгина тушунчаларга таъриф берилган.

«Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуннинг биринчи моддасида унинг мақсади ифода этилган, иккинчи моддасида бюджет тизими тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳақида сўз юритилган. Қонуннинг 3 моддаси «Асосий тушунчалар» деб номланиб, ушбу моддада бюджет тизимида қўлланиладиган 20 дан ортиқ тушунчаларга таъриф берилган. Жумладан, давлат бюджетига қуйидагича таъриф берилган.

«Давлат бюджети – давлат пул маблағларининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармаларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромад манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади».<sup>6</sup>

Маҳаллий бюджетга қонунда қуйидагича таъриф берилган:

Маҳаллий бюджет – Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташқил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Республика бюджети – Давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялашда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади. Қонуннинг ушбу моддасида, шунингдек бюджет дотациясига, бюджет субвенциясига таъриф берилган.

Қонуннинг II- бобида бюджет тизими, бюджет тизимининг асосий тамойиллари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бюджет тизимини бошқариш соҳасидаги ваколатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг бюджет тизимини бошқариш соҳасидаги ваколатлари ҳақида сўз юритилган. Жумладан, бюджет тизимига қуйидагича таъриф берилган:

---

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни, 3-модда

«Бюджет тизими турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, уларни ташкил этишни ва тузиш тамойилларини, шунингдек бюджет жараёнида пайдо бўладиган улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди».<sup>7</sup>

Қонуннинг 11-моддасида Давлат бюджети даромадларига таъриф берилган. Шунингдек, қонуннинг 18-моддасида маҳаллий бюджетлар даромадлари қайд қилинган.

Ушбу қонун бошқа давлатларнинг бу борадаги қонунлари билан маълум ўхшашликка эга бўлса-да, унда Ўзбекистон Республикаси бюджет тузилиши ва амал қилишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам ҳисобга олинган. Аммо мазкур қонунда маҳаллий бюджетларнинг маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари билан ўзаро муносабатлари кўрсатилмаган. Чет эл амалиётидан фарқи, мамлакатимиздаги маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари мустақил бюджет сифатида Давлат бюджети таркибига кирган ҳолда, у бюджет ажратмаларини олувчи ҳисобланади. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари амалга оширган харажатлари тўғрисида тегишли маҳаллий бюджетларга ҳисоб берадилар, ҳамда зарур ҳолларда бюджет ажратмаларининг миқдорларини ўзгартиришни амалга оширадилар, яъни улар ҳам бошқа бюджет ажратмаларини олувчилар каби ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлир. Бюджет ажратмаларининг чекланганлигини ҳисобга олган ҳолда, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари тадбиркорлик тузилмалари ва жамоатчилик корхоналарининг хомийлик маблағлари ҳисобига ўз харажатларини молиялаштирадилар.

Қонунда давлат бюджети даромадларининг таснифи келтирилган бўлиб, ушбу тасниф халқаро амалиётдагидан фарқ қилади.

Қонунга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар учун бюджет тақчиллиги рухсат этилмаган, қонунда кўрсатилмаган манбалар ҳисобидан фондлар ташкил этиш, қарз олиш ёки қарз беришни амалга ошириш (юқори бюджетдан қарз олиш ҳолати бундан мустасно), бюджетда тасдиқланганидан ташқари харажатларни амалга ошириш, бюджет маблағлари

---

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунни 4-моддаси.



ҳисобидан кафиллик бериш, юридик ва жисмоний шахсларга бюджетдан қарз бериш каби ҳолатларга йўл қўйилмайди.

### **1.5. Бюджет жараёни ва бюджетни башоратлаштириш**

Бюджет жараёни бюджетни режалаштиришнинг асосий шакли сифатида ҳокимият органларининг давлат бюджети ва унга кирадиган бюджетларни тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, уларнинг ижросини назорат қилиш, шунингдек уларнинг ижроси ҳақидаги ҳисоботларни тасдиқлаш бўйича қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган фаолиятдан иборат.

Бюджет жараёни бюджет фаолиятининг 4 босқичини қамрайди:

1. бюджет лойиҳасини тузиш;
2. бюджетни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;
3. бюджетни ижро этиш ва унинг ижросини назорат қилиш;
4. бюджет ижроси тўғрисида ҳисобот тайёрлаш ва уни тасдиқлаш.

Бюджет орқали тартибга солиш, яъни молия ресурсларини турли даражадаги бюджетлар ўртасида қайта тақсимлаш бюджет жараёнининг таркибий қисмини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган муддатларда келгуси молия йилига:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлайди ва жорий йилнинг 15 сентябригача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

Бюджет лойиҳасида:

✓ Давлат бюджети лойиҳаси тузилган ўрта муддатли асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар;

✓ Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари;

- ✓ ўтган йилги ва жорий йилнинг биринчи ярим йилида бюджетнинг бажарилиши бўйича ҳисобот;
- ✓ ҳаракатдаги классификацион тизимга кўра кейинги йил учун даромад ва харажатлар башорати;
- ✓ Макроиқтисодий таҳлил натижаларига асосланган кейинги молия йили учун тузилган бюджет даромадлари ва харажатлари башоратига шарҳ;
- ✓ ҳаракатдаги ва тасдиқ учун тақдим этилаётган бюджет дастурининг рўйхати;
- ✓ жорий инвестициялар учун капитал қуйилмаларнинг башорати;
- ✓ Давлатнинг ташқи ва ички қарзларининг ҳолати ва булар бўйича ўтган молия йилидаги маблағлар ҳаракати;
- ✓ давлат корхоналарининг ўтган ва ўтаётган молия йилидаги молиявий ҳолати, келгуси молия йили учун асосий молия кўрсаткичларининг башорати;
- ✓ келгуси йил учун давлат бюджети ҳақидаги қонуннинг лойиҳаси.
- ✓ келгуси йил учун давлат бюджети ҳақидаги қонун лойиҳасида: Тавсия этилаётган ассигнованияни молиялаштириш учун зарур бўладиган, ҳаракатдаги қонунчиликка тўғри келадиган даромадлар манбаи, тури ва ҳажми кўрсатилади; Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларида кўзда тутилган, келгуси молия йилида бюджет маблағларини олувчиларга маблағ ажратишни кўзда тутувчи ассигнования; даромад ва харажатлар ҳаракатдаги бюджет таснифи тизимида кўзда тутилган ҳолда капитал ва жорий харажатларга бўлингани акс эттирилади; умумдавлат солиқларидан Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимиятларининг бюджетига ажратиладиган ажратмалар меъёри, шунингдек даромадлар ҳажми, дотация ва субвенциялар билан биргаликда ва кўрсатилган бюджетларнинг харажатлари; давлат бюджети таркибига кирувчи бюджетларнинг айланма касса(нақд) ҳажми аниқланади; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети фондининг, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимиятларининг кўзда тутилмаган харажатларни қоплаш учун тузиладиган резерв фондининг ҳажми кўрсатилади;

Давлат бюджети тақчиллигининг йўл қўйиш мумкин бўлган ҳажми ва уни молиялаштириш манбалари кўрсатилади; Давлат томонидан бериладиган кредитларнинг, давлатнинг ташқи ва ички қарзлари чегараси кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг раиси, ёки унинг топшириғига кўра Ўзбекистон Республикаси Бош вазири кейинги молия йили учун тузиладиган давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш жараёнини мувофиқлаштиради ва назоратини амалга оширади. Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, ёки унинг топшириғига кўра Молия Вазирлиги биринчи ноябрдан кечикмасдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига кейинги молия йили учун бюджет лойиҳасини тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан давлат бюджет лойиҳасини кўриб чиқиш:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси давлат бюджети лойиҳасига илова қилинган бюджет тақчиллигини ҳисобга олган ҳолда давлат бюджети лойиҳасининг даромадлари ва харажатларининг ҳар қандай моддасини қайтадан кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан харажатлар моддасининг оширилиши бошқа харажат моддаларининг мос равишда қисқаришини кўзда тутиши, ёки даромадларининг ортишига асосланган бўлиши керак. Худди шундай даромад моддаларининг қисқариши бошқа даромад моддаларининг ортишини, ёки маълум харажатларнинг қисқаришини кўзда тутиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги давлат бюджети қонуни тасдиқлангандан сўнг уч кунлик муддат ичида Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгашига, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимиятларига уларнинг даромад ва харажатлари, шунингдек уларга республика бюджети томонидан ажратиладиган бюджет дотация ва субвенцияларининг ҳажми тўғрисида маълумотни беради. Шундан сўнг Қорақалпоғистон Республикасининг Жоқари Кенгеси ва Тошкент шаҳри, вилоятлар ҳалқ депутатлари кенгаши икки ҳафталик муддатда Ўзбекистон

Республикаси давлат бюджети доирасида ўз бюджетларини тасдиқлайди. Қорақалпоғистон Республикасининг Жокарги Кенгеси ва Тошкент шаҳри, вилоятлар халқ депутатлари уч кунлик муддат ичида шаҳар ва туманлар ҳокимиятлар улар бюджетининг даромад ва харажатлари, шунингдек юқори турувчи бюджетдан уларга ажратиладиган дотация ва субвенциялар ҳажми тўғрисидаги маълумотни етказди.

Тасдиқланган даромад ва харажатларнинг ҳажми бўйича маълумот бериш. Давлат бюджети ҳақидаги қонун қабул қилингандан кейин Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ҳафталик муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кўмитаси ва Божхона Кўмитасини тасдиқланган даромадлар ҳажми бўйича маълумот беради. 10 кунлик муддат ичида Молия вазирлиги Республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларни белгиланган даромад ва харажатлар ҳажми бўйича маълумотни беради. Маҳаллий даражадаги корхона ва ташкилотларга бюджет даромад ва харажатлари тўғрисидаги маълумотни бериш худди шу тарзда бир ҳафталик муддат ичида амалга оширилади.

*Давлат бюджетидан харажат қилишнинг асосий қоидалари.* Давлат бюджети харажатлари бюджет маблағларини олувчилар томонидан давлат бюджети тўғрисидаги қонунда аниқланган смета харажатлари ва йўналтирилиш сертификатларига асосан бюджет ассигнованияси чегарасида амалга оширилади.

Хўжалик шартномалари бўйича харажат қилинмаган бюджет маблағлари кейинги молия йилида бюджет ассигнованияси ҳисобидан тўланади.

Республика бюджет ташкилотлари счётида қолган бюджет маблағлари молия йилининг охириги иш кунида Республика бюджет счётига ўтказилади. Маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган корхоналар учун ҳам шу тартиб амал қилинади. Барча даражадаги бюджетларнинг счётларида қолган бюджет маблағлари касса айланмасини шакллантириш учун йўналтирилади.

Тасдиқланган касса айланмасидан қолган қолдиқ маблағ ҳукумат органларининг қарорига кўра бошқа йўналишларга харажат қилиниши мумкин.

Давлат бюджетини касса бажарилишини назорат қилиш Олий мажлис томонидан ваколатланган Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан амалга оширилади, чунки давлат бюджетини даромад ва харажатлари бўйича ўтказмалар марказий банк қошида очилган ҳисоб-китоб счётидан амалга оширилади.

Молия вазирлиги ҳар чорақда Вазирлар Маҳкамасига давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этади. Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, ассоциациялар, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимиятларининг давлат бюджети бажарилиши тўғрисидаги ҳар чорақлик ҳисоботини тинглайди.

Мансабдор шахслар молия вазирлиги ва унинг жойлардаги органларига тафтиш ва текширувлар ўтказишда ёрдам беришга мажбурдирлар. Ҳаракати текширилаётган шахслар керакли маълумотларни ёзма ёки электрон шаклда тақдим этишга мажбурдир.

Ҳар йили 1 апрелгача Молия вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ва Олий Мажлисга ўтган молия йилидаги ўзининг тафтиш фаолияти натижалари бўйича ҳисобот беради.

Давлат бюджети Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг ижроси юзасидан ҳисобот:

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри молия органлари ўтган молиявий йил бўйича ҳар йили 20 февралдан кечикмасдан ҳисоботларни ўзларининг қўйи органларидан қабул қилади ва бир вақтнинг ўзида Молия вазирлигига ҳисоботлар нусхасини тақдим этади. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимиятлари мос равишда Қорақалпоғистон Республикасининг Жокаргў Кенгеси ва маҳаллий ҳалқ органларга 25 февралгача кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун ҳисоботлар тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳисобот йилидан кейинги йилнинг биринчи майгача ҳисобот тузади ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бу ҳисоботни кўриб

чикиб тасдиқлагандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига тақдим этилади. Давлат бюджетининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисобот Олий Мажлис қарори билан тасдиқланади ва бир ойлик муддат ичида матбуотда эълон қилинади.

*Бюджетнинг ғазна ижросига ўтиш масаласи.* Шунингдек керакки, 2004 йил 26 августда «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонун бюджет тизимини бошқариш, бюджет ижросини амалга оширишнинг принципларини жиҳатдан янги тизимнинг шаклланишига асос солди. Қонунга мувофиқ, «Давлат бюджетининг ғазна ижроси Давлат бюджетининг барча даромадларини ягона ғазна ҳисобварағига киритишдан, шунингдек давлат бюджетининг харажатларини шу ҳисобварақдан тўлашдан иборат» (Қонуннинг 4-моддаси). Ҳазначилик тизими Молия вазирлиги қошидаги Ҳазначилик Департаменти ва унинг ҳудудий бўлинмаларидан иборат. Ҳазначиликнинг асосий вазифалари Қонуннинг 7-моддасида белгилаб қўйилган, улар қуйидагилардан иборат:

- давлат бюджетининг касса ижросини амалга ошириш;
- давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга ошириш;
- давлат бюджети маблағларини бошқариш;
- давлат бюджетида маблағлари назарда тутилган юридик ва жисмоний шахслар номидан ва уларнинг топшириғига биноан тўловларни амалга ошириш;
- бюджет ташкилотларининг товар етказиб бериш (ишлар бажариш, хизмат кўрсатиш) учун тузадиган шартномаларини, шунингдек буюртмачиларнинг давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал курилиш учун тузадиган шартномаларини рўйхатга олиш;
- давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисобини юритиш;
- давлат бюджети ижроси қандай бораётганлиги тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;

➤ Ўзбекистон Республикаси давлат ички ва ташқи қарзларга хизмат кўрсатиш, давлат кафолатларини бажариш кабилар.

Ҳозирги кунда республикамиз бюджет тизимида ғазначилик тизимини татбиқ этиш бўйича бир қанча амалий ишлар қилинмоқда. Албатта, ғазначилик фаолиятини иқтисодиётга татбиқ этиш молия тизимининг барча жабҳаларида ўзига хос ўзгаришларни тақозо этади. Бу асосан, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳолати, ташқилий-услубий ва ахборот технологиялари жараёнларини қамраб олмағи керак.

### **1.6. Ўзбекистон Республикасида бюджет тизимини бошқарувчи органлар**

Бюджет тизимини бошқариш қуйидагиларни назарда тутати: бюджет тизимининг асосий тамойилларига амал қилган ҳолда бюджет муносабатларини бошқариш; барча даражадаги бюджетларни шакллантириш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, ижро этиш жараёнларини бошқариш; бюджет жараёнида иштирок этувчи субъектлар, органлар ва бюджет маблағларини олувчилар фаолиятини бошқариш; бюджет тизимини бошқариш ҳам бошқариш категориясининг барча функцияларини бажаради, улар орқали бюджет тизимини бошқариш олдидаги мақсад ва вазифалар амалга оширилади. Бу функциялар қуйидагилардан иборат:

- ✓ режалаштириш;
- ✓ ташқил этиш;
- ✓ мувофиқлаштириш;
- ✓ назорат;
- ✓ мотивация (рағбатлантириш).

Бюджет тизимини бошқариш алоҳида ваколатли органлар томонидан амалга оширилади, уларнинг ваколатлари «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонун, тегишли бошқарув органлари Низомлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгилаб берилган.

Бюджет тизимини бошқариш субъектлари:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;
- Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;
- Молия вазирлиги ва унинг қўйи органлари;
- Ўзбекистон Республикаси Ғазначилиги;
- Марказий банк;
- Вакил қилинган вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралари

Марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет тизимини бошқариш соҳасидаги ваколатлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бюджет тизимини бошқаришдаги ваколатлари қуйидагилардан иборат:

1. Давлат бюджети лойиҳасини ишлаб чиқишни ташкил этади ва уни ЎЗР Олий Мажлисига тақдим этади.
2. Давлат бюджети ижросини ташкил этади.
3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва бошқа давлат бошқаруви органларининг бюджетни ижро этиш борасидаги ишларини мувофиқлаштиради ва назорат қилади.
4. Давлат мақсадли фондларини тузиш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.
5. Давлат бюджети ижроси бўйича ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тасдиқлаш учун киритади.
6. Қонунда белгиланган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет тизимини бошқаришдаги ваколатлари қуйидагилардан иборат: Тегишли маҳаллий бюджетларни қабул қилади ва улар ижроси юзасидан ҳисоботларни тасдиқлайди; маҳаллий солиқлар, йиғимлар ва тўловлар миқдорини ва улар бўйича имтиёزلарни белгилайди; бюджетга тушумларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тушиши ва бюджет маблағларидан мақсадга мувофиқ фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширади; қонунда белгиланган бошқа ваколатларни амалга оширади;



*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, унинг бюджет тизимини бошқаришдаги ваколатлари.*

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бюджет тизимини бошқаришдаги ваколатлари қуйидагилардан иборат:

1. Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлайди;
2. бюджет маблағларининг тушуми ва сарфи тартибини белгилайди ва улар устидан назоратни амалга оширади;
3. республика бюджетидан харажатларни амалга оширади;
4. республика бюджетидан молиялаштирилувчи бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиши;
5. бюджет маблағларидан фойдаланишни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилади;
6. қонунда белгиланган бошқа ваколатларни амалга оширади;

Бу ваколатларни Молия вазирлиги ўзининг ҳудудий ва маҳаллий органлари билан биргаликда бажаради. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тизимига қуйидагилар кирилади: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказий аппарати; ҚҚР Молия вазирлиги; Вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар молия бошқармалари ва бўлимлари.

Молия вазирлиги ишини ташкил қилиш. Молия вазири Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан, Президент томонидан тайинланади ва Олий Мажлис томонидан тасдиқланади. Молия вазирининг ўринбосарлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади. Ўринбосарлар ўртасидаги вазифалар Молия вазири томонидан тақсимланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг бюджет тизимини бошқаришдаги ваколатлари қуйидагилардан иборат:

- ✓ Давлат бюджетининг кассавий ижросини ташкил этади;
- ✓ давлат даромадлари ва харажатларини ҳисобга олиш ишларини амалга оширади (Молия вазирлиги билан биргаликда);

- ✓ Марказий банкнинг топшириғига биноан тижорат банклари бюджетнинг касса ижроси операцияларини бажаради.

*Ўзбекистон Республикаси Ғазначилиги, унинг бюджет тизимини бошқаришдаги аҳамияти.*

Шуни таъкидлаш керакки, 2004 йил 26 августда «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги ЎзР Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонун бюджет тизимини бошқариш, бюджет ижросини амалга оширишнинг приципиал жиҳатдан янги тизимининг шаклланишига асос солди. Қонунга мувофиқ, «Давлат бюджетининг ғазна ижроси Давлат бюджетининг барча даромадларини ягона ғазна ҳисобварағига киритишдан, шунингдек давлат бюджетининг харажатларини шу ҳисобварақдан тўлашдан иборат» (Қонуннинг 4-моддаси). Ғазначилик тизими Молия вазирлиги қошидаги Ғазначилик Департаменти ва унинг худудий бўлималаридан иборат. Ғазначиликнинг асосий вазифалари Қонуннинг 7-моддасида белгилаб қўйилган, улар қуйидагилардан иборат:

- давлат бюджетининг касса ижросини амалга ошириш;
- давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга ошириш;
- давлат бюджети маблағларини бошқариш;
- давлат бюджетида маблағлари назарда тутилган юридик ва жисмоний шахслар номидан ва уларнинг топшириғига биноан тўловларни амалга ошириш;
- бюджет ташкилотларининг товар етказиб бериш (ишлар бажариш, хизмат кўрсатиш) учун тузадиган шартномаларини, шунингдек буюртмачиларнинг давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал курилиш учун тузадиган шартномаларини рўйхатга олиш;
- давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисобини юритиш;
- давлат бюджети ижросининг қандай бораётганлиги тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси давлат ички ва ташқи қарзларга хизмат кўрсатиш, давлат кафолатларини бажариш кабилар.

Ҳозирги кунда республикамиз бюджет тизимида ғазначилик тизimini татбиқ этиш бўйича бир қанча амалий ишлар қилинмоқда. Албатта, ғазначилик фаолиятини иқтисодиётга татбиқ этиш молия тизимининг барча жабҳаларида ўзига хос ўзгаришларни тақозо этади. Бу асосан, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳолати, ташкилий-услубий ва ахборот технологиялари жараёнларини камраб олмағи керак.

### **Таянч сўз ва иборалар**

Бюджет тушунчаси; бюджет функциялари; макроиқтисодий кўрсаткичлар; бюджет қурилиш асослари; бюджет тизими; бюджет тизимининг асосий тамойиллари; бюджет тизими бўғинлари; бюджетлар ўртасида даромад ва харажатлар тақсимоли; бюджет ҳуқуқи; бюджет жараёни; бюджет жараёни босқичлари; бюджет ҳуқуқи меъёрлари; бюджет тизimini бошқариш; Республика (марказий) ва маҳаллий ҳукумат органларининг бюджет ҳуқуқлари.

### **Назорат саволлари:**

1. Давлат бюджети тушунчасига таъриф беринг.
2. Давлат бюджети қандай функцияларни бажаради?
3. Давлат бюджети ривожланиш босқичларига таъриф беринг.
4. Бюджет қурилиши ва бюджет тизими тушунчаларига таъриф беринг.
5. Бюджет тизимининг ташкилий тамойиллари нималардан иборат?
6. Бюджет тизими бўғинларининг неча поғонали бўлиши нимага боғлиқ?
7. Бюджет тизимидаги муносабатларнинг қонуний-ҳуқуқий асосларини нималар ташкил этади?
8. Бюджет жараёнининг босқичларига таъриф беринг.
9. Бюджетни ишлаб чиқиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартибini айтиб беринг.
10. Бюджет ижроси тадбирларини босқичма-босқич айтиб беринг.
11. Бюджет ижроси жараёнини назорат қилиш органлари фаолиятининг хусусиятлари нималардан иборат?
12. Бюджет ижроси юзасидан ҳисоботларни тўплаш ва тасдиқлаш қайси ижроия давлат органи томонидан амалга оширилади?

### Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: Ўзбекистон нашриёти, 1992.- 46 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни. -Т.: 2000, 14 декабр
3. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонуни. 26.08.2004.
4. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида.- Т.: Ўзбекистон, 2005.
5. “2005 йилда давлат бюджетининг ижросини, харажатларни тўлиқ ва узлуксиз молиялаштиришни таъминлаш, маблағларни кўзланган мақсадларга сарфланиши устидан назоратни кучайтириш тўғрисида”ги ЎзР Молия вазирлигининг 3-сон Буйруғи, 12 январ 2005.
6. Поляк Г.Б. Бюджетная система РФ. - М.: Финансы и статистика, 2004.
7. Романовский В.М. Бюджетная система РФ. - М.: ЮНИТИ, 2005.
8. [www.minfin.ru](http://www.minfin.ru)
9. [www.mf.uz](http://www.mf.uz)
10. [www.budget.ru](http://www.budget.ru)

Код поляизменен

Код поляизменен

Код поляизменен

## **2-боб. БЮДЖЕТ ТАСНИФИ**

- 2.1. Бюджет таснифи тушунчаси.
- 2.2. Давлат бюджети даромадларининг таснифи.
- 2.3. Давлат бюджети харажатларининг таснифи.
- 2.4. Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари таснифи.

### **2.1. Бюджет таснифи тушунчаси**

Барча даражадаги бюджетлар ягона бюджет таснифи – даромадлар ва харажатларни тасниф объектларига гуруҳловчи хос рақам (кодлар) бериш билан гуруҳлаш кўрсаткичлари доирасида шакллантирилади ва ижро этилади.

1999 йилга қадар асосан собиқ Иттифоқда қўлланилган таснифдан фойдаланилди. Бюджет қисмлар, бўлимлар ва моддаларга бўлиниб, умумлашган функционал ва иқтисодий тасниф белгиларига эга эди. Бу таснифнинг батафсил баёни халқаро стандартларга мувофиқ ҳисоботлар тақдим этиш ёки миллий ҳисобварақлар тизимига мос келиши жиҳатидан талабга жавоб бермас эди. Янги таснифни амалга киритиш билан бу камчиликка барҳам берилди ва янги тасниф 2000 йил бюджетга нисбатан қўлланилди. Ўзбекистон Республикаси «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасида бюджет таснифининг тушунчаси берилган. Қонунга биноан бюджет таснифи – давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар даромадлари ва харажатларини, шунингдек унинг тақчиллигини молиялаштириш манбаларини гуруҳлашдан иборатдир.

Бюджет таснифи Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ҳамда ижро этиш мақсадида бюджет маълумотларини тизимга солиш учун фойдаланилади ва у бюджет маълумотлари халқаро тасниф тизимларининг айнан шундай маълумотлари билан қиёсланишини таъминлайди.

Қонунни қабул қилиш натижасида янги тасниф таҳлил имкониятларини кенгайтirdи ва бюджет маблағларини 4 асосий тоифага бўлиб, улардан

фойдаланишда зарурий мосланувчанликни таъминлади. Булар иш ҳақи, ижтимоий тўловлар, капитал қўйилмалар ва бошқалар.

Бюджет таснифи:

- ✓ Давлат бюджети даромадлари таснифини;
- ✓ Давлат бюджети харажатларининг вазифа жиҳатидан (функционал), ташкилий ва иқтисодий таснифини;
- ✓ Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари таснифини ўз ичига олади.

## **2.2. Давлат бюджети даромадлари таснифи**

Давлат бюджети даромадларининг таснифи қонун ҳужжатларига мувофиқ даромадларни турлари ва манбалари бўйича гуруҳлашдан иборат.

Бюджет даромадлари – бир томондан давлат ўртасидаги ва иккинчи томондан хўжалик субъектлари ва фуқаролар ўртасидаги иқтисодий муносабатлардир. Шу билан биргаликда бюджет даромадлари – давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳисобига ўтадиган пул маблағларидир.

Бюджет даромадларини шакллантириш жараёнида давлат фойдасига ялпи ички маҳсулотнинг бир қисми ўтади. Булар асосида давлат билан корхоналар ва аҳоли ўртасида молиявий муносабатлар юзага келади.

Давлат бюджети даромадлари солиқ ва солиқдан ташқари манбалардан шаклланади. Солиқдан олинadиган даромадларнинг асосий манбалари – янгидан яратилган қиймат ва унинг дастлабки қайта тақсимланиши натижасида олинган даромадлар (фойда, иш ҳақи, қўшилган қиймат, ссуда %и, рента, дивидендлар ва бошқалар), шунингдек жамғармалардир.

Солиқдан ташқари даромадлар давлатнинг ўз иқтисодий фаолияти ёки илгари олинган даромадларни бюджет тизимининг даражалари бўйича қайта тақсимланиши натижасида юзага келади. Бюджет даромадларининг асосий қисми солиқлардан ташқил топади.

Солиқлар – давлат (марказий ёки маҳаллий ҳокимият) юридик ва жисмоний шахслардан ундирадиган мажбурий тўловлар ҳисобланади. Агар уларнинг моддий мазмунига эътибор қиладиган бўлсак, солиқлар – миллий даромаднинг хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолидан умумдавлат эҳтиёжлари учун ундириладиган қисмини ташкил қилади.

Солиқлар ривожланган товар ишлаб чиқаришнинг муҳим категорияси бўлиб, албатта кенгроқ категория – давлат бюджети билан чамбарчас боғланган. Чунки солиқлар бюджет шаклланишида иштирок этади. Солиқлар фискал (хазина даромадларини тўлдириш) ва рағбатлантириш вазифаларини бажарган ҳолда ягона бюджет жараёнида иштирок этади.

Биринчи вазифа бюджет даромадларини бажариш учун аҳоли ва корхона даромадларининг бир қисмини олиш (олиб қўйиш) йўли билан олиб борилади.

Иккинчи вазифа эса, меҳнат, ресурсларни тежамкорлик билан ишлатиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва техника билан қайта қуроллантириши мотивларига иқтисодий дастаклар орқали таъсир кўрсатишда ўз ифодасини топади.

Солиқлар таснифи давлат бюджетининг жами даромадлари каби бир қанча белгилар бўйича амалга оширилади. Уларга қуйидагилар киради:

✓ солиқларни ундириш ва уларни солиқ тўловчининг маҳсулоти қийматига киритиш шакли ва усуллари;

✓ солиқ солиш (солиққа тортиш) объекти (тармоқ, идора, уларнинг аҳамияти);

✓ улар тушум бўладиган бюджетлар даражаси.

Ундириш шакллариغا кўра солиқлар тўғри (бевосита) ва эгри (билвосита) солиқларга бўлинади.

Эгри солиқлар товар (хизматлар, иш) нархини оширади, чунки улар бевосита нарх миқдорига қўшилади. Одатда бундай солиқлар бюджетга корхоналар, ташкилотлар ва бошқа хўжалик бўғинларидан тушсада, аслида уларнинг ҳақиқий тўловчилари товарлар ва хизматларнинг истеъмолчилари ҳисобланади, чунки улар нархтаги солиқ миқдорини қоплайдилар.

Тўғри солиқлар жисмоний ва юридик шахсларнинг даромадларини бевосита камайтиради, чунки бу солиқлар даромадлар (фойда, капитал, иш ҳақи)дан, шунингдек мулкнинг айрим турлари (кўчмас мулк, ер, табиий ресурслар ва бошқалар)дан ундирилади. Тўғри солиқлар ишлаб чиқариш (муомала) харажатларига киритилиши мумкин ёки бевосита даромадлардан ундирилади.

Аниқ бир солиқ турини ҳисоблаш тартибини белгилашда асосий нарса – солиққа тортиш объектидир .

Бевосита солиққа тортиш объектларига жами турдаги ресурслар, даромадлар, мол-мулк, эгри солиққа тортиш объектига айрим товарлар ва хизматларни сотишдан олинган пул айланмаси (ёки унинг бир қисми) кириши мумкин. Аҳамиятига кўра умумдавлат ва маҳаллий солиқларга бўлинади.

Солиқ тизими мураккаб иқтисодий жараён бўлиб, у солиқлар ва йиғимлар, давлатни солиқ сиёсати, солиқ механизми ва солиққа оид илмий тадқиқот жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги ва яхлитлигидан иборат бўлиб, уни таркибий ва моҳияти жиҳатидан айланмадан олиншига қараб, иқтисодий моҳиятига кўра, пайдо бўлиш манбаига ҳамда бюджетга тушиш жараёнига қараб туркумланади. Айтилганларни охиригилари бўйича, яъни бюджетга тушиш нуқтаи назаридан солиқлар умумдавлат ва маҳаллий солиқларга бўлинади.

Умумдавлат солиқлари асосан бу давлат бюджетига келиб тушадиган солиқлар бўлиб, улар асосан умумдавлат миқёсидаги вазифаларни бажаришнинг молиявий ресурси сифатида хизмат қилади. Бироқ, бу солиқларнинг барчаси ҳам давлат ёки республика бюджетига қолдирилмайди, яъни уларнинг айримларидан муайян қисми ҳудудларни ижтимоий - иқтисодий ривожланганлик даражаси ва ҳолатидан келиб чиқиб, маҳаллий ҳокимиятлар ихтиёрига қолдирилади.

Маҳаллий солиқлар эса солиқ тизимининг муҳим таркибий қисми бўлиб улар асосан маҳаллий ҳокимиятларни ихтиёрига қолдириладиган, маҳаллий ҳокимиятларни ваколатига юклатилган вазифаларни бажариш учун молиявий ресурслар сифатида хизмат қиладиган мажбурий тўловлар ва йиғимлар



йиғиндисидир. Ўзбекистон Республикасида амал қиладиган маҳаллий солиқлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 7 - моддасида акс эттириб қуйилган бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

Умумдавлат солиқлари марказий ҳокимият органлари бюджетига, маҳаллий солиқлар буткул маҳаллий бюджетларга тушади.

2007 йил 1 январ ҳолатига кўра, умумдавлат солиқларига қуйидагилар киради: юридик шахслар фойда солиғи; жисмоний шахслар даромад солиғи; қўшилган қиймат солиғи; акциз солиғи; ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ; сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

2007 йил 1 январ ҳолатига кўра маҳаллий солиқларга қуйидагилар киради:

1. Юридик ва жисмоний шахслардан тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича олинадиган қатъий белгиланган солиқ.
2. Юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган солиқ.
3. Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи.
4. Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи.
5. Ер солиғи ва бошқалар.

Солиқсиз даромадлар рўйхати ҳамма даражадаги бюджетлар учун ягона бўлиб, бюджет таснифи билан белгиланади.

Уларга қуйидагилар киради: Давлат ёки маҳаллий ҳокимият эғалигида бўлган мулкдан ёки хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар, шу жумладан: давлат ёки маҳаллий ҳокимият эғалигидаги мулкни фойдаланишга беришдан олинган даромадлар; давлатга тегишли акциялар бўйича дивидендлар; давлат ёки маҳаллий ҳокимият эғалигида бўлган мулкни ижарага беришдан, шу жумладан қишлоқ хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалиги мақсадларидаги ерлар учун ижара тўловидан олинган даромадлар; вақтинчалик бўш турган бюджет маблағларини банк ва кредит ташкилотларида жойлаштиришдан олинган фондлар; хизмат кўрсатиш ва давлат харажатларини қоплашдан олинган даромадлар; давлат ва маҳаллий ташкилотлардан тўловлар; давлат ёки

маҳаллий ҳокимият эғалигида бўлган мулкдан ёки хўжалик фаолиятдан олинадиган бошқа тушумлар.

2. Давлат ёки маҳаллий ҳокимият эғалигида бўлган мулкни сотишдан олинган даромадлар, шу жумладан: давлат мулки бўлган корхоналар ва ташкилотларни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришдан олинган тушумлар; квартираларни сотишдан тушумлар; давлат ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондларини, транспорт воситалари ва бошқа ускуна-жиҳозларни сотишдан олинган даромадлар; мусодара қилиниб давлат ва маҳаллий ҳокимият эғалигига ўтган эғасиз мол-мулкни сотишдан олинган даромадлар.

3. Давлат захираларини сотишдан олинган даромадлар.

4. Ер ва номоддий активларни сотишдан олинган даромадлар.

5. Давлатга қарашли бўлмаган манбалардан капитал трансфертлар тизимлари.

6. Жарима жазоларини қўллаш етказилган зарарни қоплаш, шу жумладан: стандартлар ва техник шартлардан четлашган ҳолда тайёрланган маҳсулотни ишлаб чиқарганлик ва сотганлик учун тушумлар суммаси; нархларни қўллаш тартибини бузганлик учун жазолар; жинойтлар қилиш ва моддий бойликлар камоматида айбдор бўлган шахслардан ундириладиган сўммалар.

7. Ташқи иқтисодий фаолиятдан олинган даромадлар, шу жумладан: давлат кредитлари бўйича фойзалар; давлат захираларини сотишдан олинган даромадлар; марказлаштирилган экспертдан тушумлар сўммаси; ташқи иқтисодий фаолиятдан олинган бошқа тушумлар.

8. Бошқа турли носолиқ тушумлари. Бюджетнинг носолиқ даромадлари: худудий белгига кўра, муайян даражадаги бюджетга киритиш; жалб қилиш ва шакллантириш усулига кўра (мажбурий ёки ихтиёрий); носолиқ тушумларини шакллантирадиган тўловларни ундиришнинг конкрет асосларига кўра (давлат мулкни сотишдан олинган даромадлар) таснифланади.

### 2.3. Давлат бюджети харажатлари таснифи

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат бюджети харажатлари муҳим аҳамият касб этадиган категориядир. Харажатлар орқали давлат ўз сиёсий, иқтисодий ва бошқа турдаги мақсадларини амалга оширади. Харажатлар ёрдамида миллий даромаднинг маълум қисмини қайта тақсимланади, давлат ўз таъсирини ишлаб чиқаришга утказади.

Бюджетнинг биринчи даражали аҳамияти республикамиз раҳбарияти олга сураётган жамиятнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий вазифаларини бажаришини таъминлашдан иборатдир.

Давлат бюджети харажатларининг вазифа жиҳатидан таснифи харажатларни давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек бошқа бюджет ташкилотлари томонидан ижро этиладиган асосий вазифалар бўйича гуруҳлашдан иборат бўлади.

Давлат бюджети харажатларининг ташкилий таснифи харажатларни хўжалик юритувчи субъектлар турлари ва бюджетдан ажратиладиган маблағлар уларни бевосита олувчилар ўртасида тақсимланишни акс эттирувчи тадбирлар бўйича гуруҳлашдан иборат бўлади. Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи харажатларни тўловларнинг иқтисодий вазифаси ва турлари бўйича гуруҳлашдан иборат бўлади. Давлат харажатлари иқтисодий белгиларига кўра 3 гуруҳга бўлинади:

- а) моддий неъматлар ишлаб чиқариш соҳаси харажатлари;
- б) ноишлаб чиқариш соҳа харажатлари;
- в) давлат захира харажатлари.

Тармоқ белгиларига кўра эса:

- а) халқ хўжалиги тармоқларини молиялаштириш харажатлари;
- б) ижтимоий-маданий тадбир харажатлари;
- в) аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатлари;
- г) бошқарув органларини таъминлаш харажатлари;
- д) бошқа харажатлар.

Бюджетнинг харажат қисмини асосан ижтимоий-маданий тадбирлар ва иқтисодий харажатлар банд этади.

Иқтисодий харажатларнинг ўзи ҳам 2 қисмга бўлинади:

-халқ хўжалиги тармоқларини молиялаштириш харажатлари. Бу йуналишдаги харажатлар асосан кам даромад кўрувчи, лекин давлат микёсида зарур бўлган давлат секторидаги нархларга сарфланади. Бундай корхоналарга мисол қилиб кўмир номларини, қишлоқ хўжалиги корхоналарини, транспорт ташкилотларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Марказлашган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари. Бу йуналишдаги харажатларга янги корхоналарни кўриш учун мўлжалланган маблағлар киради. Иқтисодий харажатларга бюджетдан тахминан 20-25 % миқдоридаги маблағлар сарфланади. Бюджет харажатлари моддий ишлаб чиқариш соҳага режалаштирилганда шу соҳанинг ўзига тегишли маблағлар ҳисобга олинади ва етишмаган қисмигагина бюджетдан давлатнинг ижтимоий - иқтисодий ривожланиш дастурига биноан маблағлар ажратилади.

Ижтимоий харажатлар асосан ижтимоий маданий тадбир харажатларига ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатларига бўлинади.

Бюджет харажатлари ичида яна бир гуруҳ харажатлар, бошқарув органларини таъминлаш харажатлари ҳам режалаштирилади.

Бошқа харажатлар ичида эса мудофаа, ички ишлар вазирлиги, миллий хавфсизлик хизмати, Вазирлар Маҳкамасининг резерви ва бошқалар кўзда тутилади.

Бюджет таснифи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

#### **2.4. Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари таснифи**

Давлат бюджети давлатнинг асосий молиявий режаси сифатида даромадлар ва харажатлардан иборат. Давлат бюджетдаги даромадлар ва харажатлар кўрсаткичи турли ҳолатларда бўлиши мумкин:

✓ тенглаштирилган бюджет, бу ҳолатда давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари тенг кўрсаткичлардан иборат;

✓ профицитлик бюджет ҳолати, бюджет даромадлари ҳажми унинг харажатлари ҳажмидан юқори бўлса, бунда бюджетда ижобий қолдиқ (профицит) юзага келади;

✓ тақчиллик бюджети, давлат бюджети харажатларининг ҳажми унинг даромадларидан юқори булса, бунда салбий қолдиқ – тақчиллик мавжуд булади.

Давлат бюджети тақчиллиги кўзланаётган даромадлардан кўп бўлиши, мавжуд тақчилликни молиялаштириш йўлларини топишга мажбур қилади.

Давлат ўз харажатларини солиқлар ва солиқсиз даромадлар ёрдамида молиялаштиради, аммо бюджетда тақчиллик мавжуд бўлган даврда, ҳукумат қарзлар олишга ҳам мажбур булади.

Тақчилликни молиялаштириш икки йirik гуруҳга бўлиб акс эттирилган: иммисияли ва қарзли молиялаштириш.

Бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг бу икки усули билан бирга, яна бир ноинфляцион усул – давлат активларини сотиш орқали тақчилликнинг маълум қисми молиялаштирилади. Бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг ҳар қайси ҳолатини иқтисодиётга таъсири бир хил бўлмайди, шунинг учун ҳар бир манбани алоҳида ўрганиб чиқамиз.

Агар тақчилликни молиялаштириш манбаларини янада аниқлаштирадиган бўлсак, юқоридаги икки гуруҳнинг бирига тегишли буладиган қуйидаги анъанавий манбалар мавжудлигини кўриш мумкин:

1. марказий банкдан қарз олиш ёки тақчилликни иммисияли молиялаштириш (пули молиялаштириш);

2. тижорат банкларидан қарз олиш (қарзли молиялаштириш);

3. маблағларни мамлакат ичкарисидаги банк бўлмаган соҳалардан қарз олиш (қарзли молиялаштириш);

4. валюта захираларининг ишлатилиши ёки ташқи давлатлардан қарз олиш (қарзли молиялаштириш);

5. давлат мулкини сотиш ва бошқа ноинфляцион манбалар.

Пулли молиялаштириш, ёки Марказий банкдан қарз олиш. Бу жараён Молия Вазирлиги Марказий банкдан қарз олганда юз беради. Марказий банк давлат қимматбаҳо қоғозларни сотиб олади ва Молия вазирлигига махсус жорий ҳисобварақ очади. Вазирлик давлат харажатрали учун қарз маблағларини ишлатганда пул таклифи кўпаяди, яъни пул эмиссияси юз беради, натижада баҳоларнинг умумий даражаси ошади. Кўпгина бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда давлат тақчиллигининг сезиларли фоизлари нақд пулга айланади ва бу инфляциянинг асосий манбаларидан бири бўлиб хизмат қилади. Молия вазирлигининг қимматбаҳо қоғозларини сотиш «қарзларнинг монетизациялашуви», деб юритилади.

Ўзбекистонда бюджет тақчиллигини, асосан, банк тизими томонидан молиялаштирилиш кўзда тутилган. Марказий банк кредитлари хар йилги бюджет тақчиллигини қоплаш учун ажратилади, бюджет тақчиллигини молиялаштиришда республикамизда асосан ички маблағлардан фойдаланилади.

Қарзли молиялаштириш. Давлат томонидан олинаётган қарзлар – давлат харажатларини молиялаштириш учун зарур бўлган пул маблағларини молия бозорларидан қарз олиш йўли билан жалб қилишдаги давлат фаолияти ҳисобланади. Давлат олаётган қарзлари – давлат номидан қарз олишни амалга ошириш ваколатини олган давлат органларининг қарз мажбуриятлари ҳужжатлари билан расмийлаштирилади, улар давлатнинг қарздорлик қимматбаҳо қоғозлари бўлади ва бозорда эркин айланиши мумкин. Асосан, давлат қарздорликлари иккита вазифани бажаради: фискал – давлат хазинасига пул маблағларни жалб қилиш; иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш.

Давлат бюджети тақчиллигини қоплаш учун ҳам ички, ҳам ташқи қарзлардан фойдаланиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси амалиётида ички манбалар бўлиб Марказий банк кредитлари, ДҚМОларини жойлаштиришдан олинadиган маблағлар ва бошқа манбалар бўлиши мумкин. Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштиришда қарзли молиялаштириш ноинфляцион манба ҳисобланади.

Ташқи қарзлар орқали бюджет тақчиллигини молиялаштириш. Бюджет тақчиллигини ташқи манбалар ҳисобидан молиялаштириш, жорий харажатлар ва асбоб – ускуналар сотиб - олиш учун зарур бўладиган чет эл валютасини бюджетга келиб тушушини таъминлайди. Бунда, ташқи қарз манбаларини, ички ва ташқи қарзлар даромадлилигининг нисбатини, маблағлар жалб қилишнинг муддати ва шартларини диверсификациялаш муҳим аҳамиятига эга. Ташқи қарзлар таркиби яхшланиб бориши, Ўзбекистоннинг махсус халқаро кредит ташкилотлари олдидаги кредит рейтингини оширади. Ўз навбатида бу кўрсаткич, потенциал қарз берувчилар учун мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий таваккалчиликнинг даражасидан келиб чиқади. Шунингдек, ташқи қарздорлик мамлакат тўлов балансини қарздорликни ўз вақтида қайтариш даражасида барқарор бўлишини ҳам талаб қилади.

Ташқи қарзлар таркиби куйидагича таснифланади:

халқаро молия ташкилотларининг кредитлари;

чет мамлакатлар ҳукуматларининг кредитлари;

чет эл тижорат банклари ва фирмаларининг кредитлари;

бюджетнинг чет эл валютасидаги ҳисобварақларининг банклардаги қолдигининг ўзгариши;

бошқа ташқи молиялаштиришлар.

Давлат мулкани хусусийлаштириш орқали бюджет тақчиллигини молиялаштириш. Ўзбекистонда хусусийлаштиришга босқичма-босқич ёндошув қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети тақчиллигини молиялаштиришда ноинфляцион восита сифатида фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикасида бюджет тақчиллигини молиялаштириш манбаларини таҳлил қилиб, шундай хулоса қилиш мумкин. Ўтган йиллар мобайнида бюджет тақчиллигини молиялаштириш соҳасида ижобий ютуқларига эришилди ва охириги икки йил давомида Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида бюджет профицитини кўришимиз мумкин.

### **Таянч иборалар**

Бюджет тушунчаси; бюджет тизими; бюджет даромадлари; бюджет харажатлари; тасниф объектлари; кўрсаткичлар гуруҳлари; ташқилий тасниф; иқтисодий тасниф; бюджет тақчилиги; молиялаштириш манбалари

### **Назорат саволлари:**

- ✓ Бюджет таснифи тушунчасига таъриф беринг.
- ✓ Қайси қонунда бюджет таснифига изоҳ берилган?
- ✓ Бюджет таснифи қандай гуруҳларига бўлинади?
- ✓ Бюджет даромадлар манбаларини ёритиб беринг.
- ✓ Солиқ таснифига таъриф беринг.
- ✓ Солиқлар аҳамиятига кўра қандай гуруҳларга бўлинади?
- ✓ Солиқсиз даромадларни гуруҳлаб беринг.
- ✓ Бюджетнинг ҳолатларига таъриф беринг.
- ✓ Бюджет тақчиллиги деб нимага айтилади?

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: Ўзбекистон нашриёти, 1992.- 46 б.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни. -Т.: 2000, 14 декабр

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонуни. 26.08.2004.

Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида.- Т.: Ўзбекистон, 2005.

“2005 йилда давлат бюджетининг ижросини, харажатларни тўлиқ ва узлуксиз молиялаштиришни таъминлаш, маблағларни кўзланган мақсадларга сарфланиши устидан назоратни кучайтириш тўғрисида”ги ЎзР Молия вазирлигининг 3-сон Буйруғи, 12 январ 2005.

Поляк Г.Б. Бюджетная система РФ. - М.: Финансы и статистика, 2004.



Романовский В.М. Бюджетная система РФ. - М.: ЮНИТИ, 2005.

▲ [www.minfin.ru](http://www.minfin.ru)

▲ [www.mf.uz](http://www.mf.uz)

▲ [www.budget.ru](http://www.budget.ru)

Код поля изменен

Код поля изменен

Код поля изменен

### **3-бoб. МАҲАЛЛИЙ ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИ, УЛАРНИНГ ТАШҚИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

- 3.1.Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари бюджетларини ташқил этишнинг ҳуқуқий асослари.
- 3.2.Маҳаллий бюджетларнинг бюджет тизимидаги ўрни ва таркибий тузилиши.
- 3.3.Маҳаллий бюджетларнинг харажатлар тизими.
- 3.4.Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар тизими.
- 3.5.Ҳудудларнинг бюджет ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш.

#### **3.1. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари бюджетларини ташқил этишнинг ҳуқуқий асослари**

Маҳаллий ҳокимиятларнинг молиявий ва бюджет ҳуқуқлари ривожини «Маҳаллий давлат ҳокимиятида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги қонунда ўз ифодасини топди. Ушбу Қонуннинг 11,12,13-моддаларида бевосита вилоят, туман, шаҳарларнинг молиявий ресурсларига, халқ депутатлари кенгашига ва ижро ҳокимиятининг бюджетга доир ҳуқуқлари ҳамда вилоят, туман, шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромад манбаларига бағишлангандир.

Ушбу Қонунда маҳаллий ҳокимият органларининг молиявий ресурслари бевосита бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фондлардан, шунингдек юқори бюджетлардан берилган субвенция ва дотациялардан ташқил топиши белгилаб берилган. Шу билан биргаликда ушбу қонунда халқ депутатлари кенгашининг маҳаллий бюджетларни ва уларнинг ижросини тасдиқлаш ҳуқуқи берилган.

Қонунга асосан маҳаллий бюджетларнинг лойиҳаларини тайёрлаш, унинг ижроси ҳокимлар раҳбарлигида амалга оширилади. Бюджет лойиҳаси ҳоким томонидан даромадлар манбаи ва харажатлар йўналиши кўрсатилган ҳолда кенгашга тақдим этилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонунга мувофиқ маҳаллий солиқлар ва йиғимлар, бож миқдорини белгилаш, маҳаллий бюджетга тушадиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар, тўловлар бўйича имтиёзлар ўрнатиш маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг ваколатларига киради.

Маҳаллий бюджетларнинг ижроси давомида ҳудудларнинг ижтимоий – иқтисодий жihatдан ривожланиш муаммоларини тўларок ҳал этиш мақсадида маҳаллий ҳокимиятларига ҳудуд шароитидан келиб чиққан ҳолда жорий йил бюджети даромадлари ва харажатларига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилган.

«Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш» қонунига асосан маҳаллий ҳокимиятларнинг маҳаллий бюджетларини минтақалаштириш ва бажаришдаги ҳуқуқлари кенгайтирилди. Яъни, уларга маҳаллий бюджетларни режалаштириш, тасдиқлаш ва бажаришда мустақиллик берилди. Аҳолини ижтимоий ҳокимият органларига жорий харажатлар даражасида минимал бюджет тузиш ҳуқуқи берилди.

Маҳаллий ҳокимият органларининг ўз молиявий ресурсларини тақсимлаш ва фойдаланишдаги ҳуқуқлари кенгайтирилди, уларга маҳаллий бюджет харажатлари йўналишини белгилаш, мавжуд маблағлар даражасида соғлиқни сақлаш, халқ таълими, ижтимоий таъминот, коммунал уй жой хўжалик харажатлари ва бошқа харажатлар бўйича марказдан ўрнатилган нормаларни ошириш ҳуқуқлари берилди. Маҳаллий ҳокимият органларининг бюджетдан ташқари фондларни тузишдаги ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунга асосан маҳаллий ҳокимият органларининг молия - бюджет муносабатларидаги ҳуқуқлари янада кенгайтирилди.

Қонуннинг «Бюджетларнинг харажатлар қисми» бўлимида маҳаллий ҳокимиятларнинг бюджет харажатларини тузиш ҳуқуқлари, шу билан бирга жорий ва ривожланиши бюджетларнинг қонун қоидаларини тузиш ва ушбу бюджетларнинг мазмуни ҳам ўз аксини топан. Қонун қоидасида маҳаллий ҳокимиятларнинг маҳаллий бюджетларни бажаришдаги жавобгарлиги белгилаб берилди. Субвенциялар тўғрисидаги қонунда минтақаларнинг молиявий ёрдам

олиш ҳуқуқлари, субвенциялар беришнинг умумий тартиблари, ушбу тартибларга риоя қилишда томонларнинг жавобгарлиги ўз ифодасини топган.

Маҳаллий ҳокимиятларнинг молиявий ва бюджет ҳуқуқларини такомиллаштириш Ўзбекистон Республикаси «Бюджет тизими тўғрисида»ги 2000 йил 14 декабрдаги Қонунда ўз ифодасини топди. Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилингандан сўнг бюджет соҳасида бир қанча ислохотлар бошланди. Қонуннинг қабул қилиниши бюджет тизими янги моделнинг муҳим хусусиятларини белгилаб берди. Қонуннинг қабул қилиниши орқали маҳаллий бюджетлар ва уларнинг бўғинлари ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўзгаришига, бюджет сиёсати, стратегик йўналишларини белгилашда уларнинг ўРНИ ва аҳамияти ўсишига ва умуман маҳаллий бюджетлар фаолиятини ташкил этиш ҳамда бошқариш амалиётига маълум ўзгаришлар киритилди.

Бюджет тизими тараққиётидаги ушбу қонуниятлар маҳаллий бюджет бўғинлари олдига муҳим вазифаларни кўяди. Худудлар иқтисодий салоҳияти, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари мустақиллиги ва масъулиятларининг ортиши ҳамда шу билан бевосита манфаатдор бўлган тегишли бюджет бўғинининг самарали фаолияти, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлиқ бажарилишини кафолатлайди. Шунга кўра, маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва бошқариш амалиётидаги илгари амал қилган қатор ҳолат ва тадбирлар такомиллаштирилди ҳамда тегишли ўзгартиришлар киритилди.

2000 йил 14 сентябрда «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонун қабул қилингач, бюджет тизими бўғинлари, шу жумладан маҳаллий бюджетлар фаолияти ҳуқуқий асосга эга бўлди. Мазкур қонунда Давлат бюджети Республика бюджетидан ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан иборат эканлиги таъкидланди.

Қонун асосида маҳаллий бюджетларнинг қуйидаги мустақил субъектларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

- Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бюджет;
- шаҳарлар бюджети;

- туманлар бюджети;
- туманлар таркибидаги шаҳарлар бюджети;
- шаҳарлар таркибидаги туманлар бюджети.

«Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонун ҳар қайси бюджет бўғини учун риоя қилиниши лозим бўлган асосий қуйидаги тамойилларни белгилайди:

- бюджетнинг ягона таснифи;
- бюджет тузилишининг Ўзбекистон Республикаси маъмурий бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги;
- турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги;
- барча даражадаги бюджетларнинг мустақиллиги.

Маҳаллий бюджетга қонунда қуйидагича таъриф берилган:

«Маҳаллий бюджет – Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташқил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади».

Маҳаллий бюджетлар орқали маҳаллий ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиши молиявий маблағлар билан таъминлаб берилади. Маҳаллий бюджетлар Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг асосий қисми сифатида ўзида 300 дан ортиқ мустақил бюджетни мужассамлаштиради.

Маҳаллий бюджетлар бюджет тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

### **3.2. Маҳаллий бюджетларнинг бюджет тизимидаги ўрни ва таркибий тузилиши**

Ҳар қандай давлатда бошқарув тизимининг хусусиятига қараб, бюджет тизимининг таркиби қонуний тарзда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қайд қилинишича мамлакатда икки бўғинли бюджет тизими амал қилади. Буларга республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар кириши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунида бюджет тизимининг таркибий тузилиши ва бошқарувининг асоси, давлат бюджети таркиби ва тузилиши тамойиллари, уни тузиш ва ижро этиш тартиби, даромадларни шакллантириш ва харажатларни амалга ошириш тамойиллари, турли даражадаги бюджетлараро муносабатлар механизми, бюджет маблағлари бўйича операциялар устидан ҳисобот ва назорат тартиби белгилаб берилган.

Маҳаллий бюджетга қонунда қўйидагича таъриф берилган:

«Маҳаллий бюджет – Давлат бюджетининг тегишли вилоят туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади».

Маҳаллий бюджет бўғинлари олдига муҳим вазифалар юклатилган. Худудлар иқтисодий салоҳияти, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари мустақиллиги ва масъулиятларининг ортиши, ҳамда шундан бевосита манфаатдор бўлган тегишли бюджет бўғинининг самарали фаолияти, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлиқ бажарилишини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси бюджети бир бутундир ва маҳаллий бюджетлар республика маъмурий-ҳудудий бўғинлари билан боғланган ҳолда ташкил қилинган.

Бюджет тизими Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тизимининг яхлитлигини белгилаб беради. Бюджет тизими бутун республика ҳудудида амал қилаётган даромадлари, ҳамда умуман республикани, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга йўналтириладиган давлат харажатларининг бир бутун тизимига асосланади.

Маҳаллий бюджетлар тизими маҳаллий эҳтиёжларни тўлароқ ҳисобга олиш ва уларни давлат марказлаштирилган тартибда амалга оширадиган чоратadbирлар билан тўғри мувофиқлаштириш имконини беради.

### 3.3. Маҳаллий бюджетларнинг харажатлар тизими

Маҳаллий бюджетнинг харажатлари бу маҳаллий ҳокимиятнинг ўз функциялари билан боғлиқ, равишда юзага келадиган сарф-харажатларни акс эттирувчи иқтисодий муносабатлар бўлиб, улар асосида маҳаллий минтақа пул маблағлари жамғармасини тақсимлайди.

Жамиятнинг иқтисодий ҳаётида ижтимоий ислохотларни амалга оширишда давлатнинг роли ошиши бюджет харажатларининг турли-туман кўринишларда бўлишини асослайди. Бу ўз навбатида бир қатор омиллар билан боғлиқдир. Булар жумласига куйидаги асосий омилларни киритиш мумкин:

- ✓ давлатнинг вазифалари ва географик жойлашиши;
- ✓ мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси;
- ✓ давлатнинг маъмурий-худудий тузилиши;
- ✓ бюджет маблағларини бериш шакллари ва шу кабилар.

Ижтимоий йўналишига кўра бюджет харажатларининг гуруҳланиши давлатнинг бажарадиган иқтисодий, ижтимоий ва бошқа функцияларини акс эттиради. Бунга мувофиқ бюджет харажатлари тўрт гуруҳга бўлинади:

- иқтисодий харажатлар;
- ижтимоий-маданий тадбирларни молиялаштириш харажатлари;
- аҳолини ижтимоий-ҳимоя қилиш харажатлари;
- бошқарув харажатларини молиялаштириш;

Тармоқларга кўра бюджет харажатларининг гуруҳланиш иқтисодиётни умумий равишда қабул қилинган тармоқлар ва фаолият турларига бўлинишига асосланган. Шунга кўра, ишлаб чиқариш соҳасига харажатлар халқ хўжалиги тармоқлари бўйича саноатни қишлоқ хўжалигини, капитал қурилишни, транспорт, алоқа, савдо ва бошқа тармоқларни ривожлантиришга, ноишлаб чиқаришга, маориф, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, спорт, вақтли матбуот, давлат бошқаруви ва ҳоказоларга бўлинади.

Харажатларни тармоқлар бўйича бўлиниши бюджет маблағларини тақсимлашда мутаносибликларни аниқлаш ва уларни ўзгартириш орқали ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тармоқ тузилишида зарур силжишларга эришиш имконни беради.

Маҳаллий бюджет харажатларининг йўналишларига тўхталадиган бўлсак улар қуйидагилардан иборатдир: халқ хўжалигини молиялаштириш харажатлари; капитал қўйилмаларни молиялаштириш харажатлари; ижтимоий маданий тадбирлар харажатлари; аҳолини ижтимоий ҳимоялаш харажатлари; бошқарув органларини сақлаш харажатлари.

Сўнги даврларгача бюджет харажатларининг асосий қисми халқ хўжалигини молиялаштиришга сарфланиб келган. Ҳозир бозор муносабатларининг шаклланиб бориши эса бюджет маблағларини сарфлаш тизимини ўзгартиришни талаб этади. Шунинг учун ҳам халқ хўжалигини молиялаштириш бўйича маҳаллий бюджетдан молиялаштириш харажатлари ҳажми қисқартирилди. Бунинг асосий сабаби қуйидагилардан иборат, яъни:

- ✓ мулкчилик шакллариининг кўпайиб бориши, хўжалик субъектларининг ўз мулкига тўла эгаллик ҳуқуқи берилиши муносабати билан корхоналарга дотациялар бериш аста-секин тўхтатилди;

- ✓ нархларни эркинлаштириш туфайли озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларининг кўплаб турлари бўйича нархлар ўртасидаги фаркни қоплашга ажратиладиган дотациялар бекор қилинди;

- ✓ давлат мулкни хусусийлаштириш дастурини кетма-кет амалга ошириш ва давлат бўғинининг кескин қисқариши;

- ✓ бюджет маблағларини сарфлашда қаттиқ тежамга эришиш.

Бунда иқтисодиётни барқарорлаштириш ва унинг ривожланиши учун шароитни яратиш билан бевосита боғлиқ бўлган ҳар қандай сарфларни бюджет харажатлари таркибидан чиқариш ҳамда ажратилган бюджет маблағларини тўғри ишлатишни назорат қилиш йўлини қўллаш зарур.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган даврда маҳаллий бюджетларнинг



республикани ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги роли янада ошмоқда. Маҳаллий бюджетлар харажатларининг салмоғи давлат бюджетида кескин ошиб бормоқда. Бунга ёрқин далил олдинги йилларда республика бюджети ҳисобидан молиялаштириб келинган кадрлар, мутахассислар тайёрлаш, яъни ўрта махсус ўқув харажатларини маҳаллий бюджетлар томонидан молиялаштирилиши амалга оширилишидир. Давлатнинг аҳолини ҳимоя қилиш харажатларининг кескин ошиб бориши ва мазкур харажатларни молиялаштириш асосан маҳаллий бюджетлар томонидан амалга оширилиши ҳам маҳаллий бюджет харажатларининг давлат бюджетидаги салмоғининг ошишига олиб келмоқда.

Маҳаллий бюджет харажатларининг муҳим йўналиши бу ижтимоий-маданий тадбирлардир. Ушбу тадбирларни молиялаштириш харажатлари халқ таълими, маданият, саноат ва оммавий ахборот воситалари, соғлиқни сақлаш, спорт, ижтимоий таъминот каби соҳаларга йўналтирилади.

Маҳаллий бюджет харажатларининг республикамиз учун хос бўлган йўналиши бу аҳолини ижтимоий ҳимоялаш харажатларидир. Бу харажатлар ижтимоий аҳамиятга эга бўлган четдан ёрдамга муҳтож ёлғиз қаровчиси йўқ нафақахўрларни бепул озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш харажатлари, 2-ёшгача бола тарбиясидаги ишламайдиган оналарга ойлик нафақа тўловлари харажатлари, ижтимоий муҳофазага муҳтож oilаларга моддий ёрдам пули харажатларини ўз ичига олади. Бюджет харажатларининг бу йўналиши асосан аҳолининг заиф қатламларини моддий қўллаб-қувватлаш шаклларида биридир.

Маҳаллий бюджет харажатларининг сўнги йўналиши бошқарув соҳаси бўлиб, бу харажатлар қуйидагиларга сарфланади, яъни:

- 1) ҳуқуқ-тартибот, суд ва прокуратура органларини сақлаб туриш;
- 2) давлат ҳокимияти органларини сақлаб туриш;
- 3) сайловлар ўтказиш ва бошқалар.

## 1-жадвал

2005-2007 йилларда Самарқанд шаҳар маҳаллий бюджетининг харажатлар қисмини динамикаси (млн. сўм)

Харажатлар кўрсаткичлари	2005			2006			2007
	Режа	ижро	%	режа	ижро	%	башорат
Иқтисодий харажатлар	867,5	945,9	109,0	1092,2	1087,0	100,0	1318,3
Ижтимоий-маданий тадбир харажатлари	12348,3	12320,5	99,8	15706,5	15551,2	99,0	20345,1
Бошқарув харажатлари	518,6	525,4	101,3	680,5	674,7	99,0	1016,5
Аҳолини ижтимоий-ҳимоя қилиш харажатлари	687,6	678,8	98,7	893,9	893,8	100,0	1121,7
Бошқа харажатлар	172,7	177,6	102,8	1059,3	1489,2	140,6	0
Жами харажатлар	14594,7	14648,2	100,4	19432,4	19695,9	101	23801,6

Манба: Самарқанд шаҳар Молия Бошқармасининг маълумотлари

1-жадвал маълумотларидан Самарқанд шаҳар маҳаллий бюджетининг харажатлари таҳлил қилинган йилларда 14648,2 млн. сўмдан 23801,6 млн. сўмгача кўпайганлигини кўриш мумкин, ўсиш даражаси 162,5 %ни ташқил этган.

Самарқанд шаҳар маҳаллий бюджетининг харажатлар қисмини таҳлилидан маҳаллий бюджетларни ижтимоий йўналишини кўриш мумкин. Шаҳар бюджетининг харажатларида ижтимоий-маданий тадбир харажатлари 81-85 %ини ташқил этади.

Хулоса қилиб, айтиш мумкинки маҳаллий бюджетларнинг харажатлари маҳаллий органларни иқтисодий-ижтимоий вазифаларини бажариш билан боғлиқ.

### 3.4. Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар тизими

“Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, маҳаллий бюджетлар даромадлари қуйидагилардан иборат:

➤ қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ маҳаллий бюджетларга бириктирилган маҳаллий солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар;

➤ умумдавлат солиқлари, йиғимлари ва божларидан ўрнатилган меъёрлар асосидаги ажратмалар;

➤ давлат мулки объектларидан фойдаланишдан олинган даромадлар;

➤ мерос олиш, ҳадя этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;

➤ юқори бюджетлардан бериладиган бюджет дотациялари, субвенциялари ва бюджет ссудалари;

➤ юридик ва жисмоний шахслардан ҳамда чет давлатлардан тушган қайтарилмайдиган пул тушумлари;

➤ Бошқа даромадлар.

Санаб ўтилган даромадларни амал қилиш характериға ва маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришдаги ўрниға кўра қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Ўз даромадлари: Маҳаллий солиқ ва йиғимлар божлар ва бошқа мажбурий тўловлар; маҳаллий мулкдан фойдаланишдан даромадлар; юридик ва жисмоний шахслардан ҳамда чет давлатлардан тушган қайтарилмайдиган пул тушумлари.

2. Тартибға солувчи даромадлари: умумдавлат солиқларидан ажратмалар; бюджет дотациялари ва субвенциялари; бюджет ссудалари.

Амалдаги солиқ қонунчилиғиға мувофиқ, маҳаллий солиқ ва йиғимларға қуйидагилар киради:

✓ мол мулк солиғи;

✓ ер солиғи;

✓ инфратузилмани ривожлантириш солиғи;

✓ автотранспорт воситаларини олиб сотганлик учун солиқ;

✓ жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва сиқилган газ истеъмоли учун солиқ;

- ✓ бошқа маҳаллий солиқлар;
- ✓ савдо-сотиқ ҳуқуқи учун йиғим, шунингдек айрим товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензион йиғимлар;
- ✓ юридик шахслар ҳамда тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказганлик учун йиғимлар.

Маҳаллий бюджет даромадлари икки қисмдан – бириктирилган ва тартибга солувчи даромадлардан иборат.

Бириктирилган даромадлар бу маҳаллий солиқлар, солиқ тизимини муҳим таркибий қисми бўлиб, улар асосан маҳаллий ҳокимиятларни ихтиёрига қолдириладиган, маҳаллий ҳокимиятларни ваколатига юклатилган вазифаларни бажариш учун молиявий ресурслар бўлиб хизмат қиладиган мажбурий тўловлар ва йиғимлар йиғиндисидир. Ўзбекистон Республикасида амал қиладиган маҳаллий солиқлар Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини 7 - моддасида акс эттирилган.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар маҳаллий ҳукуматлар бажарадиган вазифаларга қараб белгиланиб, уларга доимий ва тўлиқ бириктириб берилган. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар таркибида энг кўп салмоққа ва мавқега эга бўлган солиқлар бу мол-мулк ва ер солиғи ҳисобланади.

Мол-мулк солиғи 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Қорхоналар, ташкилотлар ва бирлашмалардан олинадиган солиқлар» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни билан жорий этилган бўлиб, у бугунги қадар анча такомиллашган ҳолда амал қилмоқда.

Ҳозирги кунда эса мол-мулк солиғи Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси асосида юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки солиққа тортилади. Мол-мулк солиғининг жорий этилиши ва ундирилишининг ижтимоий-иқтисодий асослари биринчидан, маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш бўлса, иккинчидан, мол-мулкка эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахсларни ўз тасарруфидаги мол-мулкдан самарали фойдаланишга ундашдан, иборатдир.

Маҳаллий бюджетларнинг бириктирилган даромадларида ер солиғи катта аҳамиятга эга. Ер солиғини жорий этишнинг асосий мақсади фискал ва республикамизда чекланган ва қайта тўлдирилмайдиган ресурс ҳисобланган ер майдонларидан унумли ва самарали фойдаланиш механизмини қарор топтиришдан иборатдир.

Қайд этиш жоизки, республикамиз иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири сифатида кичик бизнесни ривожлантириш, уларни ялпи ички маҳсулот ва миллий даромаддаги ҳиссасини ошириш, уларнинг ривожланишига рағбатлантирувчи механизмни жорий этиш кабилар белгиланганки, булар орасида солиқ механизмдан ҳам кенг фойдаланилмоқда. «Биз кичик бизнесга, хусусий тадбиркорликка нисбатан республикамизни иқтисодий жиҳатдан жадал ривожлантиришни таъминлай олади деб қарамогимиз лозим»<sup>8</sup>, - деган эди юртбошимиз И.А. Каримов.

Кичик бизнес учун ягона солиқ маҳаллий солиқлар ичида ундирилиши, қўлланилиши жиҳатидан алоҳида мавқега ва ўзига хос хусусиятга эга бўлган солиқлардан бири ҳисобланади.

Дарҳақиқат кичик бизнес учун қўлланилаётган солиқ тизимининг асосини ягона солиқ ташкил этиб, бу солиқнинг асосий хусусияти бир неча солиқлар ўрнига битта солиқ тўлашни билдиради. Бундан асосий мақсад кичик бизнес субъектлари ривожланишига солиқ механизми орқали рағбатлантиришдан иборатдир. Бу солиқни қўллашнинг бир қатор мезонлари мавжуд бўлиб, булардан энг асосийси уларда ишловчилар сони ва фаолият тури ҳисобланади.

Ягона солиқнинг қўлланилиши солиқ тизимининг олдида қўйилган вазифаларга мос келади, Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини функцияларидан ташқари, ижтимоий-иқтисодий ҳолат ва иқтисодий сиёсат мазмунидан келиб чиққан ҳолда бир қатор вазифалар ҳам белгиланганки, булардан бири солиқ тизими кичик бизнеснинг ривожланишига қўмаклашиш ва рағбатлантириш вазифаси ягона солиқнинг жорий этилиши бу вазифани амалда реализация этиш намунаси ҳисобланади.

---

<sup>8</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида -Т.: Ўзбекистон., 1995. 187-бет.

Республикамизда маҳаллий солиқлар ва солиқсиз тушумлардан шаклланган даромадлар маҳаллий бюджетлар харажатларининг жуда кам қисмини қоплаганлиги туфайли, маҳаллий бюджетлар даромадларининг асосий қисми тартибга солиш даромадлари орқали шакллантирилади.

Тартибга солинадиган даромадлар - юқори бюджетлардан қўйи бюджетга, уларнинг даромад ва харажатларини бошқариб туриш (баланслаштириш) мақсадида бериладиган пул маблағлари мажмуаси ҳисобланади. Тартибга солинадиган даромадларга ушбу мақсадлар учун ишлатиладиган барча молиявий ресурслар, яъни алоҳида умумдавлат солиқларидан ўтказмалар, дотациялар, субвенциялар, юқори бюджетдан ўзаро ҳисоб-китоб асосида олинган маблағлар киради.

Шундай қилиб, тартибга солинадиган даромадлар бу юқори ҳукумат органлари томонидан қўйи ҳукумат органларига қонунчилик актлари (қонунлар, қарорлар, низомлар, буйруқлар) асосида бериладиган даромадлардир.

Маблағларнинг берилиши олдиндан, яъни режалаштирилган йилнинг бошида, бошқариш режаси ва режалаштирилган йилнинг бюджет тўғрисидаги қонунчилик актига асосан, ёки юқори ижро этувчи ва тартибга солувчи органларнинг кўрсатмасига биноан бюджетни бажариш жараёнида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси маҳаллий бюджетлари даромадларида тартибга солувчи солиқларнинг салмоғи жуда каттадир. Булар: юридик шахслар фойдасига солиқ, жисмоний шахслар даромадига солиқ, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиқларидир.

Юқоридаги умумдавлат солиқларидан ажратмалар ҳудудларда йиғиладиган ушбу солиқлар миқдориغا нисбатан % ҳисобида белгиланади, лекин бу фоиз миқдорлари ҳар йили бюджет лойиҳаларини тайёрлаб, тасдиқланганда ўша тасдиқланган йил учун белгиланади ва ҳар йил бюджетида ўзгариб туради.

Худудларнинг бюджетдан амалга оширилаётган харажатларининг етарли даромадлар билан таъминланмаганлиги, маҳаллий бюджетларни давлат томонидан даромадларнинг тартибга солишда республика бюджетидида йиғилган даромадларни бир қисмини қайта тақсимлашни талаб қилади. Бу мақсадда барча давлатлар амалиётида дотация ва субвенциялардан фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари башорати ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 532-сонли Қарорига мувофиқ, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар бўйича қуйидаги чегаравий ставкалар белгиланган:

#### Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи

##### СТАВКАЛАРИ

Т/р	Тўловчилар	Солиқ солинадиган базага нисбатан %ларда солиқ ставкаси
1.	Юридик шахслар	3,5
2.	Ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар) экспортининг эркин алмаштириладиган валютадаги ҳиссаси қуйидаги миқдорларни ташқил этадиган экспортчи корхоналар учун:	
	сотишнинг умумий ҳажмида 15 % дан 30 % гача	белгиланган ставка 30 %га пасайтирилади
	сотишнинг умумий ҳажмида 30 % ва ундан юқори	белгиланган ставка 50 %га пасайтирилади

#### Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи

##### СТАВКАЛАРИ

Солиқ солинадиган объектларнинг номи	Мол-мулкнинг инвентаризация қийматига нисбатан солиқ ставкаси (%да)
Тураржойлар, квартиралар, дала ҳовли ва боғ уйчалари, гаражлар ва бошқа иморатлар, хоналар ва иншоотлар уларнинг қийматидан келиб чиқиб *	0,5

\* Жисмоний шахслар мол-мулкни баҳолаш бўйича органлар белгиланган инвентаризация қиймати бўлмаса, солиқ ундириш учун Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 2100,0 минг сўм, бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда - 920,0 минг сўм миқдоридаги мол-мулкнинг шартли қиймати қабул қилинади.

### Маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг чегараланган СТАВКАЛАРИ

Т/р	Солиқ ва йиғимлар турлари	Чегараланган ставкалар
1.	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	соф фойданинг 8 %и
2.	Истеъмол учун жисмоний шахслардан ундириладиган солиқ *	
	-транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси	1 литр учун 80 сўм
	-транспорт воситалари учун газ	1 кг учун 80 сўм
3.	Айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим **	
	-алкоголли маҳсулотлар	бир ойлик савдо учун энг кам иш ҳақининг 5 баробари
	-қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар	бир ойлик савдо учун энг кам иш ҳақининг 3,5 баробари
4.	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган юридик, шунингдек жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш учун йиғим ***	энг кам иш ҳақининг 5 баробари

\* Кўрсатиб ўтилган ставкалар миқдорлари Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона ҳисобланади. Солиқ ставкасининг аниқ миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг таклифига кўра Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

\*\* Йиғимнинг бир қисми Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар давлат ҳокимияти органлари қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда йиғим ундиришни таъминлаш билан боғлиқ давлат бошқаруви органлари харажатларини қоплашга, Тошкент шаҳрида эса Савдо, хизматлар соҳаси ва халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш департаментини тутиб туришга йўналтирилади.

\*\*\* Рўйхатдан ўтказиш учун йиғим рўйхатдан ўтказувчи органларнинг тегишли банк ҳисобрақамларига қонунда белгиланган тартибда киритилади.

Маҳаллий бюджетлар даромадлари ҳамда уларнинг шаклланиши бўйича куйидаги хулосалар килинди:

Маҳаллий ҳудуд иқтисодиётининг қарор топиши ва унинг молиявий мустақилликка эга бўлиши учун бюджетни мустақил шакллантириш ҳуқуқигина эмас, балки уни бошқариш ҳуқуқи ҳам зарур.

Маҳаллий бюджетларни бириктирилган ва тартибга солувчи даромадларнинг манбаи бўлмиш солиқларнинг ҳудудлар иқтисодий



салоҳиятларига боғлиқлиги давлатнинг бюджет-солиқ сиёсатидаги яхлитликни таъминлаш заруриятини асослайди;

Мамлакатимиз бюджет амалиётида маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлигини таъминлаш ва уларнинг ривожланиш истикболларини тахминлаштириш жараёнида ҳар қайси манбанинг алоҳида роли ҳамда қатъийлигига эътибор бериш маҳаллий бюджетларни тартибга солиш давлат сиёсатида муҳим жиҳат ҳисобланади;

маҳаллий бюджетларнинг самарали ижросини таъминлаш ҳамда ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиёти барқарорлигига эришиш учун давлатнинг бюджет-солиқ сиёсатида барча ҳудудларнинг мавжуд муаммоларини муваффақиятли ҳал этишга имкон берувчи жиҳатларини кучайтириш лозим.

### **3.5. Ҳудудларнинг бюджет ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш**

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида алоҳида олинган мамлакатнинг фақат умумий ҳолдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши алоҳида аҳамият касб этиб қолмасдан, балки ҳар бир мамлакат алоҳида-алоҳида олинган ҳудудларнинг ҳам ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, бошқа шароитлар тенг бўлган пайтда, алоҳида олинган ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг йиғиндисидан ташқил топади. Шунинг учун мамлакат миқёсида ижтимоий-иқтисодий сиёсат ишлаб чиқиладиган ва ҳаётга татбиқ этиладиган бир пайтда алоҳида олинган ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари, албатта, инобатга олинади. Акс ҳолда, буни ҳисобга олмасдан ишлаб чиқилган ижтимоий-иқтисодий сиёсат ҳаётга татбиқ этилганда ўзининг кўзда тутилган самарасини бермаслиги, шубҳасиздир.

Албатта, алоҳида олинган ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш жуда кўп омилларга боғлиқдир. Ҳудудларнинг

иқтисодий географик ўрни, ихтисослашганлиги, ишлаб чиқариш салоҳияти, малакали кадрлар билан таъминланганлик даражаси, ижтимоий инфратузилманинг аҳволи ва ҳоказолар ана шулар жумласидандир. Бирок исталган бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда яна бир омил мавжудки, унинг ўрни алоҳида эътиборга лойиқдир. Бу ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини молиявий жиҳатдан таъминланганлигидир.

Ҳақиқатдан ҳам бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини молиясиз тасаввур этиб бўлмайди. Кўп жиҳатдан ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш, унда мавжуд бўлган муаммоларни ҳал этиш, унинг ривожланиш суръатларини белгилаш шу ҳудуднинг молиявий ресурслар билан таъминланганлигига боғлиқдир. Бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, агар алоҳида олинган ҳудуд молиявий ресурслар билан яхши таъминланган бўлса, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражаси шунча яхши бўлиши мумкин ва аксинча. Шунингдек, ҳудуд доирасида кучли ижтимоий сиёсатнинг юргизилиши ва уни муваффақиятли амалга ошириш ҳам шу ҳудуднинг молиявий ресурслар билан таъминланганлик даражасига боғлиқ.

Бу жараёнда молиянинг роли бюджетдан сарфланган харажатларнинг самарадорлиги билан ҳам белгиланади. Бошқача айтганда, гап бу ўринда бюджет маблағларининг қай даражада мақсадга мувофиқ сарфланганлиги ва улар сарфланаётган пайтда уларнинг қайтими масаласи қай даражада инobatга олинганлиги хусусида кетаяпти.

Ўзбекистон Республикасида ҳудудий тараккиёт муаммолари ҳозирги кундаги энг долзарб масалалардан биридир. Унинг марказида маҳаллий бюджетнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бажарилиши ётади. 1997 йилдан амалга оширилаётган ҳудудий сиёсат концепциясига асосан бюджетлар ўртасида маблағларни тақсимлашнинг узоқ муддатли ягона нормативларга асосланиши лозимлиги таъқидланган.

Фикримизча барча ҳудудлар учун умумий мезонни ишлаб чиқиш зарурдирки, унга кўра табақалашган нормативларнинг ягона услубиёти асосида бюджет тизими ичида бюджет маблағларини қайта тақсимлаш жараёни амалга оширилади.

Бундай мезонлар сифатида, ҳудудда яратилаётган қўшилган қиймат сўммасини еки ҳудуд ялпи ички маҳсулоти сўммасини мазкур ҳудудда яшовчи аҳоли сонига тақсимлаш орқали аниқланадиган кўрсаткичдан фойдаланиш ва уни республика бўйича ўртача даража билан таққослаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда шунини эътибордан четда қолдирмаслик керакки, бундай қайта тақсимлаш жараёни кўрсаткичи юқори бўлган ҳудудларни камситмаслиги ва уларда бошқаларга нисбатан маълум рағбатлар тизими бўлишини кафолатлаши лозим.

Шундай қилиб, юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда таъкидлаш мумкинки, бюджет ислоҳоти қуйидаги муаммоларни ҳал этишга қаратилмоғи лозим:

✓ бюджет масалаларини ҳал қилишнинг номарказлашуви (эркинлаштирилиши) га;

✓ бюджет тизимининг роли, аҳамияти ва қурилиш тамойилларининг аҳамияти янада ортишига;

5. ҳудудий муаммоларни ҳал этиш ва давлат манфаатларининг муофиқлигини таъминловчи бюджет механизмини шакллантиришга;

6. бюджетнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларни бажарилишини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий меъёрий асосларини яратиш ва янада ривожлантиришга ва хоказо.

Умуман, қилинган таҳлил натижаларини умумлаштириш асосида Ўзбекистон Республикасида маҳаллий бюджетнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бажарилишида маҳаллий бюджет салоҳиятини ошириш ва улар зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш имкониятларини ёритиш мумкин.

Ушбу масала юзасидан таклифлар тизимини шартли тарзда уч йўналишга бўлиш мумкин:

➤ Маҳаллий (худудий, муниципал) мулкни шакллантириш ва уни бошқаришнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш;

➤ Маҳаллий бюджетлар салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида солиқ тизимини такомиллаштириш;

➤ Маҳаллий бюджет ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бажарилиши механизмини такомиллаштириш.

Маҳаллий (муниципал) мулкни шакллантириш юзасидан таклифлар куйидаги тадбирларни ўз ичига олмоғи лозим: маҳаллий (муниципал) ер ва кучмас мулк объектларини қонуний мустаҳкамлаш; мазкур мулк шаклидан ҳамда унинг объектлари (ер, кучмас мулк) дан фойдаланиш, эгалик қилиш ҳуқуқи ва тартибларини рўйхатга олишнинг давлат тизимини яратиш; хусусийлаштиришнинг маҳаллий иқтисодиёт салоҳияти нуқтаи назаридан тамойилларини такомиллаштириш; ер, кўчмас мулк объектларини молиявий баҳолаш услубиёти ва амалиетини такомиллаштириш (ер кадастри ташкилоти фаолиятини такомиллаштириш ва камчиликларини бартараф этиш); ипотека кредити ва унинг худудий муаммоларини ҳал этиш, худудий инфратузилма тараққиётидаги ролини ошириш; омавий савдолар тизимини шакллантириш ва бошқалар.

Маҳаллий бюджет ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бажарилишини такомиллаштириш мақсадида солиқ тизимини ислоҳ қилиш юзасидан таклифлар солиқларнинг икки гуруҳини фарқлаш лозимлигига асосланади:

✓ тегишли бюджет бўғинига бириктирилган солиқлар ёки барча бошқариш органлари молиявий мустақиллигини жумладан, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тизимини таъминловчи бюджет квоталари.

✓ маҳаллий бюджетнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бажарилишини тартибга солиш мақсадларида қайта таксимлаш учун фойдаланиладиган солиқлар.

Маҳаллий бюджетлар салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида қонуний тарзда нафақат маҳаллий солиқлар ва тўловларнинг таркибини аниқ белгилаб қўйиш, балки республика аҳамиятидаги давлат солиқларининг маҳаллий бюджетлар даромадларидаги улушлари динамикасини таҳлил қилиш ва янада такомиллаштириш ҳам зарурдир. Ушбу стратегик мақсадга эришиш юзасидан солиқ тизимини такомиллаштиришнинг қуйидаги икки муҳим вазифасининг бажарилишига эришиш керак:

- солиқ тизими жойларда ўз маҳаллий бюджетларнинг ўз солиқ базалари такомиллашувини ва мустаҳкамлашувини рағбатлантириш лозим;

-маҳаллий бюджетлар даромадлари умумий ҳажмида тартибга солувчи солиқлардан тушумларни ҳам қўшганда ўз даромадлари билан таъминланиши даражасини кўтариш лозим.

#### **Назорат саволлари**

- 1.Маҳаллий бюджетларнинг зарурлиги, иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.
- 2.Худудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётида маҳаллий бюджетларнинг роли.
- 3.Маҳаллий бюджетлар, уларнинг бюджет тизимидаги ўрни ва турлари.
- 4.Маҳаллий бюджетлар тизими ва унинг бўғинларига тавсиф.
- 5.Маҳаллий бюджетлар турли бўғинлари фаолиятининг ташқилий иқтисодий, ҳуқуқий асослари.
- 6.Маҳаллий бюджетлар тизими тараққиётининг қонуниятлари ва ҳозирги замон муаммолари.
- 7.Маҳаллий бюджетлар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг моҳияти ва тавсифи.
- 8.Бириктирилган даромадларнинг моҳияти ва таркиби.
- 9.Маҳаллий бюджетларнинг тартибга солувчи даромадларининг моҳияти ва таркиби.
- 10.Тартибга солувчи даромадларнинг туркумланиши, уларни ҳисоблаш ва бюджетга ўтказилиш тартиби.

#### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси:Ўзбекистон нашриёти,1992.46 б.  
Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни. -Т.: 2000, 14 декабр

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонуни. 26.08.2004.

Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида.- Т.: Ўзбекистон, 2005.

“2005 йилда давлат бюджетининг ижросини, харажатларни тўлиқ ва узлуксиз молиялаштиришни таъминлаш, маблағларни кўзланган мақсадларга сарфланиши устидан назоратни кучайтириш тўғрисида”ги ЎзР Молия вазирлигининг 3-сон Буйруғи, 12 январ 2005.

Поляк Г.Б. Бюджетная система РФ. - М.: Финансы и статистика, 2004.

Романовский В.М. Бюджетная система РФ. - М.: ЮНИТИ, 2005.

[www.minfin.ru](http://www.minfin.ru)

[www.mf.uz](http://www.mf.uz)

[www.budget.ru](http://www.budget.ru)

Код поляизменен

Код поляизменен

Отформатировано: узбекский (кириллица)

Код поляизменен

## **4-606. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИ АМАЛИЁТИДА ҒАЗНАЧИЛИКНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ**

- 4.1. Ўзбекистон Республикасининг бюджет жараёни ва унинг босқичлари.
- 4.2. Бюджет ижросининг халқаро тажрибалари.
- 4.3. Бюджет жараёнида ғазначилик тизимини жорий этишнинг моҳияти ва зарурлиги.
- 4.4. Ғазначиликнинг функциялари ва вазифалари.
- 4.5. Ғазначиликнинг маҳаллий бюджетларда фаолият кўрсатишининг ҳуқуқий-меъёрий базаси.

### **4.1. Ўзбекистон Республикасининг бюджет жараёни ва унинг босқичлари**

⊕ Мамлакатда ҳар йили амалга ошириладиган бюджет жараёни асосан куйидаги босқичлардан ташкил топган: давлат бюджетининг лойиҳасини тайёрлаш; бюджет лойиҳасини кўриб чиқиш; лойиҳани қабул қилиш; қабул қилинган лойиҳа бўйича бюджет ижросини амалга ошириш; бюджет ижроси тўғрисида ҳисобот тайёрлаш ва уни тасдиқлаш.

Формат: С список

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги келгуси йилга мўлжалланган давлат бюджети лойиҳасини тайёрлайди ва жорий йилнинг 15 сентябридан кечиктирмай Вазирлар Маҳкамасига тақдим этадилар. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги давлат бюджети лойиҳасини бюджет маблағлари олувчилар тақдим этган буюртмаларга ва бюджет тузилмасига кирувчи бюджетлар лойиҳаларига мувофиқ тайёрлайди. Молия вазирлиги бюджет лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида куйидаги маълумотлардан фойдаланади:

⊕ Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўтган йилги якунлари ва мамлакатнинг жорий йилги якунлари башорати.

Формат: С список

⊕ Ўтган йилги давлат бюджети тўғрисидаги ҳисобот ва жорий йилдаги кутилаётган ижросининг баҳоси.

✚ Келгуси йил бюджет лойиҳасини тузишда асос бўлган келгуси йилнинг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари.

✚ Бюджет-солиқ сиёсатининг келгуси йилги йўналишлари лойиҳаси ва унга шарҳлар.

✚ Давлат ички ва ташқи қарзлари ва улар бўйича харажатлар ҳолати тўғрисида маълумот.

✚ Келгуси молия йилига мўлжалланган бюджет лойиҳаси.

Бюджетнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг 15 октябридан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилади. Бюджет жараёни босқичининг кейингиси бюджетни қабул қилишдир. У Олий Мажлис томонидан қабул қилинади. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари давлат бюджети қабул қилингандан кейинги икки ҳафта ичида тегишли ҳокимият органлари томонидан қабул қилинади, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар таркибига кирувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ундан кейинги бир ҳафта муддат ичида туман ва шаҳар вакиллик органлари томонидан қабул қилинади, шаҳарлар таркибига кирувчи туманлар эса белгиланган тартибда маҳаллий ҳокимият юқори турувчи вакиллик органлари томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари даромад ва харажатларини, уларга республика бюджетидан ажратиладиган субвенциялар миқдори ва бошқа бюджет кўрсаткичларини давлат бюджети қабул қилингандан кейин уч кунлик муддатда етказишади.

Кейинги босқич бюджетни ижро этиш ва ижро юзасидан ҳисобот тузиш ҳисобланади. Давлат бюджетини ижро этиш босқичида тегишли йил бюджети даромадларини шакллантириб бориш ва унга мувофиқ равишда тегишли харажатларни амалга ошириб боришни кўзда тутади. Бюджет ижроси юзасидан тайёрланган ҳисобот тегишли сессияда кўриб чиқилади ва депутатлар томонидан тасдиқланади.



Бюджет жараёнидаги асосий босқичлардан бири бўлиб бюджет ижроси ва ижро бўйича ҳисобот тайёрлашдир. Бу босқичда бюджетнинг даромадлар ва харажатлар қисмларининг бажарилиши таъминланади. Бунга мувофиқ бюджет ижроси бюджетга тушиши кўзда тутилган даромадларнинг тўлиқ ҳажмда ва ўз вақтида тушишини ҳамда тегишли харажатларни мақсадли молиялаштиришни таъминлаш бўлиб ҳисобланади.<sup>9</sup>

Давлат бюджети ижросининг муҳим вазифаларидан бири бу бюджетнинг даромадлари бўйича солиқлар ва бошқа тўловларни тўлиқ ва ўз вақтида тушишини таъминлаш ҳамда тасдиқланган бюджет миқдорида харажат моддаларини молиялаштиришдан иборат бўлиб ҳисобланади.<sup>10</sup>

Бюджетнинг даромадлари ижроси белгиланган солиқлар ва йиғимларнинг тўлиқ ва белгиланган муддатларда узилишларсиз бюджетга туширилишини назарда тутаяди.

Бюджетни харажатлар бўйича ижро этиш белгиланган режага асосан тегишли харажатларни босқичма-босқич тўлиқ ҳажмда ва ўз вақтида асосли равишда маблағ билан таъминлашни назарда тутаяди.

Бюджетнинг ижросини амалга ошириш бюджет маблағларини тақсимловчилар бўлиб ҳисобланувчи ҳукуматнинг ижроия органлари зиммасига юклатилган. Бюджетнинг даромадлар қисми ижросини Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона Қўмитаси томонидан амалга оширилади, харажатлар қисмини амалга оширишни бевосита Молия вазирлиги ўзининг ҳудудий молия органлари билан биргаликда олиб борадилар.

Бюджетнинг даромадлар қисми ижроси қуйидагиларни назарда тутаяди:

- ☒ бюджетнинг ҳисобрақамларига даромадларни ўтказиш ва ҳисобга олиш;
- ☒ тасдиқланган бюджетга мувофиқ тартибга солувчи даромадларнинг тақсимотини амалга ошириш;
- ☒ бюджетга даромадлар бўйича ортиқча тўланган тўловларни қайтариш;

Формат: С.писок

<sup>9</sup> Финансы: учебник. -2-е изд. под ред. В.В.Ковалёва. –М.: ТК Велби, Изд-Прспект, 2004. -634с.

<sup>10</sup> М.И.Романовский Бюджетная система Российской Федерации. –М.: ЮРАЙТ, 2000.

□ бюджет даромадларини ҳисобга олиш ва ушбу даромадлар бўйича ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш.

Бюджетнинг харажатлар қисми ижроси харажат моддаларига мувофик белгиланган харажатларни қатъий тартиб асосида босқичма-босқич молиялаштиришни амалга оширишни назарда тутди.

Бюджет ижросини амалга оширишда асосий ҳужжатлардан бири бюджетнинг даромад ва харажатлари келтирилган бюджет таснифи (ропис) бўлиб, у ўзига хос тезкор режадир. Бюджет ижроси давомида агар даромадлар қисмига тушаётган тўловлар ҳажми камайса ёки бюджет дефицитини молиялаштириш манбаларидан тўловлар камайса ва бунинг натижасида тасдиқланган бюджет миқдори бажарилмаслиги содир бўлганда, харажатлар қисмини қисқартириш, яъни унга ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Бюджетдан ажратиладиган маблағларга ўзгартиришлар киритиш бир бюджет маблағлари олувчиси учун бюджет маблағларининг камайтирилиши бошқа бюджет маблағлари олувчиси учун бюджет маблағларининг тегишли равишда кўпайтирилишини назарда тутган тартибда тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмининг ўн фоизга қадари давлат бюджетида кўрсатиб ўтилган бюджет маблағлари олувчилар учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

Бюджет тизими тўғрисидаги қонуннинг асосий вазифалари қуйидагиларни белгилаб бериш бўлиб ҳисобланади:<sup>1</sup>

□ Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими тузилиши ва уни бошқариш асосларини;

□ Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини тузиш тамойиллари ва унинг тузилмасини;

□ давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш тартибини;

□ давлат бюджетининг даромадларини шакллантириш ва унинг харажатларини амалга ошириш тамойилларини;

Формат: С писок

▣ давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар ўртасида ўзаро муносабатларни;

▣ давлат бюджети маблағлари билан операцияларни амалга ошириш жараёнида ҳисобга олиш, ҳисобот ва назорат қилиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг ушбу қонуни ўзида бюджет жараёнининг барча босқичларини қамраб олган бўлиб, бюджет билан боғлиқ барча операциялар ушбу қонунга асосан, унда кўрсатилган тартибларда амалга оширилади, шу жумладан бюджетнинг ижроси босқичи ҳам ушбу қонунда келтирилгандир. Унда бюджет ижросини амалга оширувчи органлар тўғрисида, уларнинг ваколатлари, ижронинг тартиби батафсил ёритиб берилган ва қонуний куч билан мустаҳкамланган.

«Бюджет тизими тўғрисида»ги қонундан ташқари бюджет қонунчилигида асосий ҳужжатлардан яна бири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили қабул қилинадиган ва Олий Мажлис томонидан тасдиқланадиган «Келгуси молия йили учун давлат бюджетининг асосий макроиктисодий параметрлари», деб номланадиган қарор муҳим аҳамиятга эга. Бу қарорда республиканинг янги молия йили учун давлат бюджетининг қуйидаги асосий кўрсаткичлари тўғрисида маълумотлар берилади:

▣ давлат бюджетининг даромадлари (сўммалари келтирилган ҳолда);

▣ давлат бюджетининг харажатлари таснифи;

▣ давлатнинг мақсадли фондларининг даромадлари ва харажатлари таснифи;

▣ вилоятлар бюджетларининг даромадлари ва харажатлари;

▣ вилоятлар бюджетларига харажатларини баланслаштириш учун ажратиладиган маблағларнинг сўммаси;

▣ солиқларнинг турларида содир бўлган ўзгаришлар таснифи;

▣ давлат бюджетининг дефицити ва уни молиялаштириш манбалари;

▣ вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг айланма касса маблағлари миқдори ва бошқа асосий маълумотлар келтирилади. Ушбу қарордаги барча даромад ва харажатлар миқдорлари параметр сифатида қабул қилинади ва йил

Формат: С список

давомида шу параметрларга асосан ижро амалга оширилади. Молия йили якунидаги ҳақиқий ижро тўғрисидаги ҳисобот кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Ушбу юқорида келтирилган маълумотлар қарорнинг иловаларида тартиб билан келтирилади. Бюджетни ижро этиш жараёнини янада такомиллаштириш мақсадида олиб борилаётган тадбирларнинг натижаларидан бири сифатида 2004 йил 26 августда қабул қилинган «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонуни республика қонунчилигида амалга оширилган ката ўзгаришлардан бири бўлди ва ушбу қонунни 2006 йил 1 январдан амалга киритиш режалаштирилган. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида фойдаланиладиган бюджет ижросининг ушбу йўли эндиликда ўзимизга мос бўлган ҳолда амалиётимизга киритилиши кутилмоқда. Шу йилда ҳам тажриба сифатида ушбу тизимни қўллаш амалга оширилмоқда. Ушбу қонунда ғазна ижросининг моҳияти очиб берилган, ғазначиликнинг асосий вазифалари, унинг бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро муносабатлари, маблағларни йиғиш тартиби ва харажатларни амалга ошириш тартиби, бюджет маблағларини бошқариш тартиби тўғрисида тегишли маълумотлар берилган.

#### **4.2. Бюджет ижросининг халқаро тажрибалари**

Давлат бюджетининг мамлакат ҳаётида қандай муҳим аҳамиятга эга эканлиги ва уни Ўзбекистонда қандай тартибда ижро этилишини, унинг таҳлилини юқорида батафсил кўриб чикдик. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини ижро этишни янада такомиллаштириш, оптималлаштириш, бу борадаги сезиларли камчиликлар ва долзарб муаммоларни ҳал этиш учун ривожланган хорижий давлатларнинг бюджет тизимини, бюджетини ижро этиш тартибини, уларнинг бюджет амалиётида юзага келган муаммолари ва бу муаммоларни улар қайси йўллар билан ечганлигини ўрганиш ва булар натижасида тўпланган тажрибаларни амалиётимизда қўллаш албатта ижобий натижалар беради ва бюджет тизимининг янада яхшиланишига замин яратади. Ривожланган хориж давлатларидан ушбу тадқиқот ишимизда Америка Қўшма

Штатлари ва Россия Федерацияси бюджет тизими ва бюджет ижросига батафсил тўхталиб ўтамиз.

Америка Қўшма Штатларининг бюджет тизими ва назар соладиган бўлсак, ушбу давлатда бюджет жараёни бир асосий босқичларни назарда тутати ва молия йили бошлангунга қадар 18 ой олдин бюджет жараёни бошланади (АҚШда молия йили 1 октябрдан бошланади). Жорий йилнинг апрел ойида Президент маъмурий-бюджет бошқармаси федерал бошқармалар ва вазирликларга келгуси йил бюджетини тайёрлаш учун фойдаланиладиган дастурлар ва кўрсаткичларни тайёрлаш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқади.

Жорий йилнинг 1 сентябрига федерал бошқармалар ва вазирликлар ўзларининг дастурлар лойиҳасини тайёрлайдилар ва тайёр дастурларни Президент маъмурий-бюджет бошқармасига тақдим қилади. Агар бу дастурлар бўйича Президент бошқармаси камчиликлар топса ёки номутаносиблик келиб чиқса, ушбу дастур яна кўриб чиқиш учун федерал бошқармалар ва вазирликларга қайтарилади. Ҳар бир бошқарма ва вазирлик бўйича харажатлар ҳисоби дастурлар бўйича алоҳида кўринишда ҳисоб-китоби башорат йили учун ва келгуси 5 йил учун амалга оширилади. Жорий йилнинг декабрь ойига келиб Президент маъмурий-бюджет бошқармаси доирасида бюджет лойиҳасини тайёрлаш якунланади ва якунланган лойиҳа Президентга тақдим қилинади.

Келгуси йилнинг февраль ойига келиб Президент якунланган бюджет лойиҳасини Конгрессга тақдим қилади ва бу лойиҳа Президентнинг бюджет лойиҳаси деб юритилади. Конгресснинг юқори ва қуйи палаталари бўлак равишда бюджет лойиҳаси бўйича резолюциялар тайёрлайди ва алоҳида-алоҳида ташқил этилган йиқилишларда уни қабул қилади. Резолюция лойиҳаси бўйича келишмовчилик ҳолатлари юзага келган вақтда ушбу ҳолат мувофиқлаштирувчи комиссия орқали тўғирланади. Резолюциялар қабул қилинган иккала палаталарнинг бюджет бўйича комитетлари Конгресснинг аъзоларига қабул қилинган резолюцияларга мувофиқ бюджет лойиҳасига киритилиши лозим бўлган ўзгартиришлар тўғрисида маълумот беради.

Бюджет харажатлари бўйича қонун лойиҳалари ажратмалар билан шуғулланувчи кўмиталарда Президент томонидан тақдим қилинган бюджет лойиҳаси ва юқори ва қуйи палаталар томонидан қабул қилинган резолюцияларга асосланган ҳолда тайёрланади. Тайёрланган лойиҳалар эса ҳар бир палатада овозга қўйилади ва қўшма йиғилишларда бир-бирига мувофиқлаштирилади. Бундан сўнг бюджет лойиҳасининг тўлиқ жамланмаси қайта овозга қўйилади ва кейин 15 апрелгача ушбу жамланма бюджет Президентга имзолаш учун юборилади.

Агар Президент ушбу лойиҳага ўзининг асосли эътирозини билдирса, ушбу эътирозни ҳар бир палатада ўтказилган овоз беришдаги 2/3 қисм ижобий овоз мавжуд бўлган ҳолатда бартараф этиш мумкин. Акс ҳолда Президент ушбу лойиҳани имзолаши учун лойиҳага зарур бўлган ўзгартиришларни киритишга, яъни юқоридаги кўриб чиқиш ва тасдиқлаш жараёнларини қайта амалга оширишга тўғри келади.

Бюджет тасдиқлангандан кейин Президент маъмурий-бюджет Бошқармаси бюджетни чорақлар бўйича тақсимотини амалга оширади (ушбу тақсимот қонунчилик даражасида тасдиқланмайди) ва асосий кўрсаткичларни ғазначиликка етказиши.

1 апрелгача Президент маъмурий-бюджет бошқармаси ўзининг буйруқлари орқали федерал бошқармалар ва вазирликларга ажратилган бюджет маблағларнинг ҳажми тўғрисидаги маълумотларни етказишади. Федерал органлар (Мудофаа вазирлиги ва Давлат Департаментидан ташқари) ўзларининг бюджет ҳисобрақамларига эга эмаслар ва уларнинг бюджет харажатлари ғазначилик ҳисобрақамлари орқали амалга оширилади.

Америка Қўшма Штатларида юқорида айтиб ўтганимиздек бюджет ижроси ғазначилик орқали амалга оширилади. Давлат бюджетининг барча маблағлари Федерал Захира Тизимининг Нью-Йоркда жойлашган Нью-Йорк банкининг асосий ҳисобрақамида сақланади. Федерал Захира тизими ва тижорат банклари тизими Ҳукуматнинг агентлари бўлиб ҳисобландилар ва бюджет маблағлари билан боғлиқ ҳеч қандай мустақил қарорлар, операциялар амалга оширишга

ҳаққи йўқ бўлиб ҳисобланади ва фақатгина §азначиликнинг кўрсатмасига биноан операцияларни амалга оширадилар. Федерал Захира тизимининг ваколатлари қонунчилик билан аниқ қилиб белгилаб қўйилган ва бошқа тижорат банклари эса бюджет маблағлари билан боқлиқ операцияларда Федерал Захира Тизими билан келишувга асосан қатнашадилар.

Бюджетнинг даромадлари ижросида барча даромадлар бутун мамлакат бўйлаб фаолият юритаётган 10000 дан ортиқ банклар орқали йиғилади ва Федерал Захира тизимининг 12 та банкида ҳар куни жамланади. Иш куни охирида белгиланган диаграмма бўйича ишлатилмаган бюджет маблағларининг қолдиқлари 12 та банк томонидан Федерал Захира тизимининг Нью-Йорк банкидаги бош ҳисобрақамга ўтказилади. Банк муассасалари ўзларининг мулкчилик шаклларида қатъий назар бюджет маблағларининг умумий қолдиқлари бўйича жами 60 млрд. доллар миқдорида маблағларга эга бўлишади (жами банклардаги қолдиқ маблағлар йиғиндиси) ва ушбу банкдаги маблағлар «ёстиқча» деб номланади. Ушбу банкларда бюджетнинг қолдиқ маблағларини сақлаш учун ушбу банклар Федерал Захира тизимида депозит ҳажмига тенг келувчи сўммада давлат қимматли қоғозларини кафилликка қўйилгандан кейин амалга оширилиши мумкин.

Бюджетнинг харажатлар ижросини амалга ошириш ўзига хос хусусиятларга эга. Федерал бюджетнинг харажатлари икки қисмдан иборат:

□ дискрецион харажатлар - харажатлар ҳар йили бюджетдан маблағларни харажат қилиш бўйича қабул қилинадиган 13 та қонун асосида амалга оширилади. Ҳозирги вақтда харажатларнинг ушбу қисми учун давлат қарзининг лимитлари (чекловлар) тарқатилади.

□ амалга оширилиши шарт бўлган харажатлар (доимий) – ушбу харажатлар доимий бўлиб ҳисобланади ва улар ҳеч бир чекловларсиз ижро этилади. Ушбу харажатларга пенсия таъминоти бўйича тўловлар, ижтимоий суғурта бўйича тўловлар, давлат қарзига хизмат кўрсатиш харажатлари ва ҳк. ларни киритилади.

Формат: Список

Бюджетни ижро этиш давомида харажатларни амалга ошириш бта касса ҳисоб-китоб марказларидан «чек»лар бериш орқали амалга оширилади. Ушбу чеклар кредит муассасаларига<sup>1</sup> (шу жумладан банк муассасаларига) юборилади ва у ерда зарур тўловлар амалга оширилади. Тўловларни рўйхатга олиш Федерал Захира тизимининг 12 та банкида амалга оширилади. Хужжатларнинг тўғри тўлдирилганлигига, хатосизлигини банк муассасалари текширишади. Ҳеч қандай ҳато топилмагач чеклар бўйича тўловлар амалга оширилади ва бюджетнинг ғазначиликнинг ҳисобрақамидаги маблағлари дебетланади, агар ҳато топилса банк муассасалари тегишли ғазначилик органлари билан маслаҳатлашадилар.

Давлат бюджетидаги дефицит фақат давлат қимматли қоғозларини чиқариш ва жойлаштириш орқали копланди. Харажатлар қатъий равишда фақатгина бошқармалар ва вазирликларнинг сўровларига асосан чораклик тақсимотга мос келган ҳолда ва ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар миқдорига қараб (даромадлар тушумидан қатъий назар) молиялаштирилади. Йўнғилган бюджет даромадлари ҳажмига қараб давлат қимматли қоғозларини муомалага чиқариш ва жойлаштириш режаси аниқланади. Энг охириги маблағлар етишмаётган тифиз вақтда мавжуд 60 млрд. долл. ҳажмдаги ресурс тугатилган ҳолда навбатдан ташқари равишда давлат қарз мажбуриятларини (Хазина мажбуриятлари) муомалага чиқариш кўзда тутилган.

Жорий молия йили давомида бюджетнинг харажатлари бўйича тегишли ўзгартиришлар ва тузатишлар куйидагича амалга оширилади:

□ битта агентлик ичида бир дастурдаги маблағларни бошқа дастурга ўтказиш (сметадаги моддалар бўйича) ушбу агентлик томонидан мустақил амалга оширилади. Бунда асосий шарт ўтказилаётган маблағ сўммаси жами ушбу дастурга ажратилган маблағларнинг 10 %идан ошиб кетмаслиги лозим.

□ агар ўтказилаётган маблағлар миқдори 10 %дан ошиб кетса, у ҳолда манфаатдор агентлик рухсат олиш учун Конгресснинг ажратмалар бўйича қўмитасига мурожаат қилишлари лозим.

Формат: С список



⊖ агентлик бўйича умумий харажатларнинг кўшимча ошириши (Президент таклифига биноан) фақатгина махсус қабул қилинган қонун асосида амалга оширилади.

⊖ агентлик бўйича умумий харажатларининг камайгирилиши (бирор дастур бўйича) фақат Конгресснинг қарорига кўра ёки Президентнинг бюджетнинг маълум бир харажатлар қаторига (моддасига) қаршилик билдириши орқали амалга оширилиши мумкин. Юқорида келтириб ўтилган харажатлардаги ўзгаришларни амалга ошириш фақатгина дискрецион харажатларга тегишли бўлиб ҳисобланади.

Амалга оширилиши шарт бўлган харажатлар ҳақиқий амалга оширилади ва ундаги кўзда тутилмаган харажатларни амалга ошириш алоҳида қонуний ёки бошқа қарорларни талаб қилмайди.

АҚШда бюджетнинг шаклланиши ва унинг ижросида Конгресснинг Бюджет Бюроси муҳим аҳамият касб этади. Конгресснинг Бюджет Бюроси келгуси йилга бюджетни шакллантиришни амалга оширади ва 2 ва 10 йилга иқтисодий башоратни тайёрлайди, шу билан бирга Конгрессга тегишли ёрдамлар кўрсатади. КББ қуйидаги таҳлилларни амалга оширади:

⊖ бюджет дефицитини камайтиришнинг йўналишларини излаб туриш;  
⊖ Президент бюджети лойиҳасининг қийматини баҳолаш;  
⊖ келгуси қонунларнинг ва лойиҳаларнинг қийматини ҳисоблаш;  
⊖ агентликлар бўйича харажатлар ҳисобини юритиш;  
⊖ штатлар бўйича харажатлар ҳисобини олиб бориш;  
⊖ бюджет соҳасидаги сиёсатнинг узоқ муддатли таҳлилин амалга оширади ва бу сиёсатнинг мамлакат иқтисодиётига қандай таъсир этишини таҳлил қилади.

Бюджет ижросини амалга оширишни Газначилик Федерал Захира тизими билан биргаликда амалга оширади. Федерал Захира тизими Газначиликнинг кўрсатмасига биноан ҳукумат агенти сифатида 2 та функцияни бажаради:

⊖ АҚШ бюджети даромадлари ва харажатлари бўйича ҳисоб-қасса операцияларини амалга оширади;

Формат: Список

Формат: Список

□ АҚШ ҳукумати Хазина мажбуриятларини жойлаштириш ва унга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширади.

#### **4.3. Бюджет жараёнида ғазначилик тизимини жорий этишнинг моҳияти ва зарурлиги**

Бюджетнинг ижроси бюджет жараёнидаги асосий босқичлардан бири ҳисобланадики, бунда белгиланган истиқбол кўрсаткичлари, аниқ режалар ва турли муддатли дастурлар амалиётга татбиқ этилади. Бюджетнинг ижроси - бюджетнинг барча даромадларини тўлиқ ва ўз вақтида тушишини ҳамда барча режалаштирилган бюджет харажатларини молиялаштиришнинг таъминланиши кўзда тутилади.

Бюджетнинг даромад қисмини ижро этиш юридик ва жисмоний шахслардан солиқ ва солиқдан ташқари тўловларни ундириш ҳисобига амалга оширилади. Бунда юридик ва жисмоний шахслар тегишли тўловларни қонунда белгиланган муддатлар ва тартибларда мустақил равишда ҳисоблайдилар ва бюджетга тўлайдилар.

Бюджетнинг кассали ижроси деганда ҳар бир бюджетнинг даромадлари мазкур бюджетни ижро этувчи тегишли кассада жамғарилиши тушунилади. Шунингдек, ушбу бюджетдан маблағ билан таъминланувчи барча ташкилотларга пул маблағлари ушбу касса орқали ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов 2003 йил иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари бўйича маърузасида «Солиқ-бюджет соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш, давлат харажатларни сарфлаш механизмини мақбуллаштирган ҳолда уларни қисқартириш лозим бўлади»,<sup>1</sup> - деб тўхталиб ўтган.

Давлат бюджети ижросининг янги механизмини амалиётга киритиш бугунги кунда бюджет ислохотларининг йирик йўналишларидан биридир.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг маърузаси. «Ишонч» газетаси 19.02.2003.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бюджетнинг кассали ижроси уч усул билан – аралаш, ғазначилик ва банк орқали амалга оширилади. Бюджет ижросидаги банк тизимида мамлакатнинг марказий эмиссия банки орқали амалга оширилади. Ғазначилик тизимида давлат ғазнаси даромадларини қабул қилади, харажатларни амалга оширади ва қолган маблағлар унинг махсус ҳисобрақамида қолади.

«Ғазначилик органи – консолидациялашган бюджетни касса ижроси учун, давлат даромадлари ва харажатлари ҳисоби олиб борилиши учун, давлат харажатларига молиявий ресурсларни етарли бўлишини таъминлаш учун масъул бўлган Молия вазирлигининг таркибий бўлимидир».<sup>1</sup>

Ҳар бир манбалар бўйича даромадларини ўз вақтида ва тўлиқ тушишини ва жорий йил учун тасдиқланган бюджет миқдори доирасида барча тўловларни ҳамда тасдиқланган бюджет маблағларини тўғри ва асосли тақсимлаш бюджет ижросининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Бюджет маблағларининг асосий тақсимловчилари, бюджет маблағларини тақсимловчилари, бюджет ташкилотлари, бюджет маблағи олувчилари, шунингдек, молия ва банк муассасалари бюджет ижроси жараёнининг катнашчилари ҳисобланади. Давлат бюджети ижросига боғлиқ ҳисоб-касса операцияларини ташкил қилиш ва амалга ошириш давлат бюджетининг кассали ижроси деб айгилади.

Ғазначилик тизимида бюджет ижроси куйидаги тамойилларига асосланади: касса ягоналиги, шахсий ҳисобрақамлар бўйича молиялаштиришнинг ҳисобини юритиш, бюджет тиниқлиги, бюджет мажбуриятларининг лимити, шартномаларини рўйхатга олиш ва тендор танлови ва конкурслар ўтказилишидир.

Давлат бюджети даромадлари ижросининг ҳисоботи ва ташкилотларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш ягоналиги, давлат бюджети ғазначилик ижросининг асосий тамойилларидан ҳамда ғазначилик органларига юклатилган асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Бунда давлат бюджетининг ҳисобини

---

<sup>1</sup> Йўлдошев М., Турсунов И. Молия ҳуқуқи. Т.: Мехнат 1999.

юритиш, ҳамда давлат бюджети ягона ғазначилик ижроси бухгалтерия ҳисобини юритиш план счётларини юритишга мос келади ва ҳисоботларни жамлашни анча енгиллаштиради.

Ғазначилик тизимида давлат бюджети харажатларининг биринчи даражали харажатларини ўз вақтида тўланишини ва кассали узилишлар ҳолатларини олдини олиш, ва марказлашган тарзда турли даражадаги бюджетларнинг даромадларини бошқариш механизмини жорий қилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги 2004 йил 29 октябрда қабул қилинган Қонуннинг мақсади, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларини бошқариш муносабатларини ғазначилик тизими билан тартибга солишдан иборат.

Мазкур қонунда кўрсатилишича, «Давлат бюджетининг ғазна ижроси давлат бюджетининг барча даромадларини ягона ғазна ҳисобрақамига киритишдан, шунингдек давлат бюджетининг харажатларини шу ҳисобрақамдан тўлашдан иборат». Давлат бюджети ғазна ижросининг асосий тамойиллари – кассанинг ягоналиги ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишнинг ягоналигидан иборат.

Бюджетни ғазначилик тизими билан ижро этишнинг қўйдаги ижобий томонлари мавжуд:

қисқа фурсатларда давлатнинг молиявий ресурсларининг реал ҳажмини ва унинг истиқбол кўрсаткичларини аниқлаш;

давлат молиясининг ҳолати тўғрисидаги тезкор ахборотларни йиғиш ва таҳлил қилиш;

давлат бюджетининг ҳам даромадлари, ҳам харажатлари қисмини кассали ижросининг ҳар кунги деталлаштирилган мониторингини ўтказиш;

тасдиқланган бюджет маблағлари доирасида бюджет ташкилотларини товарлар ва хизматлар етказиб берувчилар олдида мажбуриятлар қабул қилиш босқичида дастлабки назорат қилиш;

молия органлари томонидан бюджет харажатларини ўз вақтида ва адресли молиялаштириш билан бюджет маблағларини бош тақсимловчи томонидан суъистемол қилишни ва нотўғри ишлатишнинг олдини олиш мақсадида жорий назорат қилиш;

бюджет ташкилотлари мажбуриятларини олгандан кейин пул маблағларини ғазначилик ҳисобрақамидан тўғридан-тўғри таъминотчиларнинг ҳисобрақамига ўтказиш натижасида пул оқимлари ҳаракати бўйича жараёнларни қисқартириш;

ғазначилик тизимининг бир поғонасидан иккинчи поғонасига пул маблағларини ўтказишни соддалаштириш натижасида ғазначилик тизимидаги бюджет маблағларини тезкор ишлатиш мумкин.

#### **4.4. Ғазначиликнинг функциялари ва вазифалари**

Ғазначиликни жорий этиш давлат маблағларини бошқариш тизимининг самарадорлигини оширишга имкон яратади. Ғазначилик органлари қуйидаги вазифаларини бажаради:

давлат бюджетининг кассали ижросини амалга ошириш;

давлатнинг молиявий активларини бошқариш;

давлат қарзларини бошқариш;

давлатнинг молиявий ресурслари ҳисоб-китобини юритиш, йиғиш, ишлаш, таҳлил қилиш тизими фаолият кўрсатишини таъминлаш;

давлат молиясининг ҳолати тўғрисида доимий равишда ҳисоботларини тайёрлаш ва тақдим қилиш;

молиявий назоратнинг қоидаларини ва механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга киритиш;

давлат молияси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Молия Вазирлигига берилган ҳуқуқ доирасида бюджет ташкилотларининг молиявий фаолияти назоратини амалга ошириш;

Ғазначилик ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ кўйидаги функцияларни бажаради:

Миллий ва чет эл валютасидаги давлатнинг молиявий ресурсларини тўплаш, давлат бюджети тушумлари ва харажатлари ҳажмининг қисқа муддатли башоратларини ишлаб чиқади.

Сертификат бериш асосида республика ва маҳаллий бюджет маблағларини, шунингдек, давлатнинг мақсадли жамғармалари маблағларини сарфлашни амалга оширади.

Давлатнинг пул оқимларини кириш, чиқиш ва қолдиғини бошқариш, ғазначиликни ягона ҳисобрақамидаги маблағларни самарали ишлатишни амалга оширади.

Давлат бюджети бўйича ғазначиликнинг йиллик ва ойлик ҳисоботини тайёрлайди ва нашр қилади, ғазначиликнинг меъёрий ҳужжатларини тасдиқлайди ва уни ижрочиларга етказди.

Молия вазирлигининг топшириғига биноан давлат ички ва ташқи, қисқа ва узоқ муддатли маблағларни жалб этади.

Ғазначилик юридик шахс мақомига эга бўлган Молия Вазирлигига бўйсунадиган давлат органи ҳисобланади. Ғазначиликнинг Қорақалпоғистон Республикаси Ғазначилик Бошқармаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар Бошқармаси, шаҳар ва туманларда ғазначилик бўлимларидан иборат. Ғазначиликка Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланган Давлат Ғазначиси раҳбарлик қилади. Ғазначиликнинг ҳудудий органлари ҳуқуқий шахс мақомига эга эмас. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг буйруғига мувофиқ Ғазначиликнинг ҳудудий органлари тузилади ва тугатилади. Ғазначилик органларининг харажатларини молиялаштириш республика бюджетидан амалга оширилади.

## 1-чизма. Ғазначилик органлари қуйидаги функцияларни бажаради

<p style="text-align: center;">Марказлашган ғазначилик:</p> <p>Ғазначиликнинг бош китобини юритади. Бюджетга тушган тушумларни бошқаради. Харажатларни молиялаштиришга рухсат беради. Бюджет ташкилотлари мажбуриятларини бошқаради. Нақд пулларни бошқаради. Тўловларни бошқаради. Давлат қарзининг ҳисоб-китобини юритади. Бюджет ташкилотларининг активлари ҳисоб-китобини юритади. Молиявий ҳисоботни тайёрлайди.</p>
<p style="text-align: center;">Ғазначилик бошқармалари:</p> <p>Бюджетга тушган тушумларни бошқаради. Харажатларни молиялаштиришга Ғазначилик рухсатномаларини беради. Бюджет ташкилотларининг мажбуриятларини бошқаради. Нақд пулларни бошқаради. Тўловларни бошқаради. Бюджет ташкилотларининг активларини ҳисоб-китобини юритади. Молиявий ҳисоботни тайёрлайди.</p>
<p style="text-align: center;">Ғазначилик бўлимлари:</p> <p>Бюджетга тушган тушумларни бошқаради. Харажатларини молиялаштиришга Ғазначилик рухсатномалари берилади. Нақд пулларни бошқаради. Тўловларни бошқаради. Бюджет ташкилотларининг активларини ҳисоб-китобини юритади. Молиявий ҳисоботни тайёрлайди.</p>

Ғазначиликни жорий этиш республикамизда давлат маблағларини бошқариш тизимининг самарадорлигини оширишга имкон яратади. Ғазначилик тизиминг жорий этилиши билан Молия Вазирлиги ва молия органларининг функционал мажбуриятларида қуйидаги тақсимланиш юз беради.

Бюджет ижро этиш жараёнида функционал мажбуриятларнинг  
тақсимланиши

Бюджет жараёни босқичлари	Амалдаги бюджет тизими	Ғазначиликдаги бюджет тизими
Бюджет лойиҳасини тайёрлаш	Бюджет Бошқармаси – Худудлар молия Бошқармаси	Бюджет бошқармаси-Худудлар молия Бошқармаси
Бюджет маблағларини йиллик, чораклик лимитларининг тақсимои	Бюджет Бош Бошқармаси – Худудлар молия бошқармаси, Вазирликлар ва идоралар	Бюджет Бош Бошқармаси – Худудлар молия бошқармаси, Вазирликлар ва идоралар
Йиллик, чораклик бюджетларни аниқлаштириш	Бюджет Бош Бошқармаси - Худудлар Молия Бошқармаси	Бюджет Бош Бошқармаси - Худудлар молия бошқармаси
Кассадаги нақд пулларни бошқариш – ойлик бюджет тушумлари ва харажатларини режалаштириш	Бюджет бош Бошқармаси - Худудлар Молия бошқармасининг бухгалтерияси	Ғазначилик – республика, вилоят, туман, шаҳар бўлимлари
Касса лимитлари тўғрисида билдиришномаларни бериш	Бюджет бошқармаси сертификат беради	Ғазначилик сертификат беради
Шартнома мажбуриятларини тузиш	Бюджет ташкилоти	Бюджет ташкилоти
Кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар ва олинган товарлар тасдиғини бериш	Бюджет ташкилоти	Бюджет ташкилоти
Тўловга ҳисоб-китобни тайёрлаш	Бюджет ташкилоти	Бюджет ташкилоти
Тўлов қоғозини назорати	Тижорат банклари	Ғазначилик
Пул маблағларини ўтказиш бўйича банка тўлов қоғозини тайёрлаш	Бюджет ташкилоти	Ғазначилик
Шартнома мажбуриятларни дастлабки назорати	Молия Вазирлиги ва молия органлари	Ғазначилик органлари
Ички аудит	Назорат-текширув бошқармаси	Назорат-текширув бошқармаси
Ташқи аудит	Ҳисоб палатаси	Ҳисоб палатаси

Республикада бозор иқтисодиётининг ислохотларини чуқурлаштириш шароитида иқтисодиётнинг бошқа соҳалари каби молия тизимининг бюджет амалиётида ҳам чуқур ўзгартиришлар амалга оширилмоқда.



#### **4.5. Ғазначиликнинг маҳаллий бюджетларда фаолият кўрсатишининг ҳуқуқий-меъёрий базаси**

Давлат молия тизимида ўтказилаётган ислохотлар давлат молиясини бошқариш самарадорлигини оширишни назарда тутди.

Ғазначилик тизимини жорий қилиш бўйича «Давлат бюджетининг Ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 610-сон Қарорининг 20-бандида кўрсатилишича, «Давлат бюджети ижросининг ғазна тизимига ўтиш чора-тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Самарқанд вилоятида, жумладан, республика бюджетидан молиялаштириладиган айрим бюджет ташкилотлари иштирокида, тажриба лойиҳасини 2005 йилдан бошлаб амалга оширишга рухсат берилди». 2005 йилда Самарқанд вилоятида ғазначилик тизимини амалга оширилишини пилот лойиҳаси қабул қилинди.

Маҳаллий бюджетларни ғазначилик тизими орқали ижро этишнинг куйидаги афзалликлари аниқланади:

маҳаллий бюджет харажатлари сарфланишини самарали ва мақсадли амалга оширишда ғазначилик функциялари орқали жорий назоратни ўрнатган ҳолда, маҳаллий бошқарув органларини ва бюджет маблағларини тақсимловчиларни таъсирини камайтиради;

маҳаллий бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни сифатли ва тезкор тайёр бўлиши, шунингдек бошланғич ҳужжатлар билан ишланишини инобатга олинганда, ҳисоботларнинг ишончлилигини таъминлашга эришилади;

ҳисоботларнинг доимий ўз муддатида тақдим этиб борилиши бошқариш жараёнини тезлаштиради;

маҳаллий бюджет ижроси жараёнидаги маҳаллий бюджетнинг даромадлари ва харажатлари орасидаги вақтинчалик касса узилишларини қоплаб туриш масалалари ечилади;

бюджетда кўзда тутилган биринчи даражали харажатлар, яъни иш ҳақи, стипендия ва нафақаларни ўз вақтида молиялаштиришга ёрдам беради;

давлат бюджетини ғазначилик тизими орқали ижро этилиши, маҳаллий бюджет ижросидан ташқари, барча давлат бюджети маблағлари ғазначилик ягона ҳисобрақамига жамланган ҳолда, самарали ва мақсадли фойдаланиши ҳамда вақтинчалик эркин маблағларни хар хил депозитлар ва қимматли қоғозлар бозорида қатнашишига имкон беради.

Маҳаллий бюджетларни ғазначилик билан бошқариш, бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилишига, бажарилишини назорат қилиш, ғазначилик ҳисоб рақамидан даромад ва харажатларини касса бирлигини таъминлайди. Ғазначилик тизими харажатларини самарали ва мақсадли сарф қилинишига, амалдаги назоратнинг ташқил қилиниши, молиявий ресурсларни тўғри бошқаришга имкон яратади.

### **Таянч иборалар**

Маҳаллий бюджети, маҳаллий бюджетларнинг функциялари. маҳаллий бюджетларнинг таркиби. маҳаллий бюджетларнинг даромадлари. маҳаллий бюджетларнинг бириктирилган даромадлари. маҳаллий бюджетларнинг тартибга солувчи даромадлари. маҳаллий солиқлар ва йиғимлар. маҳаллий бюджетларнинг харажатлари. иқтисодиёт харажатлари. ижтимоий соҳаларни молиялаштириш харажатлари. ижтимоий ҳимоя харажатлари. маҳаллий бошқарув органларини молиялаштириш харажатлари. бюджетлараро муносабатлар. бюджет ажратмалари. бюджет субвенцияси. бюджет дотацияси. бюджет ссудаси. бюджет трансферти. маҳаллий бюджетларнинг баланслиги. ҳудудий иқтисодиёт. бюджет потенциали. давлат молия тизими. бюджет жараёни. бюджетнинг касса ижроси. ғазначилик тизими. бюджет қонунчилиги. ягона касса тамойили. ҳисоб рақамлар. ғазначилик органлари.

### Назорат учун саволлар

Ғазначиликнинг келиб чиқиш сабабларини тушунтиринг.

Иқтисодий адабиётлардаги ғазначилик атамасига берилган таърифларни келтиринг.

Бюджет жараёнида ғазначиликдан фойдаланишнинг ижобий томонлари нималардан иборат?

Ғазначиликнинг асосий функцияларини айтинг.

Ғазначиликка қандай вазифалар юклатилган?

Ғазначилик фаолиятининг механизм ива тамойиллари нималардан иборат?

Ғазначиликни бошқарув тизими тузилишини изоҳланг.

Маҳаллий бюджетларни ғазначилик тизимида бошқариш нималардан иборат?

### Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: Ўзбекистон нашриёти, 1992.- 46 б.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни. -Т.: 2000, 14 декабр

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонуни. 26.08.2004.

Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида.- Т.: Ўзбекистон, 2005.

“2005 йилда давлат бюджетининг ижросини, харажатларни тўлиқ ва узлуксиз молиялаштиришни таъминлаш, маблағларни кўзланган мақсадларга сарфланиши устидан назоратни кучайтириш тўғрисида”ги ЎзР Молия вазирлигининг 3-сон Буйруғи, 12 январ 2005.

Поляк Г.Б. Бюджетная система РФ. - М.: Финансы и статистика, 2004.

Романовский В.М. Бюджетная система РФ. - М.: ЮНИТИ, 2005.

[www.minfin.ru](http://www.minfin.ru)

[www.mf.uz](http://www.mf.uz)

[www.budget.ru](http://www.budget.ru)

Код поляэменен

Код поляэменен

Код поляэменен

**5-боб. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТАҚЧИЛЛИГИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ  
МАНБАЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ, ДАВЛАТ ҚАРЗЛАРИНИ  
БОШҚАРИШ**

- 5.1. Давлат бюджетининг ҳолати.
- 5.2. Давлат бюджети тақчиллиги тушунчаси. Бюджет тақчиллигининг шакллари.
- 5.3. Тақчилликни келтириб чиқарувчи омиллар.
- 5.4. Бюджет тақчиллиги тўғрисидаги замонавий концепциялар, уларнинг мазмуни, хусусиятлари ва аҳамияти.
- 5.5. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг тақчиллиги босқичлари.
- 5.6. Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари. Давлат қарзларини бошқариш.

**5.1. Давлат бюджетининг ҳолати**

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг бугунги босқичида бюджет даромадлари ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, хўжалик субъектларининг ва аҳоли даромадларининг ошиб бориши, солиқ базаларининг кенгайиши, мулк шаклларининг кўпайиши билан ортиб бормоқда. Лекин бу даврда жамиятнинг кўптомонлама эҳтиёжлари ҳам камайгани йўқ, аксинча, бюджет томонидан молиялаштирилиши объектив зарурат бўлган, моҳият жиҳатидан янги-янги тадбирлар, лойиҳалар, йўналишлар пайдо бўлди. Уларни тўлиқ ҳажмда молиялаштириш янада кўпроқ маблағларни тақозо этади. Лекин даромадларни муттасил ошириб бориш (хусусан, солиқларни ошириш орқали) имконияти амалдаги солиқ қонунчилиги билан чегараланган. Шу билан бирга, солиқларни асоссиз равишда ошириш иқтисодий субъектларнинг хўжалик фаолиятига жиддий путур етказди, уларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш, унинг самарадорлигини оширишга бўлган қизиқишларини сўндиради. Бундай шароитда бюджет харажатларининг бюджет даромадлари билан балансланган бўлишига ҳар доим ҳам эришиб бўлмайди.

“Бюджет тизими тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида давлат бюджетининг ҳолатини белгилаб берувчи тушунчаларга қуйидагича таърифлар берилган:

бюджет профицити - муайян даврда бюджет даромадларининг бюджет харажатларидан ортиқ бўлган сўммаси;

бюджет тақчиллиги - муайян даврда бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ортиқ бўлган сўммаси.<sup>11</sup>

Давлат бюджети даромадларининг бюджет харажатларидан ошиш ҳолати юзага келганда, бюджет профицити пайдо бўлади. Бюджет профицити, одатда, давлатнинг қарз мажбуриятларини тўлашга ва ликвидли маблағларини кўпайтиришга жалб этилади.

Мустақиллик йилларида давлат бюджет сиёсатининг энг муҳим вазифаси иқтисодиётни барқарорлаштириш доирасида бюджет тақчиллигининг ортиб бораётган суръатини жиловлашдан иборат бўлди. Бу вазифанинг ҳал этилиши натижасида иқтисодиётнинг рағбатлантирувчи, ўта муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган жорий харажатларгагина маблағларни ажратиш йўлидан борилди ва тақчиллик ўртасидаги энг мақбул мутаносиблик таъминланди. Ислохотларнинг 2-босқичи якунларига келиб, бюджет тақчиллигининг йўл кўйилган энг кам даражаси (ЯИМнинг 3-3,5 %и) доирасида чеклашга эришилди. 2000 - 2004 йиллар давомида бюджет тақчиллиги даражаси ЯИМ нинг 1-1,2 %идан ошмади. 2005 йил якунларига кўра эса давлат бюджети ЯИМга нисбатан 0,1 % профицит билан 2006 йил 0,5 % профицит билан ижро этилди (3-жадвал).

---

<sup>11</sup> “Бюджет тизими тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 3-модда.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети тақчиллиги ҳажми  
(1992-2006 йиллар)

(ЯИМ га нисбатан %да)

Йиллар	Давлат бюджети тақчиллиги
1992 йил	12,5
1993 йил	10,4
1994 йил	6,1
1995 йил	4,1
1996 йил	7,3
1997 йил	4,5
1998 йил	3,3
1999 йил	3,0
2000 йил	1,1
2001 йил	1,2
2002 йил	0,8
2003 йил	0,7
2004 йил	0,4
2005 йил	Қ0,1
2006 йил	Қ0,5

**5.2. Давлат бюджети тақчиллиги тушунчаси. Бюджет тақчиллигининг шакллари**

Бюджет тақчиллиги деганда муайян даврда бюджетнинг харажат қисми даромад қисмидан ортиб кетиши тушунилади. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида ҳар йилги тақчилликнинг ва тез ўсиб боровчи давлат қарзининг мавжуд бўлиши кузатилади.

Россия иқтисодчи-олимлари В.К. Сенчагов ва А.И. Архиповларнинг «Финансы, денежное обращение и кредит» номли дарслигида “Давлат бюджети тақчиллиги – бюджет харажатлари ва соф кредитлаш сўммасининг бюджет

даромадлари ва олинган расмий трансфертлар сўммасидан ошиб кетишидир,<sup>12</sup> деб таъриф берилган. Тақчилликнинг ҳажми миллий валютада мутлақ сўммада, мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмига, миллий даромад ҳажмига, бюджет даромадлари ва харажатларига нисбатан %ларда аниқланади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, жамият ривожланишининг маълум босқичларида мамлакатнинг хусусиятларини инобатга олиб бюджет тақчиллигига йўл қўйилади.

Бюджет тақчиллигини иқтисодиётга кўрсатадиган таъсирини аниқлаш учун, уни келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, ўрганиш ва бошқариш зарур. Бюджет тақчиллигини ўрганиш, тақчилликнинг шаклларини, уларнинг хусусиятлари мавжудлигини билдиради.

Бюджетнинг актив ва пассив тақчиллиги, таркибий ва доиравий тақчиллиги каби шакллари мавжуд.

Иқтисодий фаоллик умумий даражасининг пасайиши асосида ялпи талабнинг етарлича эмаслиги, иқтисодиётнинг ҳолатига қараб купгина давлатларда бюджет харажатларини кўпайтириш ва солиқларни пасайтириш сиёсати амалга оширилади. Солиқларни камайтириш, солиқ тўловчиларга анча қулай шароит яратади. Аммо солиқларнинг камайиши давлат бюджетига тақчилликни кўпайтиради ва инфляция жараёнларини тезлаштиради. Харажатларнинг даромадлардан бундай ошиб кетиши актив бюджет тақчиллиги деб номланади, бу тақчиллик ЯИМ суръатларининг ўсиши билан бирга кузатилади.

Пассив тақчиллик–иқтисодий фаоллик даражасининг сусайиши натижасида давлат даромадларининг қисқариши билан боғлиқ. Иқтисодий самарадорликнинг пасайиши оқибатида режалаштирилган даромадларнинг олинмаслиги, ЯИМ ўсиш суръатларининг пасайишига, давлат бюджетига тушуши лозим бўлган солиқлар ҳажмининг қисқариши юз беради ва бюджетда мулжалланган даромадлар келиб тушмайди.

---

<sup>12</sup> Сенчагов В.К., А.И.Архипов Финансы, денежное обращение и кредит. М.: Проспект. 1999.

Таркибий тақчиллик–бюджетнинг жорий харажатлари билан тўла бандлик шароитида (солиқ тизими ўзгармаган холда) бюджетга тушиши мумкин бўлган даромадлар уртасидаги фаркни билдиради.

Доиравий тақчиллик–таркибий тақчиллик билан хақиқий тақчиллик ўртасидаги фаркни билдиради.

Давлат бюджети тақчиллиги:	муайян даврда бюджет харажатлари ҳажмининг бюджет даромадлари ҳажмидан ортиб кетиши; бюджет харажатлари ва соф кредитлаш сўммасининг бюджет даромадлари ва олинган расмий трансфертлар сўммасидан ошиб кетиши
Бюджет тақчиллигининг миқдори:	абсолют сўммаларда мамлакат пул бирлигида; мамлакат ЯИМ ига нисбатан % ларда; бюджет даромадларига нисбатан % ларда; бюджет харажатларига нисбатан % ларда;

### 5.3. Тақчилликни келтириб чиқарувчи омиллар

Давлат бюджети тақчиллигининг ҳолатини таҳлил қилишда, уни келтириб чиқарувчи омилларни билиш муҳимдир. Бу омиллар маълум шароитлар таъсирида юзага чиқади ва ҳар бир давлат иқтисодиёти учун узига хос кўринишда бўлади. Аммо барча мамлакатларга хос бўлган умумий омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

тақчиллик давлатнинг иқтисодиётни ривожлантириш зарурати юзасидан кредит қўйилмалари ҳажмини оширишидан келиб чиқиши мумкин. Бу иқтисодиётнинг инқирозли ҳолатини билдирмайди, балки давлатнинг иқтисодий конъюнктурани тартибга солиш, жадал одимлашни таъминлашга қаратилган ҳаракатидан келиб чиқади;

тақчиллик фавкулотда ҳолатлар натижасида келиб чиқиши мумкин (урушлар, йирик табиий офатлар ва ҳ.к.). Бундай ҳолатларда одатдаги захиралар етарли бўлмайди ва ортиқча маблағлар манбасига эҳтиёж туғилади;



мамлакатда ЯИМ ўсиш даражасига эришмасдан, марказлашган узок муддатли инвестицияларни, ижтимоий-маданий тадбирларни молиялаштиришни кескин ошириш натижасида тақчилик юзага келади;

тақчилик иқтисодий инқироз туфайли юзага келади. Бунда молия-кредит алоқалари самара бермайди, ҳукумат мамлакатдаги молиявий ҳолатни ўз назорати остига ололмайдиган вазият вужудга келади.

Бу кўринишдаги тақчиллик фавқулодда хатарли. У зудлик билан аниқ чора кўришигига эмас, балки иқтисодиётни барқарорлаштириш, хўжаликнинг молиявий аҳволни соғломлаштириш буйича воқеликка мос берувчи сиёсий қарорлар қабул қилишни ҳам тақозо этади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджети тақчиллигининг пайдо бўлишига олиб келган омилларни қуйидагича изоҳлаш мумкин. Бюджетнинг харажат қисми буйича:

Бюджетнинг харажат қисмида ижтимоий эҳтиёжларга харажатларнинг катта қисми нуфуз хусусиятидан, яъни тугилиш коэффициентининг юқорилигидан келиб чиқди. Ўтиш давридаги ижтимоий харажатларнинг юқори даражада бўлиши, республикада трансферт тўловлари зарурлиги оқибати эди. Масалан, республикада ишсизлар сони сезиларли даражада кўпайиши, ишсизлик учун нафақалар берилиши миқдори ортишига олиб келди.

Ижтимоий - маданий тадбирлар ва аҳоли учун зарур импорт маҳсулотларини арзон нархларда республика ичкарасига сотиш юзасидан субсидиялар миқдорининг ортиши, давлат харажатларини кенгайтди.

Республика мустақил муҳофаа тизимини ташкил қилиш буйича харажатларнинг янги турлари пайдо бўлди.

Бюджетнинг даромад қисмини сезиларли қисқариши қуйидаги сабаблар билан боғлиқ эди:

Собиқ Иттифок даврида Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари сингари Ўзбекистон Иттифок ҳукуматининг дотацияларига қарам эди (чунки, собиқ Иттифокдан етиштириб берилган хом - ашё ва бошқалар эвазига маблағлар олиб турилган). Ташқи трансфертларнинг тўхташи эса мамлакат учун

караҳтлик ҳолатини келтириб чиқарди (бу трансфертлар Ўзбекистоннинг ЯИМини 19,5 %ини ташқил қилган). Шунинг учун зарур маблағларни ички ресурслар ҳисобидан жалб қилиш зарурати туғилди;

Солиқ тизимидаги ўзгаришлар – айланма солиғидан ККСга ўтиш, корхоналар даромадларининг ишлатилмай қолган қисмини мусодара қилишдан воз кечиш бюджетга тушадиган тушумлар ҳажмини қисқартирди.

Хўжаликлараро иқтисодий муносабатлар издан чиққанлигидан корхоналарнинг даромадлари кескин тушди. Бу республика бюджетига тушадиган солиқларнинг даромад манбаини қисқаришига олиб келди.

Қуйидаги чизмада тақчилликни келтириб чиқарувчи омиллар кўрсатилган.

Тақчилликнинг келиб чиқиш сабаблари:

иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида давлат бюджети ҳисобидан капитал қўйилмалар ҳажмининг ошиб кетиши;

фавқулодда ҳолатлар – урушлар, давомий оммавий тартибсизликлар, табиий офатлар;

ЯИМ ўсиш суръатларининг пасайиб кетиши, ишлаб чиқаришнинг издан чиқиши;

Бюджет даромадлари базасининг мустаҳкам эмаслиги;

ЯИМ нинг ўсиш суръатларига эришмасдан туриб марказлашган узоқ муддатли инвестицияларни, ижтимоий-маданий тадбирларни молиялаштиришни муттасил ошириб бориш;

иқтисодий инқирозлар ва бошқалар.

#### **5.4. Бюджет тақчиллиги тўғрисидаги замонавий концепциялар, уларнинг мазмуни, хусусиятлари ва аҳамияти**

Давлат бюджети тақчиллигига тааллуқли концепциялар - тақчилликнинг амал қилиши билан боғлиқ асосий тамойил ва анъаналар, шунингдек уларни тартибга солиш, молиялаштириш манбалари билан таъминлаш билан боғлиқ чоралардир. Бу муаммони ҳал қилиш бўйича жаҳонда бир-бирига зид бўлган бир қанча концепциялар мавжуд:

- ҳар йили баланслаштириладиган бюджет;
- даврий асосида баланслаштириладиган бюджет;
- функционал тақчиллик.

Қуйида биз бу концепцияларни алоҳида кўриб чиқамиз.

«Ҳар йили баланслаштириладиган бюджет» концепцияси бўйича бюджет ҳар йили даромад ва харажат қисмининг тенглик шarti билан тузилиши керак.

30-йиллардаги «Буюк депрессия»гача бу турдаги бюджет тузилиши давлат молиясининг асосий мақсадларидан эди. Аммо, кўпгина иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, баъзи иқтисодий ҳолатларда ижобий ёки салбий ҳолдаги қолдиққа эга бўлган бюджетнинг бўлиши мақсадга мувофиқдир (ишсизлик ва даромадларнинг пасайиши). Бундай ҳолатда солиқ тушумлари автоматик равишда қисқаради. Ҳукумат бюджетни баланслаштиришга ҳаракат қилиб: солиқларни ошириши; давлат харажатларини қисқартириши; ҳар иккала чораларни биргаликда амалга ошириши мумкин.

Юқоридаги чоралар жиловловчи, яқка ҳолда иқтисодиётда ялпи талабни яна ҳам қисқартирувчи чоралар ҳисобланади. Бундай ҳар йили баланслаштирувчи бюджет инфляцияни тезлаштиради.

Иқтисодий кўтарилиш жараёнида пул даромадлари ортади, ўз-ўзидан, солиқ тушумлари ҳам ортади. Ҳосил бўлган бюджетдаги ижобий қолдиқни йўқотиш учун бундай ҳолатда ҳукумат:

- солиқ ставкаларини пасайтиради;
- давлат харажатларини оширади;

юқоридаги иккаласини биргаликда амалга оширади.

Бу учала чора ҳам иқтисодиётда инфляция босимининг ортишига олиб келади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳар йили баланслаштириладиган бюджет механизми иқтисодий самарали эмаслиги келиб чиқади.

Юқорида кўриб ўтилган камчиликларига қарамасдан, дунёнинг кўпгина давлатларида «ҳар йили баланслаштирилувчи бюджет» ғояси кўллаб-қувватланади.

Даврий асосида баланслаштириладиган бюджет ғоясини С. Пеланд фикри билан қуйидагича қисқача тушунтириш мумкин: «Давлатнинг молиявий сиёсати имкони борича иқтисодий ритм билан синхрон равишда амалга оширилиши керак. Кризис ва депрессия йилларида юзага келган тақчиллик иқтисодий ўсиш даврида ҳосил бўлган профицит (ижобий қолдиқ) ҳисобидан қопланиши керак. Аммо бу ерда асосий муаммо шундаки, иқтисодиётдаги кўтарилиш ва пасайиш ўзининг чуқурлиги ва давом этиши билан бир-бирига мос тушавермайди.

Масалан, узоқ давом этувчи ва чуқур пасайиш улкан бюджет тақчиллигини келтириб чиқаради, ундан кейин келадиган қисқа ва унча катта бўлмаган ривожланишдан ҳосил бўладиган ижобий сальдо билан қопланмайди ва бюджетнинг даврий тақчиллигини келтириб чиқаради.

Функционал тақчиллик концепциясининг ғоячиларидан бири Р. Линдхольм «Умуммолиянинг эски ғояси бюджет баланслаштирилиши керак деб уқтирса, янги қоидалар - бюджет иқтисодиётни баланслаштирилиши керак дейди». Функционал молия ғоясига кўра бюджетни ҳар йили ёки даврий асосда баланслаштириш бирламчи эмас, балки давлат молиясининг асосий мақсади давлат бюджетини эмас, иқтисодиётни ноинфляцион, тўла бандлик асосида баланслаштиришдан иборат.

Юқорида кўриб ўтилган концепциялардан қайси бири Ўзбекистон Республикаси учун бугунги кунда тўғри келади?

Умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, ҳозирги шароитда «функционал молия» ғояси кўпроқ тўғри келади, чунки давлат ўз мақсадларига эришиш учун

харажатларни тақчилли молиялашга эҳтиёж сезилади ва шу йўл билан ишлаб чиқаришнинг пасайишини олдини олиш ва иқтисодиётни тўла барқарорлаштиришга эришиш мумкин.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси илмий адабиётларида (жумладан, Н. Жумаев, У. Бурхоновларнинг «Молиянинг долзарб муаммолари» илмий монографиясида) илгари сурилган «функционал молия» ғоясига кўра, Ўзбекистон Республикасида бюджет тақчиллиги муаммоларини ҳал қилиш учун умуман иқтисодиётни баланслаштириш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, инфляциясиз тўла бандликка эришиш зарур.<sup>13</sup>

### **5.5. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тақчиллигининг босқичлари**

Ўзбекистон Республикасини режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида республика ҳукумати томонидан бозор ислохотларини босқичма-босқич амалга ошириш дастури ишлаб чиқилди. Вазият иқтисодиётни тезкорлик билан эркинлаштириш, истеъмол нархларини сезиларли ошириш ва қаттиқ молиявий сиёсатни амалга ошириш каби микроиқтисодий тусдаги ўзгаришларни амалга оширишни талаб этарди.

Ўзбекистонда ижтимоий асосланган бозорга ўтиш жараёни турли вақтлар оралиғида ҳамда ўтиш жараёнининг турли йўналишлари бўйича нотекис амалга ошди. 1992 йил бошларидан ҳукуматнинг бир-биридан тубдан фарқ қилувчи макроиқтисодий сиёсатни ва ўтиш жараёнидаги ислохотларни шартли равишда бир неча босқичларга бўлиш мумкин.

Ислохотларнинг биринчи босқичи 1992-1993 йилларида амалга оширилган. Биринчи босқичи ҳукуматни юмшоқ макроиқтисодий сиёсат, секин ва чекланган тарздаги иқтисодий ислохотлар ва собиқ Иттифокдан мерос бўлган макроиқтисодий мувозанатсизлик билан тавсифланади.

<sup>13</sup> Жумаев Н., Бурхонов У. Молиянинг долзарб муаммолари. -Т.: Янги аср авлоди, 2003.

Ислоҳотларнинг иккинчи босқичи 1994 йил бошидан 1996 йилнинг учинчи чорагини ўз ичига қамраб олади ва қаттиқ молиявий сиёсатини амалга ошириш, кўпгина соҳаларда ислоҳотлар суръатларининг тезлашганлиги ва микроиқтисодий аҳволнинг барқарорлашуви билан ажралиб туради.

Ислоҳотларнинг учинчи босқичи 1996 йилнинг тўртинчи чорагида бошланиб иқтисодий ислоҳотларининг 1999 йилгача учинчи ри давом этади.

Ислоҳотларнинг туртинчи босқичи 2000 йилдан ҳозирги кунгача давом этиб келаётган иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнини, макроиқтисодий жараёнларнинг барқарорлиги ошганлиги билан кузатиш мумкин.

Ислоҳотларининг ҳар бир даврида республиканинг макроиқтисодий кўрсаткичлари тизими, жумладан бу кўрсаткичлар ичида давлат бюджети тақчилигининг ўрни ва шакллари, унинг ижтимоий иқтисодий тараққиётга таъсири нуқтайи назаридан таҳлил киламиз.

Ислоҳотларнинг биринчи босқичи оралиғида куйидаги йўналишлар бўйича ютуқларига эришилди: нарх-наво ва савдонинг эркинлашуви, кичик корхоналарини хусусийлаштириш, солиқ ислоҳотлари, ҳуқуқий соҳадаги ислоҳотлар ҳамда кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш жараёнлари амалга оширилди.

Хусусан, нархларни эркинлаштириш бўйича: аҳолининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатмасликни инобатга олган ҳолда, энергетика ва истеъмол моллари нархига давлат назоратини ўрнатиш йўли билан, 1992 йилда кўпгина товарлар баҳоси эркинлаштирилди, аммо ҳуқумат ташқи савдо операциялари назоратини ўз қўлида сақлаб қолди.

Хусусийлаштириш бўйича куйидаги ишлар амалга оширилди: давлат уй-жойларининг бир қисми, чакана савдо, маиший хизмат кўрсатиш ва енгил саноат соҳасидаги кичик корхоналар хусусийлаштирилди.

Солиқ тизимидаги асосий ислоҳотлар – ККС ва акциз солигини келиб чиқиши билан боглик.

Ҳуқуқий асосларни шакллантириш соҳасидаги ислоҳотларга – хусусийлаштириш тўғрисидаги, корхоналар тўғрисидаги, хусусий мулк

тўғрисидаги, хорижий инвестициялар тўғрисидаги қонунлар қабул қилиниши билан боғлиқ.

1992-1993 йилларда ҳукумат сезиларли даражада юмшоқ бюджет сиёсатини юритди. Иқтисодий ислохотларнинг бу босқичида бюджет тақчилиги сезиларли даражада ўсди. Ўзбекистонда ЯИМнинг пасайиш даражаси 1992-1993 йилларда уртача 13,1 %ни ташқил этди ва бюджет тақчилиги узининг энг юқори чуққисига чиққанлигини қуриш мумкин. У 1991 йилда ЯИМнинг 4,9 %и миқдоридан 1992 йилда 12,5 (халқаро ташкилотлар ҳисоби буйича 18,1) %, 1993 йилда 10,4 %ни ташқил этди.<sup>10</sup>

Бу тақчилик пассив қуринишидаги тақчиллик бўлиб ЯИМнинг пасайиши билан бир вақтда юзага келди. Ислохотларнинг жадаллашуви босқичи – ислохотнинг иккинчи даврида Ўзбекистоннинг 1994 йилга келиб рубл ҳудудидан чиқиши ва бозор ислохотларини чуқурлаштириш буйича Президент фармонининг эълон қилиниши билан, утказилаётган ислохотлар сезиларли даражада жадаллашди. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг барча расмий маълумотларида ва хорижий мутахассисларнинг ҳисоботларида 1994 йил сентябрдан 1996 йил оралигида бозор ислохотларининг барча соҳаларида ката ютуқларига эришилганлиги уз аксини топган.

Ислохотларнинг иккинчи босқичида ҳукумат каттик бюджет сиёсатини амалга оширди, шу жумладан бюджет даромадларини оширишга қаратилган бир-қанча тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, бюджет бошқаруви кучайтирилди, солиқ тизими ислохотлари такомиллаштириш буйича чоратадбирлар ишлаб чиқилди. Бу вақт давомида Ўзбекистонда иқтисодий аҳвол бир-мунча барқарорлашди, ЯИМнинг реал ҳажмларининг пасайиши секинлашди ва у 1994 йилда 4,2 %, 1995 йилда 0,9 %ни ташқил қилди. 1996 йилнинг биринчи яримидан бошлаб ЯИМ суръатларнинг ўсиши қузатилди.

Ислохотларнинг иккинчи босқичида жамланма бюджет тақчилиги (давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган тушимни ҳисобга олганда) 1994 йилда ЯИМнинг 6,1 %и, 1995 йил 4,1 %и ва 1996 йилнинг биринчи 9 ойи

---

<sup>10</sup> Жаҳон банки ва Молия вазирлиги маълумотлари.

яқунларига кура 3,5 %и микдоригача кискариди. Бюджет тақчилиги 1996 йилгача пассив куринишида, яъни ЯИМ ҳажмларининг пасайиши, макроиктисодий кўрсаткичларнинг нобаркарорлиги шароитида юзага келган булса, 1996 йилнинг бошларидан тақчиллик актив куринишида, яъни ишлаб-чиқариш ҳажмининг ўсиши, инфляция суръатларининг кескин пасайиши ва белгиланган режадаги ҳажмларидан ортмаган ҳолатда юзага чиқди.

Иккинчи босқичда бюджет соҳасидаги энг муҳим жараён бу, 1996 йилдан бошлаб тақчилликни молиялаштиришнинг ноинфляцион усули бўлган давлат облигацияларининг муомалага чиқарилиши булди.

Ислохатларнинг учинчи босқичи (1996 йилнинг IV чорагидан 1999 йилгача). 1996 йилнинг охири чорагига келиб республика ҳукумати купгина муҳим соҳаларда юритилаётган иқтисодий ислохатларда узгаришлар киритишга мажбур булди. 1996 йилнинг туртинчи чорагида жамланма бюджет тақчилиги ЯИМнинг 15 %га кадарортди ва йил буйича умумий 7,3 %ни ташқил килди (шундан ЯИМнинг 6,9 %и микдоридаги тақчиллик банклар тизими томонидан молиялаштирилди). Макроиктисодий ҳолатнинг ёмонлашуви, 1997 йилда ҳукуматни каттик молиявий сиёсат юритишга мажбур килди ва натижада, бюджет тушумларини ошириш, тулов тизимини тартибга солиш ва бюджетдан кредитлаштиришни кискартириш учун килинган тадбирлар натижасида жамланма бюджет тақчилиги ЯИМнинг 2,3 %га кадар кискариди. Бу тақчилликнинг катта қисми давлат облигациялари ҳисобидан молиялаштирилди.

1999 йил Ўзбекистон Республикаси учун эришилган макроиктисодий мувозанатни мустаҳкамлаш йили булди. ЯИМ хакикий ҳажми 1999 йилдан 1998 йилга нисбатан 4,4 %га ўсди.

1999 йилги давлат бюджетининг барча кўрсаткичлари ижобий бажарилди. Давлат бюджетининг даромад қисми 622,0 млрд. сўмни, харажатлар қисми 658,7 млрд. сўмни ташқил этди. Давлат бюджетининг режалаштирилган бюджет тақчилиги 3 % даражасида белгиланган эди, хақиқатда 1,8 % булишига эришилди.



2000 йилда бошлаб hozirgi kungacha islohotlarining IV bosqichi davom etmoqda. Bu davrda iqtisodiyatda makroiqtisodiy kursatkichlarining barqarorligini oshganligini kuzaishimiz mumkin. Davlat byudjetdagi YIMga nisbatan byudjet taqchiligi yildan yilga 1,5 %dan oshmasligi rejalashtirilgan. Respublika hukumati iqtisodiy islohotlarni davom ettirib davlat byudjeti taqchiligi hajmini va inflyatsiya sur'atlarini pasaytirish, sanoat ishlab-chikarish va eksport hajmini, aholini real daromadlarini oshirish siyosatini yuritmoqda. 2005-2006 yillarining davlat byudjeti kursatkichlarida ijobiy uzgariشلar ruy berdi va Ўzbekiston Respublikasi davlat byudjetida haqiqiy bazarlash kursatkichlarida profitsit yuz berdi. Utgan yillar mobaynida Ўzbekiston Respublikasida bosha barcha makroiqtisodiy kursatkichlar katorda davlat byudjeti taqchiligining hajmlarini kishkartiриш, uni xalqaro tashkilotlar tomonidan belgilangan me'yoriy darajalarга тушуриш sohasida katta yutuqlarга erishildi, mamlatning makroiqtisodiy jihatdan barqarorligini yanada mustahkamlashga xizmat qilmoqda.

Respublika hukumati boslangan iqtisodiy islohotlarni davom ettirib, davlat byudjeti taqchiligi hajmini va inflyatsiya sur'atlarini pasaytirish, sanoat ishlab-chikarish va eksport hajmini, aholini real daromadlarini oshirish siyosatini yuritmoqda.

Ўzbekiston Respublikasi Prezidenti I.Karimovning 2006 yilda mamlatni ijtimoii-iqtisodiy rivojlantirish yunlari va 2007 yilda iqtisodiy islohotlarni chuqurlashtirishning eng muhim ustivor yunaliشلarга bagishlangan Vazirlar Mahkamasi majlisida davlat byudjeti masalalarida ijobiy uzgariشلar tўғrisida tuxталиб utdilar.

2006 yilgi davlat byudjetini daromad va xarajatlar kursatkichlari byudjetda taqchilik borligini bildiradi. 2006 yilgi Ўzbekiston Respublikasi davlat byudjetida taqchilik hajmi 271.061,7 mln. sўm kuzda tutilgan, bu yilgi ichki mahsulotга nisbatan 1,5 % belgilangan. Haqiqatda

2006 йилдаги бюджет ижросида давлат бюджети 93,0 млрд сўм ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,5 % профицит билан бажарилди.

2007 йилнинг асосий вазифаси – бу иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб суръатларда ўсиши ҳамда таркибий узгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жihatдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштиришдан иборат. 2007 йил учун мулжалланган иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари куйидаги: жорий йилда ЯИМ ҳажми 7,7 %, саноат ишлаб-чиқариши 7,8 %, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб-чиқариш ҳажми 5,0 % ўсишини таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга жалб этиладиган инвестиция ҳажмини эса 25,5 %га кўпайтириш.

2007 йилга давлат бюджетини тақчиллигини ЯИМ нисбатан 1,0 %да режалаштирилган.

2007 йилга давлат бюджети тақчиллигини молиялаштиришда куйидаги манбалар белгиланган: республика бюджетининг 2007 йилнинг бошига озод колдик маблаглари; 2007 йилнинг 1 январга бўлган давлат махсус фондларнинг маблаг колдиклари; бошка ноинфляцион манбалари.

2007 йилги давлат бюджетида 233.361,2 млн. сўм бюджет тақчиллиги кузда тутилган, бу эса ЯИМ нисбатан 1,0 %ни белгилайди.<sup>11</sup>

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мамлакатимизда узок муддатли молиявий барқарорлик учун дастурлар ишлаб - чиқилмоқда. Бу дастурларнинг мақсадлари нафақат бюджет кўрсаткичларнинг ривожланиш динамикасини, балким ЯИМга нисбатан ички ва ташқи қарзни, ЯИМ нисбатан инвестицияларнинг ҳажми, пул массаси ҳажми ва валюта муаммоси каби масалаларни таъминлашни кузда тутиши, булар асосида бюджет тақчиллигининг чегараси шаклланишига ва молиявий манбалар билан самарали таъминлашга таъсир этишидан иборат бўлиши лозим.

---

<sup>11</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 2007 йил 13 февраль

## **5.6. Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари.**

### **Давлат қарзларини бошқариш**

Давлат бюджет тақчиллигини кўзланаётган даромадлардан кўп бўлиши, мавжуд тақчилликни молиялаштириш йўллари топишга мажбур қилади.

Давлат ўз харажатларини солиқлар ва солиқсиз даромадлар ёрдамида молиялаштиради, аммо бюджетда тақчиллик мавжуд бўлган даврда, ҳукумат қарзлар олишга ҳам мажбур бўлади. Кўпчилик ҳолатларда, кераклик маблағлар билвосита йўллар билан, яъни инфляцион солиқлар ёрдамида йиғилади. Инфляцион солиқ – ҳукумат товарлар ва хизматларни сотиб олиши учун зарур маблағларни тўплаш, бюджет тақчиллигини молиялаштириш учун, пул таклифини ошириш йўли билан аҳолининг пул маблағларини билвосита олиш тушунилади. Бу усул, ҳақиқатда, давлат томонидан аҳолини солиққа тортиш бўлиб, бунда аҳолининг ҳақиқий даромадлари қисқариши натижасида, улар амалга оширадиган харажатларининг ҳажми қисқаришига олиб келади. Кўпгина ривожланаётган мамлакатларда давлат харажатлари учун тўловларни амалга оширишда инфляция орқали солиққа тортиш усули кенг қўлланилади, чунки кўпчилик ҳолларда, бу давлатларда солиққа тортишнинг самарали усуллари мавжуд эмас. Давлатнинг бу усул орқали оладиган даромадларининг ҳам маълум чегараси бўлиб, хаддан ортиқ пул таклифи гиперинфляцияга олиб келади. Бундай шароитда, товарлар ва хизматлар учун тўловларни амалга оширишда пул белгиларига бўлган ишончнинг йўқолиши натижасида иқтисодиёт инқрозга учрайди.

Тақчилликни молиялаштириш икки йирик гуруҳга бўлиб акс эттирилган: иммияли ва қарзли молиялаштириш.

Бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг бу икки усули билан бирга, яна бир ноинфляцион усул – давлат активларини сотиш орқали тақчилликнинг маълум қисми молиялаштирилади. Бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг ҳар қайси ҳолатини иқтисодиётга таъсири бир хил бўлмайди, шунинг учун ҳар бир манбани алоҳида ўрганиб чиқамиз.

Агар тақчилликни молиялаштириш манбаларини янада аниқлаштирадиган бўлсак, юқоридаги икки гуруҳнинг бирига тегишли бўладиган қуйидаги анъанавий манбалар мавжудлигини куриш мумкин: марказий банкдан қарз олиш ёки тақчилликни иммисияли молиялаштириш (пули молиялаштириш); тижорат банкларидан қарз олиш (қарзли молиялаштириш); маблағларни мамлакат ичкарасидаги банк булмаган соҳалардан қарз олиш (қарзли молиялаштириш); валюта захираларини ишлатилиши ёки ташқи давлатлардан қарз олиш (қарзли молиялаштириш); давлат мулкани сотиш ва бошқа ноинфляцион манбалар.

Пули молиялаштириш, ёки Марказий банкдан қарз олиш. Бу жараён Молия Вазирлиги Марказий банкдан қарз олганда юз беради. Марказий банк давлат киммат баҳо қоғозларини сотиб олади ва Молия Вазирликка махсус жорий ҳисоб варақ очади. Вазирлик давлат харажатрали учун қарз маблағларини ишлатганда пул таклифи купаяди, яъни пул эмиссияси юз беради, натижада боҳоларнинг умумий даражаси ошади. Купгина бозор иқтисодиётига утаётган мамлакатларида давлат тақчиллигининг сезиларли %лари нақд пулга айланади ва бу инфляциянинг асосий манбаларидан бири бўлиб хизмат килади. Молия Вазирлигининг киммат баҳо қоғозларини сотиш «қарзларнинг монетизациялашуви» деб юритилади.

Ўзбекистонда бюджет тақчиллигини, асосан, банк тизими томонидан молиялаштирилиш кузда тутилган. Марказий банк кредитлари хар йилги бюджет тақчиллигини коплаш учун ажратилади, бюджет тақчиллигини молиялаштиришда республикамизда асосан ички маблағларидан фойдаланилади.

Қарзли молиялаштириш. Давлат томонидан олинаётган қарзлар – бу давлат харажатларини молиялаштириш учун зарур бўлган пул маблағларини молия бозорларидан қарз олиш йули билан жалб қилишдаги давлат фаолиятидир. Давлат олаётган қарзлари – давлат номидан қарз олиши амалга ошириш ваколатини олиган давлат органларининг қарз мажбуриятлари ҳужжатлари билан расмийлаштирилади, улар давлатнинг қарздорлик киммат

баҳо қоғозлари булади ва бозорда эркин айланиши мумкин. Асосан, давлат қарздорликлари иккита вазифани бажаради: фискал – давлат хазинасига пул маблағларни жалб қилиш; иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш.

Қарз олиб молиялаштириш иқтисодиётни дастлабки ҳолати қандай булишига қараб унга турлича таъсир курсатади ва қиска муддатли ҳамда узок муддатли истикболда турли натижаларни беради. Америкалик иқтисодчи олим Линвуд Гайгернинг фикрча, қарз ҳисобига тақчилликни молиялаштириш иқтисодиётга қуйидагича таъсир курсатади: пул массасини қисқартиради ва % ставкаси даражасини кутаради, шунга боғлиқ ҳолда бир томондан, хусусий инвестициялар даражасини пасайишини келтириб чиқади (сикиб чиқариш омили), ташқи савдо балансини ёмонлаштиради, бошқа томондан инфляция босимини пасайтиради, миллий валюта курсини кутаради, талаб булмаган (сақлаб қуйилган) маблағларни ишлатади.<sup>12</sup>

Давлат бюджети тақчиллигини қоплаш учун ҳам ички, ҳам ташқи қарзлардан фойдаланиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси амалиётида ички манбалар бўлиб Марказий банк кредитлари, ДҚМОларини жойлаштиришдан олинган маблағлар ва бошқа манбалар булиши мумкин. Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштиришда қарзли молиялаштириш ноинфляцион манба ҳисобланади.

Ўзбекистонда ДҚМО бозори 1996 йилнинг март ойидан ташқил топди ва ҳозирги кунгача фаолият курсатиб келмоқда.

ДҚМО бозори давлат бюджети тақчиллигини молиялаштиришнинг қулай ва ноинфляцион манбайи сифатида намоён бўлди. ДҚМОларни жойлаштириш орқали давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш учун зарур бўлган маблағларни тула ҳажмида жалб қилиш имконияти юзага чиқди.

Ташқи қарзлар орқали бюджет тақчиллигини молиялаштириш. Бюджет тақчиллигини ташқи манбалар ҳисобидан молиялаштириш, жорий харажатлар ва асбоб – ускуналар сотиб-олиш учун зарур буладиган чет эл валютасини

---

<sup>12</sup> Гайгер .Л. Макроэкономическая теория и переходная экономика. – М.: Инфра-М, стр. 218

бюджетга келиб тушушини таъминлайди. Бунда, ташқи қарз манбаларини, ички ва ташқи қарзлар даромадлигининг нисбатини, маблағлар жалб қилишнинг

муддати ва шартларини диверсификациялаш муҳим аҳамиятига эга. Ташқи қарзлар таркибининг яхшланиб бориши, Ўзбекистонни махсус халқаро кредит ташкилотлари олдидаги кредит рейтингини оширади. Уз навбатида бу курсаткич, потенциал қарз берувчилар учун мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий таваккалчиликнинг даражасидан келиб чиқади. Шунингдек, ташқи қарздорлик мамлакат тулов балансини қарздорликни уз вақтида қайтариш даражасида барқарор булишини ҳам талаб қилади.

Ташқи қарзлар таркиби қуйидагича классификацияланади:<sup>13</sup>

- ✓ халқаро молия ташкилотларининг кредитлари;
- ✓ чет мамлакатлар ҳукуматларининг кредитлари;
- ✓ чет эл тижорат банклари ва фирмаларининг кредитлари;
- ✓ бюджетнинг чет эл валютасидаги ҳисоб варақларининг банклардаги қолдигининг узгариши;
- ✓ бошқа ташқи молиялаштиришлар.

1991 йилда Ўзбекистон Республикасининг чет эл валютасидаги давлат ташқи қарзлари йўқ эди. Аммо, кейинги йиллардан ҳукумат томонидан Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятини жаҳон ҳамжамиятига таништириш ва республиканинг кредитга лаёқатлилигини намойиш этиш борасида юритган сиёсати натижасида, иқтисодиётга сезиларли даражада ташқи қарзларни жалб қилишга эришилди.

Дунё амалиётида давлат томонидан пул ресурсларини қарзга олишни амалга оширишнинг бир неча мақсадлари маълум. Кўпчилик ҳолатларда давлат харажатларини молиялаштиришни солиқлар ва солиқдан ташқари тушумлардан вақтинчалик ундирилмаган миқдорни қоплаш мақсадида, ҳамда мажбуриятларни кўпайтириш бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида қарз олинади.

<sup>13</sup> А.Бабич, Л.Павлова. Государственные и муниципальные финансы. М.:ЮНИТИ. 2004 стр.142-143.

Давлат томонидан давлат харажатларини молиялаштириш мақсадида олинган қарзлар инвестиция ва тақчиллик харажатларига ишлатилиши мумкин. Инвестиция қарзлари миқдори фискал йил бошлангунча қонун чиқарувчи орган томонидан олдиндан тасдиқланган пул маблағларини билдиради ва устувор равишда инвестиция мақсадларига ишлатилади. Тақчилликни молиялаштириш учун олинган қарздорлик эвазига давлат томонидан давлат даромадлари тушумининг кўзда тутилмаган ҳолда пасайиб кетиши ва давлат харажатлари ортиши ҳолларида фойдаланилади. Бюджетдан бундай кўзда тутилмаган ўзгаришларда ишлабчиқаришнинг сезиларли пасайиши иқтисодий инқирозлар, табиий офатлар, урушлар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Давлат мулкани хусусийлаштириш орқали бюджет тақчиллигини молиялаштириш. Ўзбекистонда хусусийлаштиришга босқичма-босқич ёндошув қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети тақчиллигини молиялаштиришда ноинфляцион восита сифатида 1993 йилдан бошлаб хусусийлаштиришдан тушган маблағлардан фойдаланила бошланди.

Хусусийлаштиришдан тушган тушумлар йилдан йилга сезиларли ўсиб бормоқда, лекин бу соҳадаги имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмапти. Хусусийлаштиришдан тушган даромадлар қуйидагилар ҳисобидан шаклланади:

давлат корхоналарини акциядорлик жамаиатига айлангиришдаги, бирламчи эмиссиясида, акцияларни сотишдан тушган тушумлар;

давлат мулки объектларини кимошди савдоларида, конкурсларда, биржада ва биржадан ташқарида сотишдан тушумлар;

кимошди савдоларида фуқароларга умрбот эгаллик ҳуқуқи билан ер майдонларини сотиш ва қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолатлар билан ерларни хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар;

давлат мулкани ижарага беришдан тушадиган даромадлар;

давлат мулкани бошқариш қумитаси томонидан берилган кредитлар бўйича фоиз кўринишидаги даромадлар;

давлат мулкени бошқариш қўмитаси ҳисоб-китоб рақамидаги вақтинча бўш турган пул маблағларини тижорат банкларига депозитга қўйишдан даромадлар;

давлат мулкени бошқариш қўмитасининг ҳисоб-китоб рақами ва унинг жойлардаги бошқармаларига келиб-тушадиган бошқа даромадлар.

Ўзбекистон Республикасида бюджет тақчиллигини молиялаштириш манбаларини таҳлил қилиб, шундай хулоса қилиш мумкин. Ўтган йиллар мобайнида бюджет тақчиллигини молиялаштириш соҳасида ижобий ютуқларига эришилди ва охириги икки йил давомида Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида бюджет профицитини кўришимиз мумкин.

### **Таянч иборалар рўйхати**

Давлат бюджетининг ҳолати, бюджет профицити, давлат бюджети тақчиллиги, бюджет тақчиллигининг шакллари, тақчилликнинг омиллари, тақчилликни молиялаштириш, тақчилликни тартибга солиш ва бошқариш, бюджет тақчиллигининг замонавий концепциялари.

### **Назорат учун саволлар**

Бюджетнинг ҳолатларига тавсиф беринг.

Бюджет тақчиллиги деб нимага айтилади?

Бюджет тақчиллигини келтириб чиқарувчи омиллар қайсилар?

Иқтисодий ривожланишнинг турли даврларида Ўзбекистон Республикасида бўлган бюджет тақчиллигининг сабабларини аниқланг.

Бюджет тақчиллигининг замонавий концепцияларининг асосий мазмуни нимадан иборат?

Бюджет тақчиллигини молиялаштириш манбаларини аниқлаб беринг.

Тақчилликни тартибга солиш қайси усулларини билосиз?

Бюджет тақчиллигини бошқариш усулларини кўрсатиб беринг.



### Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: Ўзбекистон нашриёти, 1992.- 46 б.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни. -Т.: 2000, 14 декабр

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонуни. 26.08.2004.

Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида.- Т.: Ўзбекистон, 2005.

“2005 йилда давлат бюджетининг ижросини, харажатларни тўлиқ ва узлуксиз молиялаштиришни таъминлаш, маблағларни кўзланган мақсадларга сарфланиши устидан назоратни кучайтириш тўғрисида”ги ЎзР Молия вазирлигининг 3-сон Буйруғи, 12 январ 2005.

Поляк Г.Б. Бюджетная система РФ. - М.: Финансы и статистика, 2004.

Романовский В.М. Бюджетная система РФ. - М.: ЮНИТИ, 2005.

[www.minfin.ru](http://www.minfin.ru)

[www.mf.uz](http://www.mf.uz)

[www.budget.ru](http://www.budget.ru)

Код поляизменен

Код поляизменен

Код поляизменен

## **6-бoб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БЮДЖЕТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ**

6.1. Бюджетлараро муносабатларнинг иқтисодий моҳияти

6.2. Даромад ва харажатларнинг бюджет тизими бўғинлари ўртасидаги тақсимоти

6.3. Бюджетлараро муносабатларнинг шакллари ва тамойиллари

6.4. Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш масалалари.

### **6.1. Бюджетлараро муносабатларнинг иқтисодий моҳияти**

Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими икки бўғиндан иборат: Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети – республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат бюджети, вилоятлар, Тошкент шаҳар, республика туман ва шаҳарлари маҳаллий бюджетларидан иборатдир. Ўзбекистон Республикаси бюджети бир бутундир, яъни бюджет тизими барча бўғинларга давлатнинг ягона давлат бюджетига қирадиган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, республика шаҳар ва туманлари бюджетларининг узвий бирлигини билдиради. Бюджет биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тизимининг яхлитлигини белгилаб беради. Бюджет тизими бутун республика ҳудудида амал қилаётган давлат даромадлари ҳамда умуман республикани Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга йўналтириладиган давлат харажатларининг бир бутун тизимига асосланади.

Бюджетнинг яхлитлиги туфайли республика ўз тасарруфига пул ресурсларининг ягона марказлаштирилган фондини олади, уни бюджет тизимининг фақат бирор - бир бўғинига тақдим этиш эмас ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига бирлаштириладиган барча бюджетларнинг мажмуи сифатида ифодалаш мумкин. Республика бюджет тизимининг яхлитлиги ва бир бутунлиги қонун томонидан мустаҳкамлаб қўйилган, унда

қуйи бюджетларнинг бири юкори бўғинга кириши кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг етакчи бўғини - умумреспублика бюджети хисобланади. Республика бюджети - Давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг 2 бўғини бу маҳаллий бюджетлардир.

Маҳаллий бюджетлар тизими маҳаллий эҳтиёжларни тўлароқ ҳисобга олиш ва уларни давлат марказлаштирилган тартибда амалга оширадиган чоратадбирлар билан тўғри мувофиқлаштириш имконини беради. Шунинг учун маҳаллий ҳокимият органлари маҳаллий бюджетга даромадлар келиб тушишини ва ресурслардан авайлаб фойдаланишдан манфаатдорлар, чунки жойларда иқтисодиёт ва маданиятнинг ўсиш суръатлари маҳаллий резервларни сафарбар этишга, маблағларни режали сарфлашга доир ишларни ташкил этишга бевосита боғлиқ бўлиб, бу эса ўз навбатида, умуман Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг муваффақиятли бажарилишига имкон яратади.

Маҳаллий бюджетларнинг бюджет тизимида тутган ўрни ва аҳамияти амалдаги бюджет қонунчилиги доирасида улар фаолиятини таъминлашнинг ҳуқуқий-меъёрий ва ташкилий-иқтисодий асослари орқали яққол намоён бўлади. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунида ушбу асослар тимсолида маҳаллий бюджетлар имкониятлари шаклланиши ва уларни самарали бошқариш йўналишлари, бюджетлараро муносабатларга замин яратилган.

Мамлакатимизда бюджетлараро муносабатларнинг янги модели шароитидаги ҳамда бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлашдаги давлат тадбирлари ва уларнинг реал ижроси хали бу соҳада ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар мавжудлигини тасдиқламоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунида бюджетлараро муносабатларнинг тараққиёти бюджет бўғинлари ўртасида даромадларни тақсимлаш тизимини такомиллаштириш йўлидан бармоғи ва ҳудудлар ўз даромад базаларини мустаҳкамлашига, улар томонидан ўзларнинг ишлаб-чиқариш, табиий ресурс ва меҳнат салоҳиятидан, яъни ишлаб-чиқарувчи кучлардан мустақил фойдаланишлари учун замин яратиш лозим.

Бюджет қурулиши моделлари 3 асосий тамойилга асосланади:

ҳаражатлар бўйича ҳукумат органлари ўртасида ваколатларнинг қатъий белгиланиши;

тегишли ҳукумат органлари ваколатларининг бажарилишини таъминлаш учун тегишли даромад маблағлари билан таъминланиши;

бюджет дисбалансларининг бюджет трансферт тўловлари тузиши орқали тартибга солиб турилиши.

Ўзбекистон Республикасида бюджетлараро муносабатларининг такомиллаштириш айнан шу тамойилларга риоя қилган ҳолда бюджет қонунчилигини яратиш ва янада мустаҳкамлашни талаб этади.

«Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг IV бўлими “турли даражадаги бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар” деб номланган ва унда бюджетлараро муносабатларнинг ҳуқуқий асослари ёритилган. Ушбу бўлимнинг асосий моддаларидан бири 13- модда бўлиб, унда давлат бюджети маблағларини турли даражадаги бюджетлар ўртасида қайта тақсимлаш асослари кўрсатилган.

Давлат бюджетининг маблағлари турли даражадаги бюджетлар ўртасида қуйидаги тарзда қайта тақсимланади:

умумдавлат солиқлари ва бошқа умумдавлат даромадларининг бир қисмини белгиланган меъёрларда турли даражада бюджетларига ажратилиши;

юқори бюджетлардан қуйи бюджетларга бюджет субсидиялари ва дотацияларининг ажратилиши;

юқори бюджет бўғинидан қуйи бюджет бўғинларига, қуйи бюджет бўғинларидан юқори бюджет бўғинларига бюджет ижроси жараёнида юзага келувчи ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маблағларнинг йўналтирилиши;

бюджет ссудаларининг ажратилиши.

Республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга бюджет субвенциялари ва дотациялари давлат бюджети ҳақидаги қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади. Уларнинг миқдори қуйидагиларга боғлиқ:

ҳудудлар молиявий ҳолатига, жумладан уларнинг шахсий даромад харажатлари етарлигига;

ижтимоий-иқтисодий, экологик, демографик ва бошқа умумдавлат вазибалари ва дастурларига;

ҳудудлар бўйича товар (иш, хизмат)лар қийматидаги фарқларга;

ҳар қайси ҳудудлар аҳолисининг сонига;

ушбу ҳудудда жойлашган ташкилотларнинг бюджет маблағларига бўлган эҳтиёжига;

ҳудудлар ўртасидаги молиявий номуносабатлик (гафовут)ни бартараф этиш учун ҳисобга олинадиган бошқа омилларга.

Бюджетлараро муносабатларни ташкил этиш ва бошқариш тизимида маҳаллий бюджетлар роя қилиши лозим бўлган маълум чекланишлар муҳим аҳамиятига эга. Маҳаллий бюджетлар бюджет қонунчилигига кўра, баланслашган даромад ва харажат тизимида эга бўлишлари зарур. Маҳаллий бюджетларнинг ҳақиқатдаги тақчилиги бўлиши мумкин эмас.

## **6.2. Даромад ва харажатларнинг бюджет тизими бўғинлари ўртасидаги тақсимоти**

Бозор ислохотлари шароитида бюджетлараро муносабатларнинг муҳим масалаларидан бири турли даромад ва харажатларини бюджет бўғинлари ўртасида тақсимланишидир.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадлари қонунлаштирилган ва улар:

1) қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга йўналтириладиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар;

2) қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган умумдавлат солиқлари, йиғимлари, божлари ва бошқа мажбурий тўловлар;

3) қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ давлат мулки объектларини жойлаштириш, фойдаланишга беришдан олинган даромадлар;

4) қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳадя этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;

5) юқори бюджетлардан бериладиган бюджет дотациялари, бюджет субвенциялари ва бюджет ссудалари;

6) юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари;

7) қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа даромадлар ҳисобига шакллантирилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар харажатлари тасдиқланган бюджетдан маблағлар ажратиш доирасида қуйидагича амалга оширилади:

1. Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларининг жорий харажатлари шаклида.

2. Жорий бюджет трансфертлари шаклида.

3. Капитал харажатлар шаклида. Асосий фондлар ва воситаларни (улар билан боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига киради) давлат

эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқаришга; давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа номоддий активларни олишга;

4. Қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа харажатлар шаклида.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўйидагиларга мўлжалланган харажатлар молиялаштирилади:

1) фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт (Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича);

2) ижтимоий таъминот;

3) аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш;

4) Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини таъминлаш;

5) иқтисодиёт турли тармоқларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджет ташкилотларини сақлаш;

6) қонун ҳужжатларига мувофиқ иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари ва тадбирларини амалга ошириш;

7) қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадлар.

### **6.3. Бюджетлараро муносабатларнинг шакллари ва тамойиллари.**

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунининг 21-24 моддаларида турли даражадаги бюджетлар ўртасида даромад ва харажатларни тақсимлаш усуллари ва воситалари кўрсатилган.

Давлат бюджети маблағлари турли даражадаги бюджетлар ўртасида кўйидаги йўллар билан қайта тақсимланади:

умумдавлат солиқлари ва тушумларидан маҳаллий бюджетларга ўрнатилган меъёрлар асосида ажратмалар қилиш;

юқори бюджетдан кўйи бюджетларга бюджет дотациялари ва бюджет субвенцияларини бериш;

ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маблағларни юқори бюджетдан кўйи бюджетга, шунингдек кўйи бюджетдан юқори бюджетга йўналтириш;

бюджет ссудаларини ажратиш.

Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базаси маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ҳисобидан шаклланади. Лекин, Ўзбекистон Республикаси маҳаллий бюджетларининг ҳолатини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, маҳаллий солиқлар ва йиғимларининг маҳаллий бюджетлар даромадларидаги салмоғи ўртача 18-20 %ни ташқил қилади. Шундан 6 % атрофида ер солиғи, 4-5 %ни мулк солиғи, 1,5-2 %ини инфратузилмани ривожлантириш солиғи, 7-8 %ини бошқа солиқ ва йиғимлар ташқил этади. Бундан ташқари маҳаллий бюджет даромадлари мустаҳкамлаш, бюджет бўғинлари ўртасидаги қарама-қарши молиявий оқимларни қисқартириш ва ортиб бораётган маҳаллий бюджет харажатларини маблағ билан таъминлаш мақсадида умумдавлат солиқларидан божхона божлари ҳамда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича тушумлари тўлиқ ҳажмида маҳаллий бюджетларига қолдириш кўзда тутилади.

Жаҳон адабиёти амалиётида солиқларнинг бюджетлар ўртасида тақсимлаш муаммоларини хал қилишнинг кўйидаги йўллари мавжуд:

Солиқларни тегишли бюджет поғоналарига бириктириш; федератив давлатларда федерал, минтақавий ва маҳаллий бюджетлар бўйича; унитар давлатларда – марказий ва маҳаллий бюджетлар бўйича.

Бунда ҳар бир бошқарув дражасига солиқларни жорий қилиш ҳукуқи берилади.

2. Солиқларни бюджет бўғинлари ўртасида улушли тақсимлаш.

3. Солиқ солиш базасидан биргаликда фойдаланиш (солиқларга устамалар ёки қўшимча солиқлар).

4. Солиққа тортиш бўйича ҳуқуқларнинг мос келиши.


Ўзбекистон Республикасида даромадларни бюджетлар ўртасида тақсимлашнинг биринчи икки усули солиқлар ва даромадларнинг бюджет



бўғинлари бўйича тақсимлаш тизими бирлик ва мустақиллик тамойилларига қатъий асосланган.

Умумдавлат солиқларидан маҳаллий бюджетларга ажратмаларнинг меъёрлари ҳар бир бюджет йилида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кейинги бюджет йили учун «Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар башорати ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги тегишли қарорлари билан белгиланади.

Бюджет даромадларининг бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимланиши куйидаги чизмада берилган.



2- чизма Бюджет даромадларининг бюджет бўғинлари ўртасида тақсимланиши

2-чизма асосида хулоса қилишимиз мумкин:

Умумдавлат даромадлари тўлиғича республика бюджетига келиб тушиб, марказий бюджетнинг даромади ҳисобланади ва марказлашган иктисодий, ижтимоий, сиёсий ва бошқа чора-тадбирларни молиялаштиришга хизмат қилади.

Умумдавлат солиқлари дастлаб республика бюджетига тушиб, сўнг Вазирлар Маҳкамасининг тегишли йил учун қарорлари билан ўрнатилган меъёрларга асосланиб маҳаллий бюджетларга ажратмалар қилинади.

Маҳаллий солиқлар маҳаллий бюджетларнинг асосий даромад манбаи бўлиб, улар у ёки бу маҳаллий бюджетга бириктирилади ва тўлиқ шу бюджетларга тушади.

Юқорида айтиб ўтилгандай умумдавлат солиқларидан маҳаллий бюджетларга ажратмаларнинг меъёрлари белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан тартибга солувчи солиқлардан ажратмалар меъёрлари вилоятлар ва солиқлар бўйича дифференциялашган бўлиб, ҳар йили қайта кўриб чиқилади. Бу меъёрлар молиявий йил бошлангунча, умумдавлат эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган харажатларнинг умумий ҳажми бўйича қабул қилингандан сўнг ўрнатилади.

Уларнинг йилдан йилга ошиб боришига сабаб – маҳаллий бюджет харажатларини шу минтақадан йиғилган солиқлар эвазига қоплаш ва шунга мувофиқ юқори турувчи бюджетдан бериладиган молиявий маблағ миқдорини камайтириш заруратидир. Меъёрларни аниқлашда умумдавлат ва маҳаллий солиқларнинг тушумлари башоратларига, маҳаллий бюджетларнинг минимал харажатлар башоратларига асосланилади. Шу муносабат билан кўп вилоятларда, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Хоразм вилоятларида бу меъёрлар 100 % гача ўрнатилган. Тушумларнинг башорат бўйича кўп тушуши кутилаётган вилоятларга умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари паст ўрнатилган. Бу вилоятларда ривожланган саноат тармоқлари, савдо ва аҳоли

даромадларининг юқори даражада бўлганлиги сабабли бир мунча юқори солиқ салоҳияти шаклланган. Бунга мисол тариқасида давлат бюджети солиқлари ва йиғимларининг республика ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ўртасида тақсимланишини меъёрларини келтириш мумкин.

4-жадвал

Давлат бюджети солиқлари ва йиғимларининг республика ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ўртасида тақсимланиши

МЕЪЁРЛАРИ

№	Умумдавлат солиқлар	Меъёрлар (%да)			
		2006		2007 лойиҳа	
		Республика бюджетига	Маҳаллий бюджетга	Республика бюджетига	Маҳаллий бюджетга
1	Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи	95	5	95	5
2	Савдо ва умум овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ	95	5	65	35
3	Кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ягона солиқ	40	60	65	35
4	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	80	20	95	5
5	Кўшилган қиймат солиғи	95	5	95	5
6	Акциз солиғи				
	Шу жумладан:				
	Алкогол маҳсулотлар		100	50	50
	спирт		100	100	
	пиво		100		100
	Тамаки маҳсулотлари	100		100	
	Ўсимлик ёғи		100		100
7	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ		100		100
8	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ	100		100	

Манба: Ўзбекистон Республикасининг Молия Вазирлиги @-нетдаги саҳифасидан олинган.

Жадвал маълумотларидан хулоса қилиш мумкинки, умумдавлат солиқларидан Тошкент шаҳар бюджетига 2006 – 2007 йилларда ажратилган

меъёрлари 100 %дан 5 %гача ажралиб туради. 2006 йил билан 2007 йилни таққосласак, Тошкент шаҳар бюджети ихтиёрига қоладиган солиқлар ва йиғимлар меъёри камайганини кўрамиз. Бу ҳолат Тошкент шаҳар иқтисодиётининг ривожланганлигини ва унинг маҳаллий бюджетининг барқарорлашганлиги билан боғлиқ.

Республикамизда иқтисодий салоҳияти паст бўлган ҳудудларда умумдавлат ва маҳаллий солиқлар уларнинг ўз даромад базаларини шакллантиришлари учун камлик қилади, уларга юқори бюджетлардан субвенциялар ва дотациялар ажратилади.

Ҳудудларнинг бюджетдан амалга оширилаётган харажатлари етарли даромадлар билан таъминланмаганлиги, маҳаллий бюджетларнинг даромадларини давлат томонидан тартибга солишда бирламчи Республика бюджетида йиғилган даромадларни бир қисмини қайта тақсимлашни талаб қилади. Бу мақсадда барча давлатлар амалиётида дотация ва субвенциялардан фойдаланилади.

Бюджет дотацияси - ўз даромадлари ва бюджет томонидан тартибга солинадиган бошқа маблағлар етишмаган тақдирда қуйи бюджетнинг харажатлари билан даромадлари ўртасидаги фарқни қоплаш учун юқори бюджетдан ажратиладиган пул маблағлари ҳисобланади.

Дотация маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларини мослаштирувчи усул сифатида фойдали бўлгани ҳолда, у айрим салбий хусусиятларга ҳам эгадир. Маҳаллий бюджет даромадларининг бу манбаи маҳаллий ҳокимият органларида боқимандалик кайфиятини юзага келтиради. Уларнинг кўшимча даромад топиш, ўз даромадларини кўпайтиришга қизиқишларини пасайтиради, бюджетларнинг даромад ошиши имкониятларини чеклабгина қолмай, молиявий назоратнинг сусайишига шароит яратади. Аммо, шунга қарамадан маҳаллий бюджетларни керакли маблағлар билан таъминлаш усули сифатида дотациядан воз кечиш ҳам мумкин эмас. Дотациядан воз кечиш мақсадида доимий тушмайдиган даромад манбаларидан ажратмаларни ошириш ҳам маҳаллий бюджетларни оғир аҳволга тушириб қўйиши мумкин. Шу

сабабли дотацияларни аниқ шароитдан келиб чиқиб, иқтисодий имкониятлари чекланган ҳудудларга ажратиш орқали уларнинг иқтисодий имкониятларини тенглаштириб боришга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Бюджет субвенцияси - қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда муайян мақсадларга сарфлаш шарти билан юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари.

Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

5-жадвал

2006 йилги маҳаллий бюджетлар даромадлари шаклланишида  
субвенциялар ва дотацияларнинг ўрни  
(даромадларга нисбатан % да)

Худудлар	Субвенциянинг улуши	Дотациянинг улуши
Қорақалпоғистон Республикаси	23,7	35,2
Андижон	23,3	19,1
Бухоро	0	0
Жиззах	25,6	36,1
Қашқадарё	0	0
Навоий	0	0
Наманган	25,8	23,5
Самарқанд	46,2	0
Сурхондарё	27,7	19,9
Сирдарё	15,5	0
Тошкент	0	0
Фарғона	0	0
Хоразм	23,8	12,6
Тошкент ш.	0	0
Жаъми	15,1	9,2

Манба: Ўзбекистон Республикасининг Молия Вазирлиги @-нетдаги саҳифасидан олинган.

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини шакллантиришдан республика бюджетидан бериладиган субвенциялар ва дотацияларнинг салмоғи юқорилигича қолмоқда.

Бюджет амалиётида қўлланилаётган дотация услублари маҳаллий бюджетларнинг республика бюджетига мурожаат этиши лозимлигини билдириб, уларни ўз ҳудудларидаги «боқи беғамлик» фазилатларини кучайтиради. Шу боисдан маҳаллий бюджетларнинг солиқлар ва бошқа

мажбурий тўловларини бюджетлараро тақсимлашни тўғри йўлга қўйиш орқали баланслаштиришга эришиш лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларида йилнинг айрим даврларида даромадлар ва харажатлар ўртасида вужудга келадиган вақтинчалик касса тафовутларини қоплашга республика бюджетидан ссудалар берилиши мумкин.

Бюджет ссудаларини ажратиш тартиби «Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, маҳаллий бюджетларга бюджет ссудалари бериш ва олинган бюджет ссудаларини узиш тартиби тўғрисида»ги Низомда (2001 йил 19 июлда 1052-сон билан рўйхатга олинган) кўзда тутилган тартибда амалга оширилади.

Маҳаллий бюджетлар ижроси давомида даромадлар ва харажатлар орасида фарқнинг юзага келиши маҳаллий ҳокимият органларининг юқори бюджетлардан қарз сўраб давлат органларига мурожаат қилишга олиб келади. Қарзларнинг %сизлиги ва уларни ўзаро ҳисоб-китоблар ҳисобидан узилиши, албатта, маҳаллий ҳокимият органларида тўлиқ бажарилиб боришидаги манфаатдорлигини чегаралаб қўядики, бюджет ижроси давомида улар қўп мартаба ушбу қарзларни сўраб мурожаат қиладилар. Шу сабабли маҳаллий бюджетларни доимий тушиб турадиган даромадлар билан таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Сўнгги йилларда юқори бюджетлардан ўзаро ҳисоб-китоблар асосида бериладиган маблағлар маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда салмоғли ўрин эгалламоқда.

Бунинг келиб чиқиш сабаблари қуйидагилар:

а) давлат томонидан маҳаллий бюджетларнинг бюджет йили давомида даромадлари ва харажатларини доимо мослаштиришга ҳаракат қилиниши;

б) баҳоларнинг ошиб кетиши таъсири остида харажатларнинг кўпайиши.

Ўзбекистон Республикасида ҳудудий тараққиёт муаммолари ҳозирги кундаги энг долзарб масалалардан ҳисобланиб, унинг марказида бюджетлараро муносабатлар ётади.

Молия йили охирига Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар, Тошкент шаҳар бюджетлари, туман ва шаҳар бюджетлари ҳисоб варақларидаги маблағ қолдиқлари, шу жумладан, ижтимоий-маданий ташкилотлар ва контингенти шаҳобчасини кенгайтириш режаси бажарилмаслиги оқибатида фойдаланилмаган қолдиқлар тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Вилоятлар ва Тошкент шаҳри Ҳокимликлари, шаҳар ва туман Ҳокимиятлари ихтиёрида қолади.

Тасдиқланган айланма касса маблағлари миқдоридан ортиқ маблағ қолдиғи республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетлари бюджет маблағларининг эркин қолдиғи бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуннинг 32 моддасига мувофиқ фойдаланилиши мумкин.

#### **6.4. Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш масалалари**

Ўзбекистон Республикасида бюджетлараро муносабатлар тизимининг тараққиёти маҳаллий бюджетлар ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари молиявий мустақиллиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш имкониятини ва ҳукуматнинг юқори ва қуйи даражалари барқарор даромад тизимларини шакиллантириш имкониятини яратади.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунда янги ҳудудий сиёсат ва ушбу сиёсатга мос келувчи бюджет қўрилиши модели шаклланмоқда. Мамлакатимиз бюджет қўрилиши шаклланишининг ҳозирги босқичи икки асосий, лекин моҳиятдан қарама-қарши жараёнларнинг намоён бўлиши билан бирга кечмоқда: бир томондан, собиқ тоталитар тузум давридаги бюджет анъаналари сақланишига қарши маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари аҳамиятининг ўсиш ва иккинчи томонидан, давлатнинг яхлитлиги ва ислохотларни амалга оширишда унинг белгиловчи аҳамияти маҳаллий манфатларидан устун бўлишига йўл қўймаслик зарурати туғилади. Ўзининг иқтисодий, ижтимоий, миллий-маданий, табиий-иқлимий, географик ва бошқа хусусиятлари ва турли

мураккаб бўлган ҳудудларнинг тафовутларини ифодаловчи ушбу хусусиятлар мамлакатнинг ўтиш даврига хос зиддиятли жараёнда янада кескин аҳамият касб этади.

Ҳудудий сиёсатнинг асосий мақсади давлатнинг ягоналигини сақлаган ва мустаҳкамланган ҳолда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига кўпроқ мустақиллик бериш ва уларнинг масъулиятларини оширишдан иборат. Ҳудудларнинг мустақиллик даражаси ўсиши ҳудудларнинг республика билан иқтисодий ва бюджетлараро муносабатлар тизимини такомиллаштиришни талаб этади.

Ўтиш даврига хос иқтисодий, ижтимоий-сиёсий қийинчиликлар бўлишига қарамай янги ҳудудий сиёсат ёки маҳаллий бюджетлар мустақиллигини ошириш жараёни амалга оширилаётир.

Жаҳон амалиёти тасдиқлашича, бюджет қурилиши моделининг икки ҳил тури мавжуд:

марказлашмаган ёки марказлашув даражаси унчали юқори бўлмаган бюджет қурилиши модели (АҚШ давлат мисоли бўла олади);

кооператив ёки марказлашув даражаси юқори бўлган бюджет қўрилиши модели.

Ҳудудий сиёсат ва янги бюджет қурилиши шаклланиши жараёнининг таҳлили тегишли хулосалар чиқаришга имкон беради:

Бюджетлараро муносабатларда тартибга солувчи солиқларни маълум даврига (5 йилга) ягона барқарор нормативлар асосида тақсимлаш маҳаллий бюджетлар даромадларини барқарор шакллантириш, бюджет параметрларининг келишувчилик амалиёти асосида шакллантиришдан воз кечиш, маҳаллий ҳокимият органларининг солиқ тушумларини оширишга бўлган қизиқишларини кучайтириш, солиқ базасини кенгайтириш масалаларини ҳал қилиш лозимлигини билдиради.

Ўтиш даври иқтисодиётини бошдан кечираётган давлатлар тажрибаси бюджет харажатлар ваколатларининг тақсимланишини такомиллаштириш заруратини белгилайди, бугунги кунда харажат ваколатларининг республика ва



махаллий бюджетлар ўртасида чегараланиши тизимлашмаган шаклга эгадир. Молия Вазирлиги ва маҳаллий молия органлари ўртасидаги келишмовчиликлар маҳаллий бюджетлар харажатларни режалаштириш жараёнида пайдо бўлади. Маҳаллий бюджетлар харажатларини режалаштираётганда Молия Вазирлиги ўз имкониятларидан, яъни режалаштирилаётган даромадлардан келиб чиқади. Худудлар жаражасида эса харажатлар режалаштирилиши уларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқади ва бу Молия Вазирлиги кўрсаткичларидан ажралиб туради. Маҳаллий бюджетлар харажатларини режалаштиришда келишмовчиликларни бартараф этиш бюджет харажатларида нормативлардан фойдаланилгандагина мумкин бўлади. Бу нормативлар аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача нормативлар асосида, туман коэффицентларини ҳисобга олиб баҳолаш энг мақбул усул ҳисобланади.

Республикада бюджет тизимини шакллантириш, худудларга молиявий ёрдам кўрсатишнинг тизимини ислоҳ қилишда амалга ошириш лозим бўлган вазифаларни босқичма-босқич ўтказиш лозим. Биринчи босқичда бюджет харажатлари нормативларини ва маҳаллий бюджетларга умумдавлат солиқларидан ажратмаларнинг ягона барқарор нормативларини жорий этиш асосида худудларга молиявий ёрдам кўрсатиш аниқ мақсадларга субвенцияларни ажратиш кўринишида бўлиши керак.

Маҳаллий ҳокимият органларининг солиқ тушумларини оширишга бўлган қизиқишларини орттириш учун ва юқори бюджетлардан молиявий ёрдам ҳамда субвенцияларни қисқартириш учун режадан тушган ортиқча солиқларни тақсимлашнинг аниқ ва тушунарли механизми талаб этилади. Режадан ташқари йиғилган солиқларнинг маҳаллий бюджетларида қолдириладиган қисми қонуний тарзда аниқ белгиланиб қўйилиши керак.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки маҳаллий бюджетлар даромадлар базасини янада мустаҳкамлаш, бюджетлараро муносабатларни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Республикамизда маҳаллий солиқлар ва солиқсиз тушумлардан шакланган даромадлар маҳаллий бюджетлар харажатларининг жуда кам

қисмини қоплаганлиги туфайли, маҳаллий бюджетлар даромадларининг асосий қисми бюджетлараро тартибга солиш орқали шакллантирилади.

Маҳаллий бюджетлар имкониятларини баҳолаш ва уларни оширишнинг устувор йўналишларини аниқлаш, биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг бюджетлараро муносабатларнинг самарали тизимини шакллантириш учун зарур бўлса, иккинчидан, маҳаллий бюджетларни “молиявий тенглаштириш сиёсати”ни амалга ошириш учун зарурдир.

### **Таянч иборалар**

Бюджет тузилиши ва бюджет қурилиши; бюджет тизими; бюджет тизими бўғинлари; бюджетлараро муносабатларни мувофиқлаштириш зарурлиги ва аҳамияти; бюджетлараро муносабатларида республика бюджетининг аҳамияти; бюджетлараро муносабатларида маҳаллий бюджетларининг аҳамияти; маҳаллий бюджетларнинг бириктирилган даромадлари; маҳаллий бюджетларнинг тартибга солувчи даромадлари; давлатнинг бюджет сиёсатида бюджетлараро муносабатларини мувофиқлаштириш; ҳудудий муаммоларини ҳал этишда бюджетлараро муносабатлар; бюджет ажратмалари; бюджет субвенцияси; бюджет дотацияси; бюджет ссудаси; бюджет трансферти

### **Назорат учун саволлар:**

Ўзбекистон Республикаси бюджет тузилиши ва бюджет тизимига тавсиф беринг.

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимини ташқил этиш тамойилларини белгилаб беринг.

Бюджетлараро муносабатларини тушунчасини айтиб еринг.

Бюджетлараро муносабатларни ташқил этиш моделларини кўрсатинг.

Бюджетлараро муносабатларнинг маҳаллий бюджетлар ривожланишидаги аҳамиятини ёритиб беринг.

Бюджетлараро муносабатлар механизмларини кўрсатинг.

Бюджетлараро муносабатларнинг таркиби ва соҳалари.

Маҳаллий бюджетларга ажратиладиган молиявий ёрдамнинг мақсади нимадан иборат?

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: Ўзбекистон нашриёти, 1992.- 46 б.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни. -Т.: 2000, 14 декабр

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»ги Қонуни. 26.08.2004.

Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида.- Т.: Ўзбекистон, 2005.

“2005 йилда давлат бюджетининг ижросини, харажатларни тўлиқ ва узлуксиз молиялаштиришни таъминлаш, маблағларни кўзланган мақсадларга сарфланиши устидан назоратни кучайтириш тўғрисида”ги ЎзР Молия вазирлигининг 3-сон Буйруғи, 12 январ 2005.

Поляк Г.Б. Бюджетная система РФ. - М.: Финансы и статистика, 2004.

Романовский В.М. Бюджетная система РФ. - М.: ЮНИТИ, 2005.

[www.minfin.ru](http://www.minfin.ru)

[www.mf.uz](http://www.mf.uz)

[www.budget.ru](http://www.budget.ru)

Код поляэменен

Код поляэменен

Код поляэменен

## ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ

**Айланма касса маблағи меъёри** - молия йилида Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳисобварақларида туриши мумкин бўлган пул маблағларининг қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган энг кам миқдори.

**Аниқланмаган тушумлар** - агар даромадларни ҳисобга олганда уларни аниқ бир бюджетга ҳисобга олиш ёки бюджет таснифининг аниқ бир бўлимига ўтказиш мумкин бўлмаса улар аниқланмаган тушумлар деб аталади.

**Бюджет жараёни** - давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш, унинг ижросини назорат қилиш, ижроси ҳақидаги ҳисоботни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган жараёни.

**Бюджет дотацияси** - ўз даромадлари ва бюджетни тартибга солувчи бошқа маблағлар етишмаган тақдирда қуйи бюджетнинг харажатлари билан даромадлари ўртасидаги фарқни қоплаш учун юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари.

**Бюджетдан маблағ ажратиш** - қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда Давлат бюджетидан бюджет ташкилотларига ҳамда бошқа бюджет маблағлари олувчиларга ажратиладиган пул маблағлари.

**Бюджет профицити** - муайян даврда бюджет даромадларининг бюджет харажатларидан ортиқ бўлган сўммаси.

**Бюджет ссудаси** - юқори бюджетдан қуйи бюджетга ёхуд республика бюджетидан резидент-юримдик шахсга ёки чет эл давлатига қайтариш шарти билан ажратиладиган маблағ.

**Бюджет субвенцияси** - қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда муайян мақсадларга сарфлаш шарти билан юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари.

**Бюджет сўрови** - бюджет таснифи бўйича тушумларни шакллантириш ва бюджетдан маблағ ажратиш тўғрисидаги сўров.

**Бюджет ташкилоти** - зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган ўз фаолиятини амалга ошириши учун Давлат бюджетидан маблағ ажратиш назарда тутилган ва бу маблағ молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланадиган вазирлик, давлат қўмитаси, идора, давлат ташкилоти.

**Бюджет тақчиллиги** - муайян даврда бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ортиқ бўлган сўммаси.

**Бюджет трансферти** - бюджетдан юридик ёки жисмоний шахсга бевосита ёхуд ваколатли орган орқали ажратиладиган қайтарилмайдиган пул маблағлари.

**Давлат бюджети** - давлат пул маблағларининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

**Давлат ички қарзлари** - давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятлари йиғиндиси.

**Давлат мақсадли жамғармалари** - Давлат бюджети таркибида жамлантирилладиган жамғармалар бўлиб, уларнинг ҳар бири учун маблағлар манбалари, ҳар бир манбадан маблағ тушиши нормалари ва шартлари, шунингдек шу маблағлардан фойдаланилиши мумкин бўлган мақсадлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**Давлат ташқи қарзи** - давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятлари йиғиндиси.

**Давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш** - активларни ички манбалардан (резидент-юридик ва жисмоний шахслардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари вужудга келиши.

**Давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш** - активларни хориж манбаларидан (чет эл давлатларидан, норезидент юридик шахслардан ва халқаро ташкилотлардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари юзага келиши.

**Давлат қарзи** - давлат томонидан ички маблағни ва хориждан маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятлари йиғиндиси.

**Маҳаллий бюджет** - Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташқил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили

мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

**Молия йили** - биринчи январдан ўттиз биринчи декабр куни охиригача бўлган вақтни ўз ичига оловчи давр.

**Республика бюджети** - Давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

**Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети** - Давлат бюджетининг Қорақалпоғистон Республикаси пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, бюджетда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

**Касса харажатлари** – тегишли бюджетларнинг ҳам бюджет маблағлари олувчиларининг банкдаги ҳисобварақларидан, ҳам маблағларсиз ҳисобкитоблар йўли билан ҳам нақд маблағ кўринишида ўтказилган ёки берган барча сўммалари бюджетларнинг касса харажатлари ҳисобланади. Тегишли бюджетларнинг ҳисобварақларидан бюджет маблағлари олувчиларнинг ҳисобварағига ва бюджет ажратмалари қуйи тасарруфчилари ҳисобварағига ўтказилган сўммалар молиялаштириш сўммалари ҳисобланади ва бюджетнинг касса харажатларига киритилмайди.

**Ҳақиқий харажатлар** - ташкилотлар, муассасалар, бюджет маблағлари ва бошқа олувчиларнинг тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган ҳақиқий чиқимлари, шу жумладан кредиторларнинг тўланмаган ҳисобварақлари бўйича, ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи, стипендиялар, нафақалар бўйича қилинган харажатлар ҳақиқий харажатлар ҳисобланади.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### ***I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари***

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2003.-32 б.
- 1.2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. - Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2005.
- 1.3. «Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. - Т.: Ўзбекистон, 2004 йил 26 август.
- 1.4. «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.- Т.: Ўзбекистон, 2000 йил 14 декабрь.

### ***II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва қарорлари***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594 сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими муассасаларини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони, 2007 йил 26 февраль.

«Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари башорати ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги 532-сонли қарори.

«Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар башорати ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 2005 йил 27 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 декабрдаги №ПҚ-229 сонли «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори, "Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишларни амалга оширишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 2005 йил 14 июнь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-3431 сонли Фармони, 2004 йил 21 май.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 25 ноябрдаги №ПҚ-227 сонли «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни модий рағбатлантиришни кучайтириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 февралдаги № пф-3214 сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.

### ***III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари***

- 3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги №275 сонли «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тулашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисидаги» қарори.

3.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ги 2004 йил 28 декабрдаги 610-сонли Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 июнда қабул қилинган «Бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги №263 қарори  
«Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 2004 йил 28 декабрь.

«Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 1999 йил 3 сентябрь.

#### ***IV. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари***

4.1. Каримов И.А. Янгилаш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиз. Ўзбекистон овози., 2007 йил 13 феврал, 2 бет.

4.2. Каримов И. А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. // Халқ сўзи, 2006 йил 25 февраль.

4.3. Каримов И. А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. // Халқ сўзи, 2006 йил 11 феврал.

4.4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 92 б.

4.5. Каримов И. А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. - Т.: Ўзбекистон, 2005.

4.6. Каримов И. А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш асосий вазифамиз. - Т.: Ўзбекистон, 2004.

#### ***V. Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари***

5.1. Давлат молияси тизими. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. 1,2,3-жилдлар.- Т.: Ўзбекистон, 2002.

5.2. Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисида Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 6 апрелда 1333-сон билан рўйхатга олинган

5.3. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидалари. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2002 йил 14-мартда №1111-сон билан рўйхатга олинган.

5.4. Қорқалпоғистон Республикаси бюджетига, маҳаллий бюджетларга бюджет ссудаларини бериш ва олинган бюджет ссудаларни қайтариш тартиби тўғрисидаги низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2001 йил 19-июлда № 1052-сон билан рўйхатга олинган.



5.5. Бюджет ташкилотлари томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш тартиби. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 25 январда № 880 сон билан руйхатга олинган.

5.6. Бюджет ташкилотлари томонидан муассаса ва ташкилотларга вақтинча ишлатилмаётган давлат мулкани ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 7 январда № 869-сон билан руйхатга олинган.

5.7. Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетларида, шуниндек, вилоят, шаҳар ва туман маҳаллий бюджетларида турувчи ташкилотларнинг харажат сметаларин тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби ҳақидаги йўриқнома. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 3 февралда № 888-сон билан руйхатга олинган

5.8. Бюджет ташкилотлари харажатлар сметаси ва штат жадвалларини Молия вазирлиги ва молия органларидан руйхатдан ўтказиш тартиби. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 13 декабрда 849-сон руйхатга олинган

#### ***VI. Дарсликлар***

6.1. Лушин С.И., Слепов В.А. Государственные и муниципальные финансы. – М.: Экономист, 2006, - 317 с.

6.2. Годин А.М., Максимова Н.С. Бюджетная система Российской Федерации. – М.: Дашков и К°, 2006, – 583 с.

6.3. Лушин С.И., Слепов В.А. Государственные и муниципальные финансы. – М.: Экономист, 2006, - 317 с.

6.4. Поляк Г.Б. Финансы бюджетных организаций.- М.: Вузовский учебник, 2006, - 417 с.

6.5. Финансы. Уч. для вузов. /Под редакцией Л.А.Дробозиной. ~М.: ЮНИТИ, 2003.

6.6. Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. –Т.: Ф.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.

#### ***VII. Ўқув қўлланмалар***

7.1. Бекмуродов А. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш йилларида. 1,2,3,4,5-қисмлар. Академик С.С. Ғуломов таҳрири остида.- Т.: ТДИУ, 2006. – 66 б.

7.2. Gadoev E.F., Qurbonov X.A. Moliya. - Т.: O`zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg`armasi nashriyoti, 2005, - 189 б.

7.3. Alimardonov M.I., To`xsanov Q.N. Soliq nazariyasi. - Т.: O`zbekiston Yozuvchilar uyushmasi adabiyot jamg`armasi nashriyoti, 2005, - 175 б.

7.4. Ваҳобов А.В. Қосимова Г., Жамолов Х.Н., Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги: Ўқув қўлланма. «Иқтисод-молия» -Т.: 2005. -166 б.

7.5. Шарифхўжаев М. Ўзбекистон Республикасида бюджет жараёни. - Т.: Қувасой, 2003, - 267

7.6. Налоги. Уч. пос./Под.общей ред. В.Черника. 2-изд. М.: Финансы и статистика, 2003, С. 87.

- 7.7. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари.- Т.: Академия, 2002.
- 7.8. Жумаев Н., Бурханов У. Молиянинг долзарб муаммолари. – Т.: Янги аср авлоди, 2003.
- 7.9. Воҳобов А, Срожиддинова З. Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети. Т.:, 2002.
- 7.10. Поляк Г.Б. Бюджетная система Р.Ф. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. – 550 с.

### ***VIII. Илмий монографиялар, мақолалар ва бошқа асарлар***

- 8.1. Жўраев А. Давлат бюджети тақчиллигини қоплаш ва унинг макроиктисодий барқарорликни таъминлашдаги аҳамияти. «Бозор, пул ва кредит» журнали, 2004 йил апрел №4 сони.
- 8.2. Щербаков Г.Л. Маҳаллий молия менежменти. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёти жамғармаси, 2004.
- 8.3. Қосимова Г. Ҳазначилик тизимини ахборот билан таъминлаш. «Бозор, пул ва кредит» журнали, 2003, 6-сон.
- 8.4. Қурбонов Х.А. Бюджет қурилиши ва бюджетлараро муносабатларни ташкил қилиш принциплари. «Иқтисодиёт ва таълим» журнали, 2003, 4-сон.
- 8.5. Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. –Т.: Академия, 2002.

### ***IX. Докторлик, номзодлик ва магистрлик диссертациялари***

- 9.1. Грибкова Н.Б. Налоги в механизме стимулирования инвестиций в России //Дисс. на соиск. у. с. к.э.н. Москва, 2004, с. 86
- 9.2. Ҳайдаров Н.Х. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари (хорижий инвестицияли корхоналар мисолида). И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. — Т., 2003, 268 бет.

### ***X. Илмий – амалий анжуманлар маърузалари тўплами***

- 10.1. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бюджет-солиқ тизимининг долзарб масалалари. Республика илмий - амалий анжумани материаллари. - Т.: ТДИУ, 2005 йил 14-15- декабрь.

### ***XI. Газета ва журналлар***

- 11.1. «Бозор, пул ва кредит» журнали.
- 11.2. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» журнали.
- 11.3. «Халқ сўзи» газетасининг 2005-2007 йил сонлари.

### ***XII. Статистик маълумотлар тўплами***

- 12.1. «Ўзбекистон Иқтисодиёти» статистик маълумотлар тўплами. -Т., 2006.
- 12.2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003-2006 йиллардаги ҳисобот материаллари.

### ***XIII. Интернет сайтлари***

- 13.1. <http://www.mf.uz>. – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти
- 13.2. <http://www.edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси таълим портали
- 13.3. <http://www.gov.uz>. – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат сайти
- 13.4. <http://www.google.uz>. – Ўзбекистон Республикаси кидирув сайти
- 13.5. <http://www.soliq.uz>. – ЎзР Давлат солиқ Қўмитаси сайти
- 13.6. <http://www.budgetrf.ru>.- Россия Федерацияси бюджет тизими

Код поязменен

Код поязменен

Код поязменен

Код поязменен

Код поязменен

Код поязменен

## М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	3
<b>1-боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ ВА ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ.</b>	4
1.1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ривожланиш босқичлари ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	4
1.2. Мамлакат иқтисодиётини молиявий соғломлаштиришда бюджетнинг аҳамияти.....	13
1.3. Давлат бюджетининг таркибий тузилиши ва бюджет тизимининг бўғинлари.....	17
1.4. Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджетининг ҳуқуқий асослари.....	20
1.5. Бюджет жараёни ва бюджетни башоратлаштириш.....	25
1.6. Ўзбекистон Республикасида бюджет тизимини бошқарувчи органлар.....	31
Таянч иборалар.....	
Назорат учун саволлар.....	
Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати.....	
<b>2-боб. БЮДЖЕТ ТАСНИФИ.....</b>	37
2.1. Бюджет таснифи тушунчаси.....	37
2.2. Давлат бюджети даромадларининг таснифи.....	38
2.3. Давлат бюджети харажатларининг таснифи.....	43
2.4. Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари таснифи.....	44
Таянч иборалар.....	
Назорат учун саволлар.....	
Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати.....	
<b>3-боб. МАҲАЛЛИЙ ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИ, УЛАРНИНГ ТАШҚИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.</b>	50
3.1. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари бюджетларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари.....	50
3.2. Маҳаллий бюджетларнинг бюджет тизимидаги ўрни ва таркибий тузилиши.....	53
3.3. Маҳаллий бюджетларнинг харажатлар тизими.....	55
3.4. Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар тизими.	58
Ҳудудларнинг бюджет ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш.....	65
Таянч иборалар.....	
Назорат учун саволлар.....	
Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати.....	
<b>4-боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИ АМАЛИЁТИДА ҒАЗНАЧИЛИКНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ.</b>	71
4.1. Ўзбекистон Республикасининг бюджет жараёни ва унинг босқичлари.....	71
4.2. Бюджет ижросининг ҳалқаро тажрибалари.....	76
4.3. Бюджет жараёнида ғазначилик тизимини жорий этишнинг	

моҳияти ва зарурати.....	82
4.4. Ғазначиликнинг функциялари ва вазифалари.....	85
4.5. Ғазначиликнинг маҳаллий бюджетларда фаолият кўрсатишининг хукукий-меъёрий базаси.....	89
Таянч иборалар.....	
Назорат учун саволлар.....	
Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати.....	
<b>5-боб. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТАҚЧИЛЛИГИНИ МОЛИЯЛАШ-ТИРИШ МАНБАЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ. ДАВЛАТ ҚАРЗЛАРИНИ БОШҚАРИШ.</b>	92
5.1. Давлат бюджетининг ҳолати.....	92
5.2. Давлат бюджети тақчиллиги тушунчаси. Бюджет тақчиллиги шакллари.....	94
5.3. Тақчилликни келтириб чиқарувчи омиллар.....	96
5.4. Бюджет тақчиллиги тўғрисидаги замонавий концепциялар, уларнинг мазмуни, хусусиятлари ва аҳамияти.....	99
5.5. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тақчиллигининг босқичлари.....	101
5.6. Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари. Давлат қарзларини бошқариш.....	107
Таянч иборалар.....	
Назорат учун саволлар.....	
Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати.....	
<b>6-боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БЮДЖЕТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ.</b>	114
6.1. Бюджетлараро муносабатларнинг иқтисодий моҳияти.....	114
6.2. Даромад ва харажатларнинг бюджет тизими бўғинлари ўртасидаги тақсимоти.....	117
6.3. Бюджетлараро муносабатларнинг шакллари ва тамойиллари.....	119
6.4. Бюджетлараро муносабатларини такомиллаштириш масалалари..	127
Таянч иборалар.....	
Назорат учун саволлар.....	
Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати.....	
ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ.....	132
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	135
МУНДАРИЖА.....	140

## Contents

Introduction

Chapter I. The structure of state budget of the republic of Uzbekistan, and it's role in economy.

Development stages of state budget of the republic of Uzbekistan, and it's peculiarities.

Importance of state budget in improving state economy.

The structure of state budget and it's steps.

Legal bases of state of the republic of Uzbekistan.

Budgeting process and budget forecasting.

Managing authorities of state budgeting process in the Republic of Uzbekistan.

Testing questions.

List of proposed literature.

Chapter II. Budget characteristics.

2.1 Notion of budget characteristics.

2.2 Revenue characteristics of state budget.

2.3 Expense characteristics of state budget.

2.4 Characteristics of financing sources of state budget deficit.

Testing questions.

List of proposed literature.

Chapter III. Budgets of local self administering authorities, their legal-structural bases.

3.1 Legal bases of financial budget of local self administering authorities.

3.2 The role and structure of local budget.

3.3 Expenses of local budget.

3.4 Revenues of local budget.

3.5 Upgrading the system of resource allocation of local budget.

Testing questions.

List of proposed literature.

Chapter IV. Introduction of treasury in practical budgeting process of the Republic of Uzbekistan.

- 4.1 Budgeting process and stages of the Republic of Uzbekistan.
- 4.2 International expenses of budget execution.
- 4.3 Essence and importance of introduction of treasure in budgeting process.
- 4.4 Functions and tasks of treasury.
- 4.5 Legal bases of treasury in local budget.

Testing question

List of proposed Literature.

Chapter V. Sources and mechanism of state budget deficit financing. Management of state depts..

- 5.1 Condition of state budget.
- 5.2 Notion of state budget deficit. Forms of budget deficit.
- 5.3 Factors resulting of the deficit.
- 5.4 Modern concepts about budget deficit, meanings properties and importance.
- 5.5 Stages of state budget deficit of the Republic of Uzbekistan.
- 5.6 Sources of state budget deficit financing. Managing of state debts.

Testing question

List of proposed Literature.

Chapter VI. Interstate relations coordination in the Republic of Uzbekistan.

- 6.1 Economic essence of interstate relations.
- 6.2 Allocation of revenues and expenses in budgeting process.
- 6.3 Forms and concepts of interstate relations.
- 6.4 Improving of interstate relations.

Testing question

List of proposed Literature.

Glossary

List of Literature.

**Бозор Каримович Тухлиев  
Лола Камиловна Алиева  
Суннатилло Камилович Алиев**

# **Ўзбекистон Республикаси бюджет ТИЗИМИ**

(Ўқув қўлланма)

Муҳаррир: Мирхидоятова Д.  
Техник муҳаррир: Агзамов А.  
Компьютерда саҳифаловчи ва дизайн: Бижанова М.

МСНҲ “РАМ – S” босмахонасида босилди.  
700096, Тошкент ш., Муқимий кўчаси, 178-уй.  
Шартли босма тобоғи – 10 б.т.  
Адади - 500